

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Ахмедова Малоҳат Эргашевна

ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА

ПЕДАГОГИКА НАЗАРИЯСИ ВА ТАРИХИ
(Педагогика тарихи)

Таълим соҳаси 140000 - ўқитувчилар тайёрлаш
ва педагогика фани
Бакалавриат йўналиши: барча таълим йўналишлари учун

ТОШКЕНТ – 2010

Аннотация

Мазкур ўқув қўлланма Марказий Осиёда ибтидоий даврдан XX асрга қадар таълим ва тарбия, педагогика тарихи ривожига ҳамда Шарқ мамлакатларидаги педагогик фикр тарихи ва назарий қарашлар билан узвийликда баён этилади.

Ўқув қўлланмада асрлар давомида шаклланиб, ривожланиб келаётган педагогика тарихи фанининг муҳим муаммоларидан бири талаба-ёшларнинг маънавий сифатларини тарбиялаш ҳақида энг қадимги манбалардаги маърифий ғояларни ёш авлод қалби ва онгига сингдиришнинг тарихий-тарбиявий вазифаларига бағишланади. Методик материаллар сифатида олий таълим муассасаларининг ўқув-тарбиявий фаолиятини ташкил этиш, машғулот жараёнида қизиқарли савол-жавоблар, тестлар уюштириш дарслик ва қўлланмалар яратиш илмий-маърифий дастурларни ишлаб чиқиш йўллари кўрсатилади.

Тақризчилар:

Педагогика фанлари доктори,
профессор
Педагогика фанлари номзоди,
профессор

М.Х.Тохтаходжаева

Г. Ниёзов

Муҳаррир:

Педагогика фанлари номзоди, доцент
Ф. Бабашев

Мазкур ўқув қўлланма Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2010 йил 17.06даги 234-сонли буйруғига асосан нашрга тавсия этилган.

Аннотация

В данном учебном пособии образование и воспитание, развитие истории педагогики в Центральной Азии начиная с раннего периода вплоть до XX века описываются в связи с историей педагогической мысли и теоретическими взглядами Востока.

Основной задачей курса истории педагогики, развивающейся в течение многих веков, является внедрить в сознание молодого поколения идеи просветительства, освещенных в древних источниках по воспитанию духовных качеств молодежи. В качестве методического материала пособие может быть использовано в организации учебно-воспитательного процесса в вузах, в составлении вопросов, тестов в учебном процессе, а также в разработке научно-просветительских программ.

Рецензенты:

доктор педагогических наук,
профессор

М.Х.Тахтаходжаева

кандидат педагогических наук,
профессор

Г.Ниязов

Редактор:

кандидат педагогических наук, доцент
Ф. Бабашев

Annotation

In the manual education and upbringing, development of history of pedagogy in Central Asia beginning from earlier period up to XXth century are described in connection with the history of pedagogical thinking and theoretical views of East.

The main task of History of Pedagogy developing since many centuries is to implement in young generation's conscious ideas of morality revealed in the ancient resources on upbringing youth's spiritual features.

As a methodical material the present manual can be used in organization of education process in higher education institutions, in working out tests and questions, and in developing scientific syllabi as well.

Reviewers:

**Doctor of pedagogical sciences,
Professor**

M. Takhtakhodjaeva

**Candidate of pedagogical sciences,
Professor**

G. Niyazov

КИРИШ

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий соҳадаги ислоҳотлар таълим тизимида ҳам янгиланишлар бўлишини тақозо этмоқда. Таълим соҳасини ислоҳ қилишга оид давлат сиёсати таълим тизими ривожланиши стратегиясининг устувор йўналишларини белгилаб берди. 1997 йил 29 август Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси IX сессиясида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» таълимни тубдан ислоҳ қилишда амалий дастур бўлди. Таълим соҳасидаги мазкур ҳужжатлар Республикада таълимнинг ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маданий ривожлантиришнинг устувор соҳаси эканлиги эътироф этилгани ҳолда, халқ таълими соҳасининг барча йўналишларида модернизациялаш ишларига катта йўл очилди. Таълим ислоҳотларидан асосий мақсад – халқнинг бой интеллектуал мероси ва умумбашарий қадриятлар асосида замонавий маданият, иқтисодиёт, фан ва техника, технологияларнинг ютуқлари асосида шахснинг маънавий сифатларини тарбиялаш ва ривожлантиришдан иборат. Шунга кўра Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек: «Мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ аждодларимиз томонидан кўп асрлар мобайнида яратиб келинган ғоят улкан, бебаҳо маънавий ва маданий меросни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган ниҳоятда муҳим вазифа бўлиб қолди»¹.

Шунингдек, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар муваффақияти, жамиятнинг ахлоқий ва маънавий такомилли кўп жиҳатдан ёшларнинг маънавий тарбиясига боғлиқ. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенті И.А.Каримовнинг «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида» 2006 йил 25 августдаги ПҚ-451-сонли Қарорида кўрсатилганидек «Ватанимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, миллий

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: таъфсилликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. –Т.: Ўзбекистон, 1997. -137 бет.

қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимизни асраб-авайлаш, халқимиз айниқса, ёш авлод қалби ва онига, она-юртга муҳаббат, истиқлолга садоқат туйгуларини чуқур синдириш масаласи бугунги кунда тобора долзарб аҳамият касб этмоқда»¹. Бу вазифани ҳал этиш учун олий таълим муассасалари, жумладан олий ўқув юртлари таълим-тарбия жараёнида халқимиз тарихи, маданияти, маънавиятига янгича қараш, уни бугунги кун нуқтаи назаридан ўрганиш, баҳолаш ва улардан талабаларнинг маънавий сифатларини тарбиялаш ва ривожлантиришда фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Юртбошимиз таъкидлаганидек, «Ўз тарихини билмайдиган, кечаги кунини унутган миллатнинг келажаги йўқ»². Шундан таълим-тарбия тарихи бой маънавий меросга эга бўлиб, уни ўрганиш ва таълим истеъмолига киритиш кадрлар тайёрлаш миллий моделида кўрсатилганидек, ҳар томонлама баркамол инсонни тарбиялаш ва ривожлантиришда маънавий сифатларни таркиб топтириш катта аҳамият касб этади.

«Маънавият – инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг, давлатнинг куч-қудратидир. У йўқ жойда ҳеч қачон бахт-саодат бўлмайди. Нафақат кўҳна тарих балки янги тарих ҳам бунинг кўплаб мисолларини беради»³.

Буюк донишмандлар Сукрот, Аристотель, Диоген, Сенека, Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Маҳмуд Қошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Алишер Навоий, Насафий ва бошқаларнинг фикрича маънавийлик инсонларнинг ўзаро муносабатларида эзгулик, поклик, адолат, меҳр-мурувват, ўзаро ёрдам ва ўзаро тушуниш каби сифатларнинг юзага келишида намоён бўлади. «Авесто» ва Шарқ мутафаккирларининг педагогик таълимоти ҳамда Маъмур академияси олимлари яратган ўлмас асарлар дунё фани ва цивилизациясига қўшилган мислсиз ҳиссадир. Улар орасида Муҳаммад Мусо Хоразмий (783–850 йй.), Аҳмад Фарғоний (тах. 797–865), Абу Райҳон Беруний (973–1048), Абу Али ибн Сино (980–1037), Абу Наср ибн Ироқ (958–1034), Абу Саҳл Масихий (977–1011), Абулхайр ибн Ҳаммор (961–1038), Абу Али ибн Мискавайх (ваф. 1030), Абу Мансур

¹ Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Халқ сўзи. 2006 йил 25 август 1-бет.

² Қаримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. –4-бет.

³ Қаримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. –Т.: Ўзбекистон, 1998. – 62-бет.

ас-Саолибий (961–1038), Абу Абдуллоҳ Илоқий (ваф. 1068), Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий (ваф. 997) ва бошқаларнинг асарларида алоҳида ўрин тутади. Маъмун академияси олимларидан ўзига қос маънавий-педагогик мерос қолган. Уларнинг дидактик асарларида ифодаланган саховатлилик, инсонпарварлик, ҳалоллик, дўстлик, Ватанга муҳаббат, табиатга нисбатан эҳтиёткорона муносабат, меҳнатсеварлик, сабр-қаноатлилик, хушмуомалалик, мардлик, эътиқодлилик, адолатлилик, садоқатлилик, жонажон ўлкага муҳаббат, ижодкорлик, зукколик, поклик, қаноатлилик, тўғрилиқ ҳамда бошқа миллий ва умуминсоний сифатларни ҳар бир ёшнинг онгига сингдириш маънавий таълим-тарбиянинг асосий талабларидан ҳисобланади.

Алиомаларнинг мероси воситасида талабаларнинг маънавий сифатларини тарбиялаш ва ривожлантириш муаммоси билан фалсафа, адабиётшунослик, тарих, инсон ва жамият, этнография ва бошқа фанлар намояндалари у ёки бу даражада шуғулланиб келмоқдалар. Файласуф олимлардан И.Мўминов, Ж.Туленов, М.Хайруллаев, М.Махмудов, С.Шермухамедов, Э.Юсупов, Ҳ.Алиқуловлар юксак шахс тарбияси ҳақида фикр юритар эканлар инсонни моддий ва маънавий тараққийнинг яратувчиси, эркин ижодкор сифатида талқин этадилар.

Педагоглардан О.Мусурмонова, М.Қуронов, С.Очилов, Н.Ортиқов, У.Маҳкамов, М.Иномова, Қ.Қуронбоевлар ўқувчиларда маънавий-ахлоқий маданиятни шакллантириш, мустақиллик йилларида тарбия жараёнлари ва ёш авлод маънавиятини ривожлантириш, умумий ўрта таълим мактабларида миллий тарбиянинг илмий-услубий асосларини яратишга бағишланган йирик тадқиқотлар олиб бордилар. Таълим жараёнининг муҳим масалалари Ж.Йўлдашев, М.Тўхтаўжаева, Ф.Юзикаевларнинг илмий изланишларида ўз аксини топган.

Таълим-тарбия тарихига доир С.П.Толстов, А.А.Фрейман, М.Арипов, Ў.Алеуов, Ҳ.Бобоев, А.Зуннунов, Б.Қодиров, С.Нишонова, Х.Тиллашев, К.Ҳошимов, О.Ҳасанбоева, Ж.Ҳасанбоев, Э.Нуритдинова, Э.Тўрақулов, С.Рахимов, Ҳ.Ҳомидов, К.Носиров, Ф.Бабашев, Н.Махмудоваларнинг

тадқиқот ишларида қомусий олимларнинг маърифий меросида инсоннинг камолотга етиши масалалари тадқиқ этилган. Тадқиқотчилардан К.Каримов, Н.Хусанхўжаев, М.Мақсудов, Қ.Маҳмудов, А.Ахметова ва бошқалар Юсуф Хос Ҳожиб, Кайковус, Аҳмад Югнакий, Алишер Навоий, Хусайн Воиз Кошифий, Абдулла Авлоний, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Абдурауф Фитрат ва бошқаларнинг таълимий-ахлоқий қарашларини тадқиқ этганлар.

Психолог олимлар М.Г.Давлетшин, Ф.Б.Шоумаров, Э.Ғозиев, Р.И.Суннатов, З.Нишонова ва бошқаларнинг тадқиқот ишларида инсоннинг маънавий сифатларини тарбиялаш ва ривожлантириш жараёни оптимал психологик шароитда ўрганилиб, улар маънавий тарбияси турли психологик омиллар, инсон табиатини ҳисобга олиш, ижтимоий ҳаёт, ўз-ўзини англашга, ҳаётдаги мавқеини англаб етишга бўлган психологик ҳолатлар асосида ўрганилган.

С.Нишонова «Шарқ Уйғониш даври педагогик фикр тараққиётида баркамол инсон тарбияси»га доир тадқиқот ишида Шарқ Уйғониш даврида таълим-тарбия масалалари, қомусий олимлар илмий меросида қомил инсон тарбияси, ўша давр таълимий-ахлоқий асарларида баркамол инсон тарбияси масалаларини ёритиб беради ва қомил инсонга хос хислатлар кўрсатади. Олиманинг таъкидлашча, Шарқ Уйғониш даври таълимий-ахлоқий асарларида баркамол шахс тарбиясида ақлий, ахлоқий, жисмоний, нафосат тарбияси асосий мезон бўлиб келган. Ана шу мезонларни тарбиялашда инсон эгаллаши зарур бўлган маънавий хислатлар ҳам алоҳида ажратишиб кўрсатилади¹.

Тадқиқотларнинг маълум қисми тасаввуф таълимоти вакиллариининг ахлоқий тамойилларига бағишланган К.Қиличова, баъзиларида айрим шахсларнинг педагогик таълимоти тадқиқ этилади. Масалан, К.Носиров «IX-XI асрларда Ўрта Осиё мутафаккирларининг ахлоқий тарбия ҳақида фикрларини» (ал-Бухорий ва ал-Форобий асарлари мисолида) тадқиқ этар экан, инсон ахлоқий камолотининг асосий шарт-шароитлари ва камолот мезонлари бўлган ахлоқий хислатларни аниқлайди.

¹ Нишонова С. Шарқ уйғониш даври педагогик фикр тараққиётида баркамол инсон тарбияси: и.ф.д. ... дисс. –Т., 1993. – 120-бет.

Ф.А.Бабашев эса педагогика тарихида Хоразмда ташкил этилган «Билимлар уйи» – «Маъмур академияси» (1003–1014) ва унда фаол яратган кўрсатган олимлар Абулхайр Ҳаммор, ибн Ҳамид ал-Хоразмий, Абу Саҳл ал-Масиқий, Абу Али Аҳмад ибн Мискавайх, Абумансур ас-Саолибийларнинг илмий мероси билан бир қаторда – ахлоқий қарашларини ҳам педагогик жиҳатдан тадқиқ этади.

Шунингдек, тадқиқотчилардан М.Ҳожиева Хожа Аҳмад Яссавийнинг маънавий-тарбиявий қарашлари ҳақида тадқиқотлар олиб бориб, унда Яссавийнинг ахлоқий ўғитлари мисолида инсон маънавий камолотида эришиши зарур бўлган ҳислатлар илгари сурилади.

Ўзбек халқ педагогикаси тарихида жуда кўп дидактик асарлар яратилиб, уларни чуқур ўрганиш, улардаги энг қимматли фикрларни аниқлаш, саралаш, улардан бугунги кунда ижодий фойдаланиш ҳамда ҳаётга кенг тадбиқ этиш ҳозирги куннинг муҳим вазифасидир. Илм соҳиблари таълим-тарбия соҳасига оид қимматли асарлар яратган, уларнинг ҳар бир таълимий-ахлоқий асари бўлиб маънавий тарбия, педагогик фикрлар илгари сурилган, уларнинг тарбия ҳақидаги фикрлари чуқур, мантиқий ва асосли баён этилган.

Асарлар оша бу фикрлар ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Улар кенг педагогик жамоатчилик мулкига айланиб, ўсиб келаётган ёш авлод таълим-тарбияси, унга ҳаётга тайёрлаш ишида катта ёрдам бериб келмоқда. Бу педагогик мерос айниқса ҳозирги маънавий кадрлар тикланаётган бир шароитда алоҳида қимматлидир.

Ўзбекистон Республикаси педагогика олий таълим муассасаларида талабалар маънавий сифатларни тарбиялашнинг муҳим шартларидан бири уларни Шарқ айлomalарининг педагогик қарашлари асосида маънавий жиҳатдан шакллантириш, бунинг учун педагогика тарихи материалларидан унумли фойдаланишдан иборатдир.

Ўзбекистонда педагогика олий таълим муассасалари иш тажрибасини ўрганиш натижалари шуни кўрсатдики, халқнинг улкан меросидан ўқитувчилар тайёрлаш, уларни маънавий сифатларни шакллантиришда етарлича фойдаланилмаётгани.

Талабаларни ўтмиш мерос, қимматли манбалар ёрдамида маънавий жиҳатдан тарбиялаш ниҳоятда долзарб бўлганлиги учун ҳам бу соҳада изланишларни амалга ошириш эҳтиёжи вужудга келмоқда.

Педагогика тарихи материаллари ёрдамида олий таълим муассасаларида талабаларнинг маънавий сифатларини тарбиялашни ривожлантириш мақсадида ушбу курс мазмунини янги материаллар билан бойитишга интилдик.

Профессор-ўқитувчилар машғулотларини бевосита кузатиш жараёнида бўлажак ўқитувчиларни тайёрлаш, уларга билим бериш ва маънавий ривожлантиришда педагогик мероснинг кенг имкониятларини ҳисобга олишга ҳаракат қилинди. Шунинг учун ҳам педагогика тарихи курси мазмунини бойитган ҳолда машғулотларни ташкил этишга бўлган интилиш кучли. Ўқув қўлланмада бундан кейинги саҳифаларида «педагогика тарихи» курсини янги материаллар билан бойитиш ва ушбу ўқув материалларини талабалар маънавийтини тарбиялашда педагогик имкониятлари ҳақидаги илмий изланишлар натижаларини баён этишга ҳаракат қиламиз.

Абу Наср ибн Йроқ, Абу Саҳл Масиҳий, Абулхайр ибн Ҳаммор, Абу Али ибн Мискавайх, Абу Мансур ас-Саолибий, Абу Абдуллоҳ Илоқий, уларнинг педагогик қарашлари «Педагогика тарихи» курси мазмунида ўз ифодасини топмаган. «Педагогика тарихи» бўйича мавжуд дарсликларда эса ўқув материаллари ва маълумотлар ал-Хоразмий, Беруний, ибн Сино кабиларнинг педагогик қарашларини ёритишдан иборат бўлиб қолган. Шуларни ҳисобга олган ҳолда, биз педагогика тарихини ўқитишда янги ўқув материаллари билан бойитиш ҳамда ушбу ўқув материалларини талабалар маънавий сифатларини тарбиялаш ва ривожлантиришдаги педагогик имкониятларини илмий жиҳатдан асослашга ҳаракат қилдик.

Мазкур қўлланмада Шарқ мутафаккирларининг камил инсон тарбияси, унинг камолга етишининг асосий талабларини ёритиб беришга бағишланади.

Маълумки, маънавий баркамол авлод ўз-ўзидан тарбияланиб қолмайди. Бугунги талаба эртанги кунда баркамол инсонни шакллантириш билан

шуғулланидиган мутахассисдир. Бўлажак ўжитувчининг ўзида, аввало, етук касбий сифат, маънавий-маърифий маданият, маҳорат ҳамда касбий кўникмалар теран ривожланган бўлиши шарт. Бу эса Ўзбекистон Республикасида таълим-тарбиянинг ягона педагогик тизимини яратишни муқаррар қилиб қўйди.

Ушбу ўқув қўлланма Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Таълим тўғрисида»ги Қонун, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури», Президент И.А.Каримов ҳамда тарихчи, файласуф, психолог, педагог олимлар томонидан илгари сурилган қарашлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги ПҚ-451-сонли Қарори, «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» рисоласи, Вазирлар Маҳкамасининг таълим масалаларига доир қарорлари, Шарқ мутафаккирларининг ёшлар маънавиятини тарбиялаш ва ривожлантириш тўғрисидаги таълимотлари, Олий ва ўрта махсус ҳамда Халқ таълими вазирликларининг таълим тўғрисидаги меъёрий ҳужжатлари, шунингдек, фалсафа, педагогика ва психология соҳасидаги тадқиқотлар ва илғор тажрибалар асосида яратилди.

I. МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОНДА МАЪНАВИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ТИҚЛАНИШИ ВА УЛАРНИНГ ТАРИХИЙ ИЛДИЗЛАРИ

1. Тарихий, педагогик манбалар асосида талабаларнинг маънавий сифатларини тарбиялаш ва ривожлантириш

Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритгач, олий педагогик таълим тизими Республикамизда амалга оширилаётган ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маънавий ислохотлар шароитида ривожланиш даврига кирди. Зеро, ҳозирги кунда иқтисодий маданияти, маънавий ва моддий қадриятларини инсонпарварлик, юксак ахлоқий идеаллар руҳида ривожлантираётган мустақил демократик давлатни барпо этиш жараёни амалга ошмоқда.

Ўзбекистон мустақиллигини мустақкамлашнинг муҳим вазифаларидан бири миллий маънавиятни юксалтириш, миллий мафқурани шакллантиришдан иборат. Бу мураккаб ва долзарб вазифани ҳал этиш учун босиб ўтилган тарихий йўлни таҳлил қилиш, ижобий ва салбий жиҳатларини аниқлаш, шу асосда тарбия, айниқса, талабаларни маънавий сифатларини тарбиялашга йўналтирилган педагогик воситалар тизimini яратиш зарурати мавжуд. Маълумки, жамият ҳаёти ва унда яшовчи кишиларнинг ижтимоий-маънавий юксалиши миллий мафқура, талабалар таълим-тарбияси ҳамда бўлажак мутахассисларнинг кенг кўламда интеллектуал салоҳиятга эга бўлишини талаб қилмоқда. Тарихий тажрибалар шундан далолат берадики, ҳар қандай давлат тизими ўзининг асосий мақсади сифатида ёшларга аждодлардан мерос бўлиб қолган маънавий бойликлар, таълим-тарбиявий қадриятларни сингдиришни тақозо қилади. Таълим-тарбиявий қадриятлар ёш авлоднинг ижтимоий-маънавий ривожланишида замин бўлиб хизмат қиладиган моддий, маънавий бойлик.

Буни ёд олинг! Маънавият тушунчасига бугунги кунда муштарак бир таъриф берилмаган. У умум томонидан қабул қилинган ҳар қил таърифлар мавжуд:

– «Маънавият – инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг, давлатнинг куч-қудратидир»¹.

– «Маънавият – инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишига чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, ифодасини бақувват, иймон-этиқодини бугун қиладиган виждонини уйғотадиган беҳидс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир»².

– «Маънавият – жамиятнинг, миллатнинг ва ёки айрим бир кишининг ички ҳаёти, руҳий кечинмалари, ақлий қобилияти, идрокини муҳассамлаштирувчи тушунча»³.

– «Маънавият – инсон ахлоқи ва одоби, билимлари, истъодоли, қобилияти, Амалий малакалари, виждони, иймони, этиқоди, дунёқарashi, мафкуравий қарашларининг бир-бири билан узвий боғланган, жамият тараққиётига ижобий таъсир этадиган муштарак тизимдир»⁴.

– «Маънавият – инсоннинг ижтимоий-маданий мавжудод сифатидаги моҳиятидир, яъни инсоннинг меҳр-мурувват, адолат, тўғрилиқ, софдиллик, виждон, ор-номус, ватанпарварлик, гўзаллик, севиш, завқланиш, ёвузликка нафрат, ирода, матонат ва шу каби кўшлаб асл инсоний хислатлар ва фазилатларининг узвий бирлик, муштараклик касб этган мажмуасидир»⁵.

Маънавият илоҳий нур, инсоний моҳият рамзи⁶.

Жамият тараққиёти учун хизмат қиладиган, турли ижтимоий-иқтисодий шароитларда вужудга келган қадриятлар долзарб ва аҳамиятли.

Ўз тарихини чуқур билган, унинг энг қимматли жиҳатларини англаб олган, моҳиятини ҳис этган кишигина ўз миллати ва халқининг келажагини тасаввур қила олади, чунки миллий маданият ва мафкурага замин, таянч

¹ И.А.Каримов. Ўзбекистон буюк келажақ сари. –Т.: Ўзбекистон, 1998. - 62-бет.

² И.А.Каримов. Юксак маънавият енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. - 19-бет.

³ Иброҳимов А. ва бошқалар. Ватан туйғуси. –Т.: Ўзбекистон, 1997. - 111-бет.

⁴ Юсуфов Э. Инсон ҳамолотининг маънавий асослари. –Т.: Ушвасрият, 1998. -18-бет.

⁵ А.Эржаев. Маънавият – миллат виждони. – Т.: Маънавият, 1999. - 49-бет.

⁶ М.Қаришбоев. Талотудан уйғувлик сари. Фалс. публ. рив. –Т.: Маънавият, 1997. -7-12 бетлар.

бўлиб хизмат қиладиган фикрлар, педагогик қарашлар, ёндашувлар, концепциялар асрлар давомида шаклланган. Аждодларимизнинг маънавият, маърифатга оид қарашлари ва таълимотларининг пайдо бўлиб, ривожлана бошлаш тарихи бир неча минг йилларни ўз ичига олади.

Маънавиятга оид айтилган фикрлардан келиб чиққан ҳолда, маънавий сифат тушунчасига қуйидагича таъриф беришимиз мумкин:

Эса сақланг! Маънавий сифат деганда биз, ахлоқ-одоблилик, билимдонлик, иймон-этиқодлилиқ, маънавий ва маърифатпарварлик каби ёшларни юксак чўққилар сари етакловчи, тарихий тараққиётни таъминлашга хизмат қиладиган ижобий сифатлар мажмуини тушунамиз.

Маданий мерос ҳамда маърифий-маънавий қадриятларни кенг ва ҳар томонлама ўрганиш зарурлиги Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов томонидан таъкидланганидек, бугунги куннинг энг муҳим вазибаларидан бири халқимизнинг маънавий-ахлоқий қадриятларини тиклаш, буюк аждодларимиз, шоирлар, олимлар меросини халқ мулкига айлантириш, этиқодини ва халқнинг ўз маданияти, маънавиятивинг чуқур тарихий илдизларини шаклланиш босқичлари ва хусусиятларини очиб беришдан иборатдир. Бу эса, ўз навбатида, миллий онг, ғурур, тарихимиз, ўтмиш авлодлар хизматига ҳурмат-этиборни ривожлантириш, халқ меҳнати, ватанга муҳаббат туйғусини ёшларда қарор топтириш учун хизмат қилади. Педагогика тарихи материаллари мисолида педагогика олий ўқув юрларида талабаларнинг маънавий сифатларини тарбиялаш бутунги кунга қадар ўрганилмаган муаммолардан биридир.

Мустақил Ўзбекистонда маънавий-ахлоқий қадриятларнинг тикланиши собиқ совет жамиятида халқнинг ахлоқий қадриятларига этиборсизлик ахлоқ меъёрлари ва тамойиллари бузилишига сабаб бўлганлигини кўрсатмоқда. Чунки синфийлик, яккапартиявийлик ва яккаҳокимликка асосланган коммунистик мафкура халқимизни мулк, ҳокимият, миллий урф-одатлар, анъаналар ва қадриятлардан бир қадар узоқлаштирган эди.

Таниқли олим Ҳ.Бобоев таъкидлаганидек, «...яккаҳокимлик мафқураси ҳукумронлик қилган йилларда ўзбек халқининг миллий манфаатлари четга суриб ташланди, унинг илмий-фалсафий, тарихий, диний, ҳуқуқий, сиёсий қадриятлари, миллий маънавияти ва маданияти камситилди. Натжида, барча халқлар ва миллатлар қаторида ўзбек халқи ҳам жабр-ситам кўрди. Бу эса сохта ва риёкор мафқуранинг инқирозига сабаб бўлди»¹.

Тарихдан маълумки, собиқ социалистик жамият инқирозининг объектив сабабларидан бири – жамиятнинг маънавий инқирозга юз тутишидан иборат эди. «Собиқ иттифоқда маънавий қадриятлар девальвациясига қуйидагилар сабаб бўлди: 1) 1917 йилда октябр тўнғаришидан кейин партия–давлат аппарати тўлиғича чекланмаган ҳокимиятни ўз қўлига олди ва халқ яратган моддий ва маънавий бойликларга эгаллик қилишда чексиз ҳуқуққа эга бўлди; 2) гипертрофияланган, бир ёқлама, пахта хом ашёсини ишлаб чиқариш монополияси ва бой минерал ресурслардан назоратсиз, йиртқиқларча фойдаланишга асосланган иқтисодий сиёсат олиб борилди; 3) шахснинг шаклланиши ва фаолияти доимо расмиётчилик, бепарқлик ва маънавийсизликка тўқнаш келарди; 4) жамиятда КПСС ақидалари устуворлиги гуруҳ манфаатларининг умуминсоний қадриятлар, маънавиятдан устуворлиги юзага келди, бунинг ҳаммаси охир оқибатда маънавий деградацияга олиб келди»².

Ўзбекистоннинг мустақиллик мафқураси кишилар онгига келажакка ишонч, меҳр-шафқат, виждонлилик, бардошлилик, адолатлилик, билимга интилиш каби эзгу ҳислатларни сингдиришга асосланган. Бунда, албатта, асрий анъаналар, тил, халқ маънавиятига таянилди.

Ҳозирги кунда жамият маънавий ривожининг мураккаб ва кўп қиррали жараёни кўп жиҳатдан миллий маданиятларнинг ўзаро бойиши билан белгиланмоқда. Айнан шу сабабли ҳам таълим тизимини ислоҳ қилишдек катта ва муҳим ишда аждодларимиз томонидан тўпланган ёш авлод тарбиясига оид кўп асрлик тажрибадан унумли фойдаланиш зарурияти

¹ Ҳ.Бобоев ва бошқалар. Миллий истиқбол мафқураси ва тараққиёти. –Т.: Янги аср авлоди, 2001. –8 бет.

² И.А.Каримов. Ўзбекистон XXI асрга интилишда. –Т.: Ўзбекистон, 1999. –49-бет.

пайдо бўлди. Жамият тараққиётининг кўрсаткичлари шундан далолат берадики, шахс маданияти ҳамда педагогик фикр ижтимоий-тарихий жараёнлар билан биргаликда ривожланади. Марказий Осиё халқлари, жумладан, туркий халқлар илгор педагогик фикрларни халқнинг илм-маърифатга интилиши, ақл ва идрок тантанаси, ёрқин келажак ҳақидаги орзуларини яратибгина қолмай, балки сақлаб қолган ва авлоддан-авлодга бойитган ҳолда узатган.

Халқнинг миллий маданияти, маънавий дунёси муайян тарихий шароитларда инсоният томонидан узоқ асрлар давомида тўлланган илгор фикрлар асосида ривожланган. Мудими, бугунги кунда таълим-тарбия соҳасида илгари сурилган буюк вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш талабаларнинг касбий тайёргарлиги, илмий ва маънавий савияси кўп жиҳатдан ўз халқининг илгор педагогик тажрибаларини тўлиқ ва чуқур билиши билан белгиланади. Ўтмишдаги ижобий педагогик тажрибаларни ўзлаштириш касбий маданият, маҳоратни эгаллашда, замонавий ОТМ талабалари олдида турган вазифаларни аниқроқ ҳис этишга кўмаклашади. Ҳозирги даврда жамият аъзоларининг ишонч билан олдинга бориши ва буюк мақсадларга етиши ёш авлоднинг илмий салоҳияти ва умумий маданияти, касбий малакасининг юқори даражада бўлиши билан бевосита боғлиқдир.

Ҳақиқатан ҳам ҳар бир инсоннинг фаоллиги, масъулиятни ҳис этиши, ўз бурчини англай билиши унинг маънавий камолоти билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов жамият маънавиятини ривожлантиришни устувор йўналишларидан бири сифатида «Ўзгирф» этар экан, унинг мазмун моҳиятини қуйидагича таърифлайди: «Маънавият инсонга она сути, ота намунаси, аجدодлар ўтиги билан бирга сингади»¹. Шунинг учун ёш авлод тарбиясида унинг билим даражаси, маданий-сиёсий савияси, ҳуқуқи, тафаккури ва онгини шакллантиришда олий кадрларимиз бўлган маърифий меросимиздан умулми фойдаланишимиз лозим. Чунки халқнинг урф-одатлари, кадрларни, динининг тикланиши билан ёшларни тарбиялашнинг янги-янги қирралари очилмоқда.

¹ И.А.Каримов. Ўзбекистон буюк келажак сари. –Т.: Ўзбекистон, 1998. –60-бет.

Маънавий камолот, энг аввало, ҳар бир ёшнинг ақлу идроки, фикри, билими, қобилияти, истеъдоди, тажрибаси ва меҳнат фаолиятида ифодаланади. Унинг моҳиятини олимлар шундай тупунтирадилар:

Билиб олинг! «...одамни одамий қилиб келаётган, инсониятни инсоний қилиб, наслдан-наслга, авлоддан-авлодга ўтказаётган, яхшнинг ёмон устидан, эзгуликнинг ваҳшийлик устидан, ҳиснинг ҳирс устидан, гўзалликнинг хунуклик устидан, назокатнинг дағаллик устидан, виждоннинг нафс устидан, доноликнинг жаҳолат устидан, вафонинг бевафолик устидан, субутлиликнинг бевурдлик устидан, садоқатнинг хиёнат устидан, иймоннинг эътиқодсизлик устидан, диннинг хурофот устидан ғалабасини таъмиглаб келаётган покиза руҳли буюк зотлардир»¹.

Президент И.А.Каримовнинг «Тарих хотираси, халқнинг, жонажон ўлканинг, давлатимиз ҳудудининг холис ва ҳаққоний тарихини тиклаш, миллий ўзликни англашни, таъбир жоиз бўлса, миллий ифтихорни тиклаш ва ўстириш жараёнида ғоят муҳим ўрин тутади»² деган, фикри миллий педагогика тарихининг тарбиявий ўрнини янада юқори кўтариш, ҳусусан, унинг шу вақтга қадар четда қолиб келаётган алломаларимиз ижодига чуқурроқ кириб бориш ва уларнинг ҳақиқий мазмун-моҳиятини оммага тўлиқ етказишга ундайди.

Инсонлар ўзаро ижтимоий муносабатга киришар эканлар, улар аввало ахлоқ-одоб меъёрларига риоя қиладилар. Бу борада ўз даврида катта аҳамиятга эга бўлган, янги шароитларда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган ахлоқий сифатлар ҳақиқий қадрият саналади.

¹ А.Ибродимов га бошқалар. Вақан туйғуси. –Т.: Ўзбекистон, 1997. –57-бет.

² И.А.Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққийёт кафолатлари. –Т.: Ўзбекистон, 1997. –140-бет.

Билиб олинг! Талабаларнинг маънавий сифатларини тарбиялашни асосий шартларидан бири, педагогика олий таълим муассасаларида «Педагогика тарихи» фанини ўқитиш орқали маънавий-таълимий меросдан унумли фойдаланишдан иборатдир. Мазкур меросни ёшлар онги, турмуш тарзи ва педагогик фаолиятига синдириш «педагогика тарихи»нинг устувор вазифаларидан бири. Талабалар маънавиятининг моҳиятини белгиловчи тушунчалар одоб, билим, илм, амалий малакалар, истеъдод, қобилият; иймон, эътиқод, виждон, инсоф, ихлос; дунёқараш ва мафкурадир. Зеро, инсоннинг маънавий сифатлари ана шу тушунчалар асосида ривожланади. Чунки бу тушунчаларнинг барчаси ахлоқ одоб тушунчаси билан боғлиқдир.

Педагог олимлар М.Қуронов, С.Очиловларнинг фикрларига таянган ҳолда, маънавий сифатларга қуйидагиларни киритиш мумкин: иймонлилик, эътиқодлилик, андишалилик, оилага муҳаббат, ҳалоллик, бировнинг ҳақиқа киёнат қилмаслик, ота-онага ҳурмат, фаҳм-фаросатлилик, билимлилик, саховатлилик, мардлик, ширинсўзлик, одиллик, ҳаёлилик, самимийлик, меҳнатсеварлик, дўстлик, ўртоқлик, меҳмондўстлик, одамгарчилик, инсонпарварлик, ватанпарварлик, тadbиркорлик, чاقқонлик, зукколик, уқувлилик, хушмуомалалик, поклик, зийраклик, ростгўйлик, назокатлилик, самимийлик, ташаббускорлик, она юрти ва халқига муҳаббатлилик, инсофлилик, диёнатлилик, ор-номуслилик, режалилик, сабрлилик, қаноатлилик, вазминлик, миллий ғурур, байналминаллик ва бошқалар.

Лекин ўтмишда яратилган асарларда фақат ижобий сифатга эга бўлганлар эмас, балки салбий характерга эга бўлган кишилар ҳақида ҳам фикр юритилган. Ўтмишда яратилган асарларда кишиларнинг қуйидаги салбий иллатлари акс эттирилган: ёмонлик, ёвузлик, ғазабноклик, фаҳшпарастлик, жоҳиллик, бузуклик, ўзбошимчалик, ялқовлик,

таъмагирлик, танбаллик, манманлик, адоватлилик, гийбатчилик, чақимчилик, кўрқоқлик, ҳасадгўйлик, ёлгончилик, нифоқпарастлик, зулмкорлик, бўҳтонпарастлик, исрофгарчилик, лаганбардорлик, тилёғламалик, хасислик, худбинлик, шуҳратпараслик, қонунбузарлик, жиноятчилик, гиёҳвандлик, қиморбозлик, ичкиликбозлик, кўполлик ва бошқалар.

Маънавий сифатлар таълим мазмунига кўра туркумлаштирилганда қуйидаги манзара намойён бўлади:

Талабаларнинг маънавий сифатлари

Ахлоқлилик ва одоблиликка доир сифатлар	Билимдонликка доир сифатлар	Иймонлилик, эътиқодлиликка доир сифатлар	Маданиятлилик, маърифатлиликка доир сифатлар
Эзулик, ҳамдардлик, хайрихоҳлик, ватанпарварлик, шафқатлилик, самимийлик, сахийлик, софдиллик, сабр-қаноатлилик, гўзалликни ҳис этиш, садоқатлилик, камтарлик, андишаллик, мулоиймлилик, хушмуомалалилик, шарм-ҳаёлилик, ғамхўрлик, меҳрибонлик, дўстлик ва ўртоқлик, мардлик, шижоатлилик, интизомлилик, қадрлилик, муносилик, муҳаббатлилик ва бошқ.	Билимлилик, илмга интилувчанлик, салоҳиятлилик, оқиллик, зукколик, малакалик, маҳоратлилик, моҳирлик, истеъдодлилик, тажрибалилик, теранлик, зийраклик ва бошқ.	Диёнатлилик, эътиқодлилик, виждонлилик, ишонувчанлик, ихлослилик, тинчлик, осойишталик, инсофлилик, адолатлилик, одиллик, инсонпарварлик, ҳалоллик, мақсадлилик, интилувчанлик, иффатлилик, савоبتалаблик, сабрлилик, ҳақгўйлик, кўзи тўқлик, ҳақиқатпарварлик, хайрихоҳлик, ҳимматлилик, кечиримлилик ва бошқ.	Идроклилик, негбинлик, меҳнатсеварлик, ижодкорлик, ишчанлик, шинавандаллик, ғурурлилик, миллатпарварлик, толерантлик, байналминаллик, яратувчанлик ва бошқ.

Талабалар маънавиятини тарбияловчи ижобий сифатлар «педагогика тарихи»да энг қадимги даврлардан бошлаб ёш авлод тарбиясида қўланиб келинмоқда. «Педагогика тарихи» материалларида уларга ўргатиладиган таълимий воситаларда ўз ифодасини топгандир. Шундай воситалар сирасига Маъмун академияси олимларининг бир қатор асарлари ва Шарқ мутафаккирларининг педагогик таълимотлари ҳамда «Авесто»дан олинган парчаларни киритиш мумкин. Мазкур парчаларда яхшилик ва ёмонлик, ҳақгўйлик ва ноҳақлик, бахт ва бахтсизлик ҳақида баҳс юритилган. Инсонинг маънавий ривожланиши масалаларига Куръони каримда ҳам алоҳида эътибор берилганки, уларни ўрганиш талаба шахсининг маънавий тараққий этиши учун муҳим аҳамиятга эга.

Эсда сақланг! Пайгамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом: «Киши ўз боласига одобдан кўра афзалроқ нарса ато этолмайди», дейдилар.

Шундай экан, ахлоқий сифатлари мукаммал бўлган инсонлар юксак маънавиятли бўладилар [375-ҳадис].

Ҳаётдан маълумки, беодоблик бу туғма хусусият бўлмай, тарбиясизлик маҳсулидир. Чунки, агар бола ёшлигидан бошлаб одобли инсонлар доирасида яшаб воёга етса, у, албатта, одобли, беодоб кишилар орасида ўсса—беодоб бўлиб тарбияланади. Одоб оддий, шунчаки бир сўздай туйилса-да, аслида бу сўз замирида катта маъно, кенг қўламдаги инсоний фазилатлар жамулжамдир.

Халқимиз тарихига назар таълиқасак, улуг кишилар ўзларининг чуқур ва кенг билими билангина эмас, балки одоб-ахлоқи билан ҳам элу юртда эътибор топганини кўраимиз.

Муҳаммад алайҳиссалом мусулмон оламида ўзининг ахлоқ ва одоби билан ибрат бўлиб келаётган буюк шахс. Унинг ибратли ахлоқ одоби аввало ўз оиласи, қолаверса, атрофдаги инсонлар ораси, ўзи яшаган

жамиятда ёрқин намоён бўлган. Унинг учун ахлоқ ҳаётнинг асосий мазмунини ташкил этган. У ҳамиша ҳалоллиги, поклиги, ахлоқ одоби билан барчага ибрат бўлиб яшаган. Камбағаллар ҳолидан хабар олган, қарздорларнинг қарзини тўлаган, меҳмонни қадрлаган, муҳтожларга кўмак берган. ўзини доимо ҳокисор тутган, мақтаниш, манманлик, қаҳр-ғазаб билан муомала қилиш каби нуқсонлардан узоқда бўлган. Хуллас, ўзининг барча олижанобликлари ҳамда юксак маънавий фазилатлари билан инсонлар қалбида абадий яшаб келмоқда.

Педагогика тарихини ўқитишда талабаларнинг маънавий сифатларини тарбиялашга бўлган эҳтиёжни ҳисобга олган ҳолда янгидан-янги манбаларга мурожаат қилиш зарурияти юзага келди. Шу зарурият туфайли «Педагогика тарихи» курси мазмунини талабаларнинг маънавий сифатларини тарбиялашда хизмат қиладиган ўқув материаллари билан бойитиш мақсадидаги изланишлар ўз аксини топди. Жақон халқлари маданиятининг ривожланишида Шарқ мутафаккирлари, уларнинг маънавий мероси муҳим аҳамият касб этмоқда. Дунё халқларининг фалсафий ва дидактик фикрлари ривожда Шарқ алломаларининг қарашлари алоҳида аҳамиятга эга. Чунки улар ўз фаолиятлари давомда илм-фаннинг турли соҳаларида буюк кашфиётлар қилганлар, оламшумул из қолдирганлар.

IX асрдан бошланган маданий-маърифий юксалиши бир неча аср давом этиб, бу давр тарихда «Шарқ Уйғониш даври» номи билан машҳурдир. Бу ҳақда қатор тадқиқотлар яратилиб, уларда қомусий алломаларнинг педагогика, хусусан талабаларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясига оид таълимотлари илмий таҳлил этилган.

Баъзи тадқиқотларда Шарқ алломаларининг маънавий мероси ҳақида қимматли маълумотлар мавжуд. Масалан, С.Ҳасанов ўз тадқиқотларида Хоразми антик давр ва ўрта асрларда ривожланган фан ва маданият ўчоғи сифатида Миср, Ироқ, Эрон, Хитой, Ҳиндистон, Юнонистон ва Рим билан бир қаторга қўяди. Зеро, эраמידан аввалги VI ва эрамининг I асрида Қўйқирилган қалъада расадхона мавжуд бўлган, «Сабр – қувонч қалити», «Билим олиш: дастлаб аччиқ, натижаси ширин», «Олижаноблик қалити»

билим» каби ёзувлар битилган кулолчилик буюмлари топилган. Хоразм тили араб ва форс тиллари каби XIII аср охиригача ўз аҳамиятини сақлаб келган. Шарқшунос олим А.А.Фрейман таъкидлаганидек, хоразм тили XIII-XIX асрлардан кейин тўлиқ туркий бўлган. Бу жараён халқнинг билим, маърифатга интилишида юксак аҳамият касб этган, ўз навбатида, давлатнинг гуллаб-яшнашига таъсир кўрсатган¹. IX-XV асрларда «Туронзамин», «Туркистон», «Мовароуннаҳр» номлари билан тарихда машҳур бўлган қудратли давлат халқлари жаҳон илм-фани ва маданияти тараққиётининг олдинги сафларида туриш бахтига сазовор бўлди.

Президент Ислам Абдуганиевич Каримовнинг «Ўзбекистон буюк келажак сари» номли китобидаги сўзларга эътибор қаратамиз. «Маънавиятни мустаҳкамлаш учун меҳнат ва маблағни аяш ўз келажигига болта уриш демакдир. Ватан ва жаҳон маданиятининг, адабиёт ва санъатнинг ютуқлари ҳар бир оиллага етиб бориш учун оиланинг моддий таъминланганлигидан қатъий назар қулай шароитлар яратиш талаб этилади», - деб таъкидлайдилар. Демак, барча соҳада, шу билан бирга педагогика тарихида ҳам худди шундай шароитлар яратиш талаб этилади. Биз педагогика тарихини, маънавий-маърифий қадриятларни, ўзлигимизни, миллий кечинмаларимизни мустақиллик шарофати туфайли англаб етдик.

Дастлаб педагогика тарихидан 1973 йил К.Н.Константинов, М.Ф.Шабаевлар томонидан «педагогика тарихи» фанининг дастури тузилди. Дастур асосида дарслик яратиш эҳтиёжи пайдо бўлди ва ўқув қўлланмаси яратилди. Қўлланма 1976 йилгача «педагогика тарихи» фанини ўқитиш учун ўрта ва олий таълим муассасаларида дарслик сифатида фойдаланилди. Бироқ, қўлланмани ўзбек тилига таржима қилишганда таълим-тарбия тарихига жуда кам ўрин берилганлиги аён бўлди. 1985 йилга келиб М.Ф.Шабаева таҳрири остида «Педагогика тарихи» дарслиги яратилди. Дарслик 29 боб, 491 саҳифадан ташкил топган бўлиб, бирорта бир мавзу Шарқ мутафаккирлари таълимотига бағишланмаган эди.

¹ С.Ҳасанов. Хоразм маънавияти дарғалари. –Т.: Адолат, 2001. –45-бет.

1990 йил академик С.Ражабов «Халқ маорифи ва педагогика фанининг буюк алломалари» китоби нашр этилди. Унда фақат ғарб ва рус олимларига эътибор қаратилган бўлиб, айнан улар Я.А.Коменский, К.Д.Ушинский, Л.Н.Толстой, А.В.Луначарский, Н.К.Крупская, А.С.Макаренко ва биргина Шарқ олимларидан Х.Х.Ниёзий фаолияти таҳлил қилинган эди. Собиқ шуролар тузуми даврида педагогика олий ўқув юртларида, педагогика тарихи соҳасида фаолият олиб борган олимларимиз дастур ва дарсликлар яратишда жуда оғир, синовли бир мураккаб вазиятни бошидан ўтказдилар. Кўриниб турибдики, асрлар оша ҳар хил ситамларни бошидан ўтказиб омон қолган, бизгача етиб келган миллий қадриятларимиз, маънавий-маърифий маданиятимиз, илм-маърифат, шунингдек педагогика тарихи фани мустақиллик шарофати билан янгидан ривож топа бошлади. 1993 йилга келиб профессор К.Ҳошимов ва бошқалар томонидан «Маориф ва педагогика тарихи» олий таълим муассасалари учун дастур яратилди. Унда жами 46 соат маъруза, 38 соат амалий машғулотлар бўлиб энг қадимги таълим-тарбия тарихи («Авесто»)га 2 соат, Шарқ мутафаккирлари таълимотига 4 соат, Маъмур академиясига умумман соат ажратилмаган эди.

Дастурнинг ичида шундай жумлалар бор «Ушбу режа тахминий бўлиб, мавзу номларини ўзгартиришга ҳамда танқидий ёндашишга рухсат этилади». Шу боисдан ҳам педагогика тарихига ҳали эҳтиёж мавжудлиги аниқланди. Кўриниб турибдики узоқ ва бой тарихга эга бўлган Марказий Осиё халқлари ўзининг таълим-тарбия тарихига оид бой меросини яратиб, такомиллаштириб, инсониятнинг юзлаб авлодларини меҳр-оқибат, саховат, хушхулқлик, дўстлик, инсонпарварлик каби маънавий сифатларни тарбиялаб келган. Халқимиз яратган маърифий фикр сарчашмалари қадим-қадимларга бориб тақалади. «Педагогика тарихи» курси материаллари талабаларнинг умумпедагогик билим даражасини кенгайтиради, педагогик-маънавий меросимизга тўғри муносабатда бўлишга имкон яратади. Биз кейинги йилларда яратилган дарсликларни бунга мисол қила оламиз.

«Педагогика тарихи»ни ўқитишда аввалом бор талабаларга ўзбек миллий таълим тарбияси анъаналари тарихини ўргатадиган дарслик

яратишни профессорлар К.Ҳошимов, С.Очилов таклиф қилдилар ва бошқаб бердилар. Улар 1995 йил «Ўзбек педагогикаси антологияси» (1-жилд) дарслигини яратдилар. 1996 йил Т.Н.Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институти профессор А.Зуннунов раҳбарлигида «Ўрта Осиёда педагогик фикр тараққиётидан лавҳалар» ўқув қўлланмаси, 1997 йил профессорлар О.Ҳасанбаева, Ж.Ҳасанбаев, Ҳ.Ҳомидов томонидан «Педагогика тарихи» дарслиги яратилди. 1999 йилга келиб, «Ўзбек педагогикаси антологияси»нинг 2-жилди профессорлар С.Очилов, К.Ҳошимов томонидан нашр этилди. Хар иккала антология ҳам таълим-тарбия, маънавият ва маърифатнинг ривожланиш босқичлари бўйича Уйғонин даври, Шарқ алимлари, жадидлар, собиқ шўро тузими ва ниҳоят, мустақиллик давридаги педагогика таълимотлари ўз ифодасини топган.

Олимларимиз «Педагогика тарихи» дарсликлариغا эътибор қаратди. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги М.Хайруллаев «Ўрта Осиёда IX-XII асрларда маданият тараққиёт», «Ўрта Осиёда илк Уйғонин даври маданияти», «Ўтмин мутафаккирлари таълим-тарбия ҳақида» каби тарихий педагогик асарлари ҳамда 1999 йилда яратилган М.Хайруллаев таҳрири остида нашр этилган «Маънавият йолдузлари» китоби педагогика тарихининг ривожланишига манба бўлиб хизмат қилди. IX асрдан XX аср бошигача Марказий Осиёда яшаб ижод этган кўплаб аждодларимиз ҳаёти ҳақида маълумот бериб, уларнинг қиёфасини намоён этиши билан «Педагогика тарихи» фанига муҳим ҳисса қўшди. 2000 йилга келиб А.Зуннунов, М.Хайруллаев, Б.Тўхлиев, Н.Ҳатамовлар томонидан олий таълим муассасалари учун «Педагогика тарихи» дарслиги яратилди. «Педагогика тарихи» фанини ўқитишда талаба ёшларга ўзларининг муносиб ҳиссасини қўшиб қолаётган олимларимиз профессорлар А.Зуннунов, С.Нишоновна, К.Ҳошимов, С.Очилов, Ж.Ҳасанбоев, О.Ҳасанбоева, Ҳ.Ҳомидовлар шўролар тузуми даврида «педагогика тарихи» фанини ўқитишнинг муаммоли ҳолатларини таҳлил этдилар, бир қанча янгиликларни олиб кирдилар. Мустақилликкача бўлган даврда олимларимиз

«педагогика тарихи»ни ўқитиш учун 94 соат ажратилганлиги, шундан 6 соат Марказий Осиё олимлари ҳаёти ва фаолиятига бағишланган, қолган соатлар эса Россия ва Оврупо мутафаккирларининг таълим-тарбия роълари ёритилганлигини эътироф этадилар.

Шарқ минглаб даҳоларни етиштиргани жаҳон цивилизациясининг бугунги тараққиётига тамал тошини кўйганлиги ҳеч кимга сир эмас. Булар ҳақида биз қисман маълумотга эгамиз. Шундай мутафаккирлар борки, улар тўғрисида ҳатто тасаввурга ҳам эга эмасмиз. Ушбу қўлланма шу йўналишга хизмат қилиб, бугунгача талабалар нигоҳидан деярли пинҳон ётган аждодларимиз, алломалар, илм-фан ва маданият оламига муносиб ҳисса бўлиб кўшилади.

Таянч тушунгчлар: Маънавий сифат, миллий маданият, ақл-дрок, истеъдод, тажриба, фаолият, қадрият, камолот

Мавзу юзасидан тест топшириқлари

1. Талабаларнинг маънавий сифатларини тарбиялаш ва ривожлантиришда қайси фанга таянилди?

- А. Фалсафа.
- Б. Ўзбекистон тарихи.
- С. Миллий истиқлол ғояси.
- Д. Педагогика тарихи. *

2. Маънавият тушунчасига қайси олимлар таъриф берди?

- А. А.Маҳкамов, Ж.Йўлдошев, М.Маллаев.
- Б. М.Хайруллаев, Ш.Қурбонов, У.Маҳкамов.
- С. С.Нишонов, Ж.Ҳасанбоев, О.Мусурмонова.
- Д. Э.Юсупов, А.Эркаев, М.Қаршибоев, А.Иброҳимов ва бошқалар. *

3. Қайси олим яккаҳокимлик мафқураси, собиқ шуролар тузуми ҳақида очиқ фикр юритган?

- А. Ҳ.Бобоев *
- Б. Ж.Ҳасанбоев
- С. Э.Тўрақулов
- Д. Ҳ.Ҳошимов.

4. «Маънавият инсонга она сuti, ота намунаси, аждодлар ўғити билан бирга сингади». Ушбу фикр муаллифи ким?

- А. И.А.Каримов. *
- Б. Э.Юнусов.
- С. Ҳ.Бобоев.
- Д. А.Эркаев.

5. Қандай сифатлар ҳақиқий қадрият саналади?

- А. Маънавий-ахлоқий. *
- Б. Ижобий.

С. Юксак.

Д. Тарихий – ижтимоий.

6. Талабаларнинг маънавий сифатлари неча гуруҳга бўлиб ўрганилди.

А. 4 гуруҳга: ахлоқ-одоблик, билимдонлик, иймон-эътиқодлик, маданият-маърифатлилик. *

Б. 3 гуруҳга: одоблилик, маданиятлилик, маърифатлилик.

С. 2 гуруҳга: маънавият ва маданиятлилик.

Д. Тўғри жавоб берилмаган.

7. Пайгамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом «Киши ўз боласига кўра афзалроқ нарса ато этолмайди» дейдилар (ҳадис 375). Нуқталар ўрнига мос сўзни қўйиб давом эттиринг.

А. Одобдан. *

Б. Ақлдан.

С. Маърифатдан

Д. Қўшиқдан.

8. Мустақиллик ғоялари сингдирилган педагогика тарихи анталогияси биринчи марта қайси олимлар томонидан нечанчи йил нашр этилди.

А. К.Ҳошимов. С.Очил 1995 йил Ўзбек педагогикаси анталогияси. *

Б. Ж.Ҳасанбоев. О.Ҳасанбоева, Ҳ.Ҳомидов 1997 йил Педагогика тарихи.

С. А.Зуннунова раҳбарлигида Ўрта Осиё педагогикаси фикр тараққиёти 1996 йил.

Д. М.Хайруллаев. Маънавият юлдузлари. 1999 й.

9. «Маънавий сифат» тушунчасига таъриф берган олима.

А. М.Аҳмедова. *

Б. С.Нишоновна.

С. О.Мусурмонова.

Д. З.Нуритдинова.

10. маънавий сифатларини тарбиялашда педагогика тарихи фанининг роли жуда катта. Нукталар ўрнига мос сўзни қўйиб ўқинг.

- А. талаба-ёшларнинг. *
- Б. мустақилликнинг.
- С. ўқувчиларнинг.
- Д. илм аҳлининг.

Маъзу юзасидан сўз ол ва топишиқлар:

1. Президент И.А.Каримовнинг маънавий тушунчасига берган таърифларни изоҳлаб беринг?

2. Педагогика тарихи орқали ёшлар маънавиятини яна қандай шакллантириш мумкин. Шахсий фикрингиз? Ёзма равишда баёъ этинг.

3. 1990 йилда яратилган академик С.Ражабовнинг «Халқ маорифи ва педагогика фанининг буюк ашомалари» китобида нега фазлат рус ва гарб олимларига эътибор қаратилган эди? Изоҳлаб беринг.

4. Маънавий-маърифий маданиятмезга оид педагогика тарихи дастурини биринчи бўлиб тузган олимлардан қимларни биласиз? Изоҳлаб беринг.

5. Ўзбек педагогикасига ўзининг улкан ҳисесини қўшган олимлардан қимларни биласиз? Ёзма равишда ифода этинг.

6. Ўзбек педагогикаси тарихи босиб ўтган йўлга бир назар. (Сужбат)

7. Маданий мерос қамда маърифий-маънавий кадритларни ўрганиш ҳақида фикр юритган юртбошимиз И.А.Каримовнинг халқчил ғояларини изоҳлаб беринг.

8. Талаба-ёшлар маънавиятини юксалтиришда педагогика тарихида яна нималарга эътибор қаратиш лозим? Изоҳланг.

9. Педагогика тарихи фани ўқув қўлланмасининг зарурий шарти нима? Изоҳлаб беринг.

10. Ўқитувчи шахсига қўйиладиган талаблар нималардан иборат.

11. Талабаларнинг маънавий сифатларини ривожлантириш моҳияти ҳақида фикрингиз.

12. Ёшлар маънавиятида тўғанок бўлаётган бугунги муаммолар ҳақида шахсий фикрингиз. Ёзма баён этинг.
13. Талаба-ёшларнинг маънавий сифатларини такомиллаштиришда педагогика тарихи фанининг ўрни.
14. Шарқ алломалари ғояларининг ёшлар маънавиятида тутган ўрни.
15. Педагогика тарихи ўқитиш орқали талабаларнинг маънавий сифатларини тарбиялаш – амалиётини янгилаш, деганда нимани тушунасиз? Isoхлаб беринг.

Тавсия этиладиган манбалар:

1. И.А.Каримов XX аср бўсағасида хавфсизликка таҳдид барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. –Т.: Ўзбекистон, 1997. - 326 б.
2. И.А.Каримов. Юксак маънавият енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. -173-б.
3. К.Ҳошимов, С.Очил. Ўзбек педагогикаси анталогияси. 1-жилд. –Т.: Ўқитувчи, 1995. -460-б.
4. М.Қаҳдорова. Маънавият – ахлоқий муҳит. Демократик янгилаванишнинг муаммо ва ечимлари. –Т., 2008. -178-б.
5. И.Саифназаров. Маънавият баркамоллик ва сиёсий маданият. –Т.: Шарқ, 2001. -156-б.
6. А.Иброҳимов ва бошқалар. Ватан туйғуси. –Т.: Ўзбекистон, 1996. - 443-б.
7. А.Зуннунов. Педагогика назарияси. –Т.: Алоқачи, 2006. 160-б.
8. Ш.Қурбанов, Э.Сейтхалилов ва бошқалар. Миллий истиқлол ғоясини шакллантиришда ташкилий – услубий ёндашувлар. –Т.: Академия, 2002. -280-б.
9. С.Очил. К.Ҳошимов. Ўзбек педагогикаси анталогияси (II-жилд). – Т.: Ўқитувчи, 1999. -478-б.
10. С.Ражабов. Халқ ва маорифи ва педагогика фанининг буюк алломалари. –Т.: Ўқитувчи, 1990. -190 б.

2. «Педагогика тарихи» курсини ўрганиш орқали талабаларда маънавий сифатларини тарбиялашнинг ҳозирги аҳволи

«Педагогика тарихи»дан қатор тадқиқотлар, дарсликлар яратилган. Лекин педагогика тарихини ўқитиш орқали талабаларнинг маънавий сифатларини тарбиялаш тадқиқотчилар ва дарслик муаллифлари назаридан четда қолиб келмоқда. Шунинг учун ҳам биз дастлаб «педагогика тарихи» материаллари мисолида ДТС, дастурлар, ўқув қўлланмалари ҳамда дарсликларда педагогика тарихига оид, талабаларнинг маънавий сифатларини тарбиялашга хизмат қиладиган маълумотлар ва ўқув материаллари қай даражада ўз ифодасини топганлигини аниқлашга ҳаракат қилдик.

Маълумки, педагогикадан Давлат таълим стандартлари 2003 йилда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида профессор С.Аширбоев ва доцент Ф.Ҳайдаровлар томонидан тузилган. ДТСда умумқасбий фанлар блоки бўйича қуйидаги талаблар қўйилади:

– педагогик тушунчаларнинг ривожланиш тенденциялари ҳамда тарихи ҳақида билимлар тизими;

– Шарқ мутафаккирларининг миллий қадриятлар тўғрисидаги қарашлари ва уларнинг тажрибалари;

– таълим амалиётидаги миллий ва умуминсоний қадриятлар;

– халқ педагогикасининг маънавий қиммати.

Ўқув дастури мазмуни ва таркибида эса таълим тарихида педагогик таълимот тарихи. Тарбиянинг тарихий-маданий тавсифи. Инсоннинг ҳар томонлама ривожланиши ҳақидаги ғоялар пайдо бўлиши тарихи. Педагогиканинг мустақил фан сифатида пайдо бўлиши. VII асргача Шарқ мутафаккирлари педагогик ғояларининг ривожланиши. Педагогик фикр, тарбия ва мактабнинг VII-XV асрларда ривожланиши. Мовароуннаҳрда педагогик таълимотнинг ривожланиши. XVII-XVIII аср ва XIX асрнинг биринчи ярмидаги педагогик ғоялар. XIX асрнинг иккинчи ярми, XX асрда таълимнинг ривожланиш хусусиятлари. Мустақил Ўзбекистон

Республикасининг таълим тизими кабилардан иборат этиб белгилаб қўйилган. ДТС асосида тайёрланган «педагогика тарихи» дастурида эса маориф ва педагогика тарихи кишилик жамиятининг тараққиёт тарихи билан узвий алоқада баён этишга мўлжалланган. Зеро, педагогик фикр ривожланишини изчил ўрганиш бўлғуси ўқитувчиларга ҳозирги педагогика ўтмишидаги илғор педагогик тажрибаларнинг узвий тарзда ривожланган мантиқий давоми эканлигини кўрсатиш келажакда таълим ва педагогика фани тараққиёти йўналишларини англаб олишга ёрдам беради.

Асосий мақсад – буюк мутафаккирлар Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Юсуф Хос Ҳожиб, Алишер Навоий, Абдулла Авлоний ва бошқа мутафаккирларнинг таълимий-ахлоқий қарашлари, умумбашарий кадриятлар, «Куръони Карим», «Ҳадиси Шариф»даги умуминсоний ва маънавий-ахлоқий тамойилларни ёшлар онгига етказишдан иборат қилиб қўйилган. Бу мақсадга эришиш учун педагогика фанидан таълим-тарбия мақсади ва вазифаси ўрганилганда ҳозирги демократик жамиятда ҳар томонлама ривожланган, мустақил фикр юритадиган, эркин шахсни шакллантиришда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Мустақил Ўзбекистонни ривожлантиришнинг маънавий-ахлоқий сифатлари ҳақидаги фикрларига таянган ҳолда таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш ишларни амалга ошириш назарда тутилган.

Бу борада Шарқ мутафаккирларининг баркамол шахс маънавий сифатларини тарбиялашда унинг интеллектуал, фуқаролик, маънавий-ахлоқий, жисмоний, меҳнатсеварлик, иқтисодий, экологик, эстетик жиҳатларини ҳисобга олганликларини очиб бериш назарда тутилган ва педагогика тарихи ўрганилганда таълим-тарбиянинг ушбу таркибий қисмларининг мазмуни, шакл ва услублари, воситалари кўрсатиб ўтилган.

«Педагогика тарихи»да дастурларда «Энг қадимги даврлардан VII асргача таълим-тарбия ва педагогик фикрлар» мавзусида энг қадимги ахлоқ-одоб меъёрлари, «Авесто», Урхун-Энасой ёдгорликларида ёшлар тарбиясининг асосий, ўзига хос жиҳатларига эътибор берилганлиги талабаларга уқтирилади.

«VII асрдан XIV асрнинг биринчи ярмигача тарбия, мактаб ва педагогик фикр тараққиёти» мавзусида эса илмом фалсафасининг ахлоқий тамойиллари, Шарк Уйғониш даврида таълимий-ахлоқий асарларнинг пайдо бўлиши, мутафаккирларнинг баркамол инсонга хос хислатларнинг таркиб топширишга, талабаларнинг маънавий сифатларини тарбиялаш ва ривожлантириш ушбу фикрларни талабаларга синдириш назарда тутилган.

«XIV - XVI асрларда тарбия, мактаб ва педагогик фикрлар» мавзусини ўрганишда Амир Темур ва темурийлар даврида илм-фан, таълим-тарбиянинг равнақ топиши, бу даврда Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Жалолиддин Давоний, Хусайн Воиз Кошифийларнинг баркамол инсонга хос ахлоқий сифатларни тарбиялашга доир ғоялари марказий ўринни эгаллаганлиги баён қилинган.

Шунингдек, «XVII асрдан XIX асрнинг биринчи ярмигача тарбия, мактаб ва педагогик фикрлар» мавзусини ўрганишда мадрасаларда «Қуръон», «Тафсир», «Одоб ас-солидин», «Сабот ул-ожизин», «Кимёи саодат», «Ҳадис», «Шамойил ул-наби», «Ҳикмат ул-айн»ларнинг ўрганилиши асосида хулқ-одоб масалаларига эътибор қаратилганлиги таъкидланади. Мазкур асарларни ўрганишда, албатта, талабалар онгига маънавий сифатлар, хулқ-одоб қоидалари етказилади. Айниқса, «XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларида тарбия ва педагогик фикрлар» мавзуси ўтилганда Абдулла Авлонийнинг «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» асарида тарбия тизими, яхши ва ёмон хулқлар таснифи асосида талабаларнинг маънавий сифатларини тарбиялаш имкониятлари катта.

«Мустақил Ўзбекистон Республикасида таълим тизими ва педагогик фикрлар тараққиёти» мавзусида миллий хусусиятларга эга бўлган таълим муассасаларини ташкил этиш муаммолари, «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг қабул қилиниши муносабати билан кадрлар тайёрлаш миллий моделида баркамол инсон тарбияси ўзбек халқининг маърифий кадриятларидан таълим-тарбияда фойдаланиш асосида талабалар маънавий сифатларини тарбиялаш назарда тутилган.

Дастур асосида Мустақиллик йилларида қатор муаллифлар томонидан

«Педагогика тарихи» ўқув қўлланмалари ва дарсликлар нашр этилди. Ҳозирги пайтда олий таълим тизимида О.Ҳасанбоева, Ж.Ҳасанбоев, Қ.Ҳамидовнинг «Педагогика тарихи», К.Ҳошимов, С.Нишоновалар муаллифлигидаги «Педагогика тарихи» дарсликлари ҳамда А.Зуннунов таҳрири остида чоп этилган дарсликдан фойдаланилмоқда.

Мазкур дарсликларнинг барчаси мустақиллик йилларида яратилган бўлиб, миллий ва умуминсоний қадриятларга, маърифий меросимизга асосланиб ёзилган.

Жумладан, К.Ҳошимов, С.Нишоновалар яратган «Педагогика тарихи» дарслигида маънавий-ахлоқий фазилатлар баркамол инсон тарбиясига йўналтирилган бўлиб, жамият тараққиётида инсон маънавий сифатлари шу жамият талаблари нуқтаи назаридан ёритилган.

Таълимий-ахлоқий муаммоларнинг ечими ёш авлод тарбиясида жасурлик, адолат, садоқат, инсонийлик, ватанни улуғлаш ва миллий ифтихор туйғуси, хулқ-одоб қоидаларига риоя этиш билан белгиланган.

Мушоҳада учун! Педагогика олий таълим муассасарида талабаларнинг маънавий сифатларини тарбиялаш ва ривожлантиришда педагогика тарихи материаллари мисолида ёритилган барча мавзулар буюк мутафаккирларнинг таълимий-ахлоқий асарларида илгари сурилган барча қарашлар хулқ-одоб қоидалари, баркамол инсон эгаллаши зарур бўлган хислатларни тарбиялаш нуқтаи назаридан ёритилиб, ёшларнинг маънавий сифатларини таркиб топтиришга қаратилган.

Мустақиллик йилларида «педагогика тарихи» материалларини ўқитишда дарсликлардан фойдаланган ҳолда «Педагогика тарихи»дан семинар машғулотлар ўтказиш учун бирорта ҳам ўқув қўлланмаси яратилмади. Агар, амалий машғулотларда ҳар бир талабага тегишли ўқув қўлланмаси билан таъминланган бўлса муайян мавзуларни ўргатиш ва

ўзлаштириш жараёни самарали амалга оширилади. Кузатишлар натижасида бунга тўла ишонч ҳосил қилинди ва шундай ўқув қўлланмаларидан фойдаланишда талабаларда эҳтиёж мавжудлиги аниқланди, «педагогика тарихи»дан семинар машғулотлар ўқув қўлланмасини яратишга муваффақ бўлинди¹.

Эсда сақланг! «Педагогика тарихи» материалларини ўқитишда юқоридаги дастур, дарсликлар имкониятларидан фойдаланган ҳолда мутафаккирларнинг талаба-ёшлар маънавий сифатларига доир қарашлари, тарихий манбалардан профессор-ўқитувчилар қандай фойдаланаётганини аниқлаш мақсадида кузатиш ва таҳлиллар ўтказилди.

Талабалар билан мулоқот жараёнида, ўқитувчи кўпинча «ахлоқ ва маънавият», «маънавий меъёр» ва «хатти-ҳаракат», «маънавий идеал», «ахлоқий баҳо», «эзгулик», «ёвузлик», «адолат», «виждон», «бурч», «ахлоқий масъулият», «қадр-қиммат», «шанъ», «маънавий онг», «маънавий ҳислар», «инсонпарварлик», «ватанпарварлик», «байналминаллик», «умр мазмуни», «бахт» ва бошқа тушунчаларни қўллаши аниқланди. Бир қараганда бу тушунчаларнинг мазмуни барчага аёндек кўринади. Кўплаб ўқитувчиларда ҳаммага маълум нарсани тушунтириб ўтириш зарурати йўқ, деган нотўғри хулоса юзага келади. Тўғри, ўқитувчиларнинг бир қисми маърузада қўлланилган маънавий сифатларни бошқа «умум учун маълум» ахлоқий тушунчалар ёки ўзи ҳис қилган тасаввурлар ёрдамида асослашга ҳаракат қилади. Лекин бу каби тушунчаларни бошқа сўз ва иборалар ёрдамида талабага «тушунтириш» ва одатий психологик тажриба «аниқлиги»га мурожаат этиш талабаларда маънавий сифатларни тарбиялашда кутилган натижани бермайди. 100 нафар талаба билан ўтказилган интервью натижалари шуни кўрсатдики, уларнинг кўпчилиги юқорида санаб ўтилган тушунчалар мазмунини тўла тушуниб етмаслиги

¹ Г.Низов, Н.Аҳмедова. Педагогика тарихидан семинар машғулотларни ўтказиш учун ўқув қўлланма. –Т.: А.Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2007. –88-бет.

туфайли мавзуларни ўзлаштиришда қийинчиликларга дуч келмоқдалар. Илмий-оммабоп адабиётларда маънавият ва маънавий сифатларнинг ягона ва умум томонидан эътироф этилган таърифи мавжуд эмас.

Демак, талабалардан уни аниқ бир меъёрда қутқиш ҳам мумкин эмас. Бироқ илмий-услубий адабиётларда ишлатиладиган маънавият меъёрлари асосан ўхшаш:

биринчидан, уларнинг барчасида маънавий ахлоқий қарашлар, меъёрлар, кечинма ва ҳис-туйғулар ижтимоий муносабатларни бошқаришнинг алоҳида усули сифатидаги тарихан таркиб топган тизим сифатида баҳоланади.

иккинчидан, барча таърифлар жамият ривожига ва ишлаб чиқариш усулларига боғлиқ бўлгани учун маънавий-ахлоқий қондалар мазмунини ҳам жамиятда мавжуд иқтисодий ва ижтимоий муносабатлар билан белгиланади, шунинг учун маънавият ижтимоий ҳодиса саналади.

учинчидан, мустақил жамият маънавияти моҳиятан ижтимоий ҳодисалигича қолиб, ўзида кўпроқ умуминсоний мазмунни акс эттириш, инсоний мулоқот уйғунлигига олий даражада кўмаклашиши билан ажралиб туради ва ниҳоят

тўртинчидан, барча таърифларда маънавий сифат инсонларнинг ўзаро муносабатларини бошқарибгина қолмай, балки шахсни тарбиялайди, шакллантиради, деган фикр таъкидланади.

Шундай экан, талабалар «Маънавий сифат» тушунчаси мазмунини қандай тушунадилар?», «Маънавий сифат нима?» деган саволга фақат респондентларнинг 37 фоизи жавоб бера олди, қолган 63 фоизи маънавий ва маънавиятсиз хатти-ҳаракатларни санаб бериш билан чекланди. Шунингдек, «Маънавий сифат нима?» эканлигини «билмаслиги», «сўз билан ифода эта олмаслигини» маълум қилди. Олинган жавобларнинг катта қисми оддий бўлса-да, маънавий сифатларнинг айримларини тўғри қамраб олган. Масалан, «Маънавий сифат – ҳаёт илми, ўз ишларини бошқалар манфаатлари билан мувофиқлаштира олиш малакаси», «Маънавий сифат қандайдир талабларга жавоб бериши: ҳалол, адолатли, виждонли бўлиш,

инсонларни ҳурмат қилиш», – булар ҳаммаси маънавиятни ташкил этади; «Маънавий сифатлар – бурч, эзгулик, шунингдек, адолат (мазмунини шарҳланмайди)», «Маънавий сифат ва виждон, инсонда тарбияланиши лозим бўлган туйғу»; «Маънавий сифат – ҳамма нарсадан меъёр, ориқча роҳат ва ҳою-ҳавасдан сақланиш, одамлар ва жамиятга нисбатан адолат»; «Маънавий сифат – инсоннинг жамиятда ўзини тутиш меъёрлари ва ҳоказо». Кўпроқ амалийлик, соғлом фикр билан характерланидиган бу каби «таъриф»ларни талабалар жавобларида қўшлаб топиш мумкин. Гап шундаки, фақат айрим ҳолларда яхши ва аълога ўқийдиган талабаларгина маънавиятнинг ўзгарувчан ва ижтимоий характерини аниқ таъкидлашди. Асосан ўрта даражада ўқийдиган талабаларнинг катта қисми эса мустақилликка эришгач, қўшлаб маънавий талаблар ўзгарганини ҳали етарлича сезмаганлиги аниқланди.

Талабаларнинг маълум бир қисми маънавиятни ахлоқийлаштириш билан тенглаштиргани, уни бошқаришда тарбиявий вазифани салбий ҳис-туйғу орқали баҳолаш, ташқи муҳит воситаси, ёқимсиз кечинмалар, мустақилликни чеклаш, қадр-қиммат ҳиссини йўқотиш билан кечади, деганлиги кишини жиддий ўйлантириб қўяди. Қуйида биз талабалар баён қилган фикрлардан намуналар келтирамиз: «Маънавий сифат – катталар талабларига бўйсунушни синдириш»; «Маънавий сифат – қандай яшашни билиш»; «Ёшлар ўқишда ҳар қандай майда-чуйда камчиликлари учун чўқишади, кейин уни маънавий бузуқ, дейишади» каби «таъриф»лар нафақат маънавиятга хос билимларни етарли ўзлаштирмаганлиги оқибати, балки танқидий фикрларни суистеъмом қилиш, ижобий намунани руҳий кўтаринкилик ва унинг асосида маънавий тарбияни амалга оширишни восита сифатида етарлича баҳоламасликнинг оқибатидир. Бундан ташқари, олинган жавоблар таҳлили шунини кўрсатадики, қўшлаб талабалар маънавий талабларни ўзлаштириш инсонни гўзаллаштириши, унда фаол ҳаётини нуқтаи назар шаклланишига кўмаклашиши, ўз-ўзини такомиллаштиришнинг муҳим воситаси эканлигини аниқлаб етмаганликлари

намоён бўлмоқда. Зеро, маънавиятнинг гуманистик вазифасини англаш – янгича маънавий сифатларга эга бўлган мутахассисларни етиштиришнинг асосий шартидир. Маънавият нафақат инсонлараро ўзаро муносабатларни бошқариши, балки шахсни ривожлантиришга кўмаклашадиган ижтимоий-педагогик ҳодиса ҳамдир. Бу шунинг асосидики, талабалар узоқ асрлар давомида халқ тажрибасида қўллаган маънавий меъёрларни изчил ўзлаштиришлари лозим.

Маънавий сифатларнинг қайси белгилари талабалар томонидан кийинроқ қабул қилинишини ўрганганимизда, улар ҳуқуқий ва маънавий сифатларни фарқлашда кийналганлари маълум бўлди. Кузатишдан талабаларнинг айримлари улар орасидаги тафовутларни тез кўрсатиб беришди. Масалан, «Маънавий меъёрлар–хулқ–атворнинг ихтиёрий равишда амал қиладиган қоидалари, ҳуқуқий меъёрлар эса мажбуран бажарилади», «Маънавий қоидалар, ҳуқуқийларидан фарқли равишда ёмон амаллардан кўрқув туфайли эмас, балки бурч ҳисси сабаб ўзини тийишни талаб қилади», «Маънавий меъёрлар ҳуқуқийларидан шуниси билан фарқ қиладикки, улар қонун дахл қилмаган муносабатлар, масалан, дўст, ўрток танлашни ҳам қамраб олади». Бу каби тўсиқсиз, бироқ саводли жавоблар, афсуски, 13 фоизни ташкил этади. Сўровда қатнашган асосий респондентлар, яъни 87 фоиз талабалар маънавий меъёрларни ҳуқуқийлари билан қориштириб юбордилар, айримлари эса уларни билмаслиги, бироқ тушуниши, сўз билан ифода қила олмаганини айтишди.

Мустақил, дахлсиз жамият барпо этилиши билан ёшлар маънавияти тобора ривожланиши, талабаларга хулқ–атворнинг маънавий меъёрлари инсон хулқи ташқи томони, унинг ички маънавий олами, инсоннинг юксак маънавияти орқали бошқарилиши, эътиқодга асосланиши; ҳуқуқий меъёрлар эса, аввало, инсон хулқининг ташқи томонига қаратилиши, муқаррар мажбурлашни ўз ичига олишини талаба–ёшлар тушуниб етишлари бу меъёрларни ўзлаштиришни осонлаштиради.

Талабалар ўзлаштиришда қийналадиган яна бир ҳолат маънавий меъёрлар таркиби билан боғлиқ тушунчалардир. Маълумки, «Ёлгон

гапирма!», «Ўғрилиқ қилма!», «Қўполлиқ қилма!» каби тақиклаш ва «Ҳалол бўл!», «Адолатли бўл!», «Мустақиллиқ ишига содиқ қол!» каби намуналар маънавий-ахлоқий талабаларнинг икки томони, улар ҳуқ-атворнинг йўл қўйиладиган ва йўл қўйиб бўлмайдиган вариантлари ўртасидаги чегарани ҳосил қилади. Ҳақиқий қондаларда тақиклаш устуворлиқ қилади. Маънавий сифатлар эса нафақат инсонни йўл қўйилмайдиган хатти-ҳаракатлардан четлайди, балки қандай йўл тутишни ҳам кўрсатади, барчага намуна бўлади. Талабаларнинг жавобларида тақиклашга ҳам, намунага ҳам муурожаат этилади. Бироқ намунани кўргазмали мисоллар билан тушунтириш у қадар ёрқин ва асосланган эмас. Қолаверса, маънавий меъёрларнинг бу икки яхлит тизими ҳеч қандай алоқасиз, инсонга параллел қўйиладиган, на мақсад бирлиги, на айнан бир натижани кўзда туتماган талаблар сифатида қаралади. Бу қийинчиликларни енгилда ўқитувчилар ўз эътиборини кучайтириши лозим.

Мамнуният билан таъкидлаш мумкинки, «эзгулик» ва «ёвузлик» каби тушунчалар талабаларнинг шахсий тажрибаси билан яқинроқ бўлиб, маънавий тушунчасига кўра осонроқ ўзлаштирилади. Талабаларнинг жавобларидан намуналар келтирамиз: «Эзгулик – бизнинг тузум, у бизни барча зарур нарса билан таъминлайди. Илгари бундай бўлмаган». «Эзгулик – яхши тилак, ҳушмуомалалик, инсонларга нисбатан мулоимлик», «Эзгулик – бу ҳалол, талабчан бўлиш, бироқ кўнгил бўшлиқ эмас», «Эзгулик – самимият – очиқ кўнгиллилик», «Ёвузлик – бу ҳасад, ғазаб, худбинлик», «Ёмонлик – хасислик, қаҳр, ичкиликбозлик, ёлғончилик», «Ёмонлик – бир-бирига нисбатан маданиятсиз муносабат», «Ёмонлик – лаганбардорлик ва икки юзламачилик», «Ёмонлик – туҳмат, ҳақорат, инсонлар билан келишса олмаслик», «Ёмонлик – жинзакчилик, ўзини боса олмаслик» ва шу қабилар.

Бу каби соғлом фикрли, шахсий кечинмаларга асосланган баҳоларни деярли барча талабалар баён қилишди. Бироқ бу ўринда ҳам камчиликлар бўлиб, уларни тугатиш устида жиддий иш олиб бориш керак. Гап шундаки, деярли ҳеч бир талаба яхшилик ва эзгуликни бир-биридан фарқламайди.

Бу, биринчидан, эзгулик ҳам, яхшилик ҳам инсон фаолияти давомидаги ўзига хос сифат бўлиб, ижтимоий амалиёт даражасига мос келади, унинг чегаралари айнан ўхшаш; иккинчидан, ҳар иккиси ҳам бир тушунча – «ёмонликка» қарши туради. Бироқ эзгулик ва яхшилик айнан бир нарса эмас, зеро яхшилик ва ёмонлик хатти-ҳаракатлар бир туйғу сифатида намоён бўлса, эзгулик уларнинг натижасини белгилайди, кўпинча улар мавжуд, ички бошқарув ижтимоий муносабатлар эмас, балки табиий кучлар томонидан яраган, билиш имконияти чегарасидан узоқда, демак билиб бўлмайди, деган ишончга олиб келади. Олинган жавоблардан кўринадикки, талабаларнинг эзгулик, яхшилик ва ёмонлик ҳақидаги тасаввурлари адабиёт, педагогика, ижтимоий педагогика, психология, маънавий, педагогик мерос таъсирида, шахслараро муносабатлар даражасида ривожланади.

Талабалар томонидан «адолат» тушунчасининг ўзлаштирилишида ҳам маълум қийинчиликлар мавжуд бўлиб, у ҳақда камчиликлардан қоли эмас. Тўғри, кўпчилик талабалар нафақат «адолат» сўзини тўғри, ўринли қўллайди, балки муҳим ҳаётий вазиятларга асосланиб, бу тушунчага хос бўлган у ёки бу қирраларини ҳам ифодалай олади: «Адолат – қонунаримиз, ҳуқ-ақвор меъёрлари, одамлар орасида инсоний муносабатларга риоя қилиш», «Адолатсизлик – инсоннинг жамиятда хизматига яраша ҳақ олмаслиги, ўз хизматларини баҳолаш ҳуқуқи ҳам бўлиши мумкин». «Адолатли бўлиш, инсон меҳнати, хизматларини тўғри баҳолаш демакдир», «Адолат – инсонга тўғри ёндашиш, менга паст баҳо қўйишди, ўқитувчига ўз нуқтаи назаримни тушунтирдим. Ҳато тўғриланди. Адолат талаба қилиди».

Адолатнинг маъносини оддий ва тўғри акс эттирган бу каби жавоблар кўп бўлди. Улар орасида адолатни унга қарама-қарши тушунча адолатсизликка мисол келтириб таърифлашга уриниш эҳтироси ҳам кўзга ташланади: «Адолатсизлик – талаба қилмаган ишни учун дакки олишни», «Талаба ўқишга кирди, бетоб бўлиб, касалхонада ётди, уни талабалар сафидан чиқаришди, бу адолатсизлик» ва ҳоказо.

«Бурч», «виждон», «мажбурият» ва «маънавий жавобгарлик» тушунчаларини талабалар яхши тушунадилар. Олинган жавобларнинг асосий қисми уларни тушунчага эга эканлигидан далолат беради. Инсон Ватанни ҳимоя қилиш, яхши ўқиш, ҳалол ишлашга қўрққанидан мажбур бўлиши керак эмас, балки виждонан буни қилиши лозим, «Бурч мажбуриликдан эмас, ихтиёрий, онгли бажарилиши лозим бўлган ишлар», «Бурчлар – ўзининг ўқишга, Ватанга, жамиятга нисбатан мажбуриятларини онгли бажариш», «Бурчлар – яхши ўқиш, инсоннинг яхши фазилатларини эгаллаш истаги, ҳалол бўлиш» ва ҳоказо.

Жавобларнинг анчагина қисми, санаб ўтилган белгилар бўйича бурч моҳиятини гўё ёритса ҳам асосий моҳиятини акс эттирмайди: айрим талабалар бурч эътиқодга, заруриятга асосланиши, мажбуриятларни онгли, ихтиёрий равишда бажаришни ўз ичига олиши, ҳаракатланиш истагида намоён бўлиши, қувонч уйғотишини англаб етмайди. Ҳақиқий жавоблар: «Бурч – нима бўлганда ҳам бажарилиши шарт бўлган иш», «Бурч – бу ўқиш, ишлаш, оилани таъминлаш, фарзандларни давр талабига мос тарбиялаш, ўзи ва бошқалар яхши яшаши учун ҳамма нарсани қилиш», «Бурч – армияда хизмат қилиш, берилган топшириқларни ўз вақтида бажариш, ҳалол яшаш» ва ҳоказо. Бурч турлича бўлади: оила, дўст, Ватан олдидаги ва ҳоказо. Бу каби меъёрларнинг расман бажарилиши ижтимоий уйғунлик мустаҳкамланишига кўмаклашади, бироқ бу ҳали бурч эмас, балки мажбурият, зеро улар ҳуқуқий томондан ич-ичидан қабул қилинмаган, унинг истаги, виждон билан қўллаб-қувватланмаган.

Эсда сақланг! Маънавиятли инсон завқ, чуқур қониккиш ҳосил қилиши учун бурч эҳтиёжга айланиши лозим. Талабаларга уни айнан шу тарзда англашда ёрдамлашини зарур.

Талабаларга бурч моҳиятини тушунтиришдаги мураккаблик унинг мазмунан кенглиги, талабаларнинг бир қисми бурчни «ваъдага вафо қилиш», «қарзни ўз вақтида қайтариш», «катталар илтимосини бажариш»,

«дўстига ёрдам бериш», «чин дўст бўлиш» ва шу кабиларда деб тушунилади. Бурчи шахсий ҳаёт, касбий муносабатлар доирасида тушуниш, кишиларни туб ижтимоий муаммолар ечимида чалғитади.

Шу сабабли талабаларга ота-оналик, фарзандлик, турмушда ўртоқлик, дўстлик ва бошқа бурч турлари, кўринишлари устун эмаслиги, балки унга тўлиқ бўйсунганини тушуниб етишларида ёрдам бериш керак. Бу сифатларни ўзлаштиришда, уларнинг аҳамиятини самарали ёритишда Шарқ мутафаккирларининг бу борадаги қарашлари, фикрлари, катта кўмак бўлади.

Олинган жавоблардан кўринадики, кўплаб талабалар «маънавий жавобгарлик» тушунчасини анча тўғри ҳис этади, англайди. Бирок бу ўринда ҳам кўплаб талабалар жавобгарликнинг барча турини ҳуқуқий жавобгарликка йўяди, бу маънавий сифатларни ва касбий жавобгарликнинг маъмурий, юридик қонунлари билан боғлайди. Қолаверса, талабаларнинг бир қисми жавобгарлик билан қориштириб, уларни тенг деб билади, бошқа бир қисми эса жавобгарлик бурч, виждон билан белгиланишини англамайди.

Талабаларнинг маънавий сифатларини ўзлаштирини таснифи

Т/р	Савол	билиди	билмайди
1.	Маънавийят нима?	51	49
2.	Маънавий меъёрлар тушунчасига нималар қиради?	63	37
3.	«Эзгулик», «яхшилик», «ёмонлик» тушунчаларининг мазмун-моҳияти нимада кўринади?	79	21
4.	«Адолат», «бурч» тушунчаларини қандай тушунаси?	89	11

Юқорида биз санаб ўтган маънавий сифатлар: бурч, эзгулик, ёмонлик, бахт, яхшилик, адолат, виждон кабилар дастлаб зардуштийликнинг муқаддас китоби «Авесто»да учрайди, кейинчалик эса мутафаккирлар улар ҳақида ўз асарларида муайян фикрлар билдирганлар. Олимлар таъбирича, инсоннинг маънавий қиёфаси, унинг яшаш тарзи, билим эгаллаш, жамият аъзолари билан мулоқот қилиш жараёнида намоён бўлади. Бу эса машғулотлар, мулоқотлар жараёнидаги психологик-педагогик муҳитни ифодалайди. Буюк мутафаккирлар маънавий ҳатти-ҳаракат, инсон ҳуқуқ-атворини унинг ўзидан излаганлар, инсоннинг ғайриқонуний ҳатти-ҳаракатларини қоралаб, олижаноб фазилатларини улуғлаганлар.

«Педагогика тарихи» курси бўйича ўтказилган машғулотларда шу нарса маълум бўлдики, мутафаккирлар таърифлаган маънавий сифатлар талабаларда қизиқиш уйғотди. Шунинг учун ҳам педагогика тарихини ўқитишда талабаларнинг маънавий сифатларини тарбиялашда катта имкониятларга эга бўлган маълумотлар ва ўқув материаллари билан бойитишга эҳтиёж сезилмоқда.

Ҳозирги даврда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар жамият аъзолари, айниқса бўлажак мутахассисларнинг маънавий сифатларини тарбиялашнинг янгидан-янги педагогик имкониятларини излаш зарурлигини кўрсатмоқда. Бу эса ўз навбатида, ислохотларнинг илтироқчиси, мураккаб шароитда ҳам ўзига қулай йўл топа оладиган маънавиятли мутахассисларни етиштириш зарурияти билан боғлиқдир.

Англаб олинг! Демак, бугунги талабалар, яъни бўлгуси ўқитувчиларнинг маънавий сифатларини тарбияланмасдан туриб, умумий ўрта таълим мактабларида маънавий етук, баркамол инсонни шакллантириш мумкин эмас.

Шу жиҳатдан қараганда, инсоннинг маънавий сифатларини тарбиялашда халқнинг миллий, маънавий, маданий, тарихий мероси катта аҳамият касб этини, мустақиллик йилларидаги дастлабки тажрибалардан

аён бўлмоқда. Дарҳақиқат, ижтимоий-педагогик мерос ва мутафаккирларнинг ёшларда маънавий сифатларни тарбиялашга хизмат қиладиган фикрлари ва қарашларидан педагогикада унумли фойдаланиш мақсадида, талабаларнинг мавжуд маънавий тушунчалари даражасидан келиб чиққан ҳолда, педагогика тарихида бир қатор янги ўқув материаллари ва маълумотлар билан бойитиш зарурияти мавжудлигини аниқланди. Зеро, бугунги кунга қадар олий таълим муассасаларида педагогика тарихи курси ўқув дастурига кирмаган бир қатор маълумотлар ва манбалар талабалар маънавий сифатларини тарбиялашда бой педагогик имкониятларга эга деган, илмий фараз асосида мазкур курс мазмунини бойитилди. Бу манбаларда илгари сурилган фикрлар, қарашлар бугунги кунда талабаларда – инсонпарварлик, адолатпарварлик, иймон, эътиқод, бурч ва масъулият, эзгулик, ҳамдардлик, хайрихоҳлик, ватанпарварлик, шафқатлилик, самимийлик, сазийлик, софдиллик, сабр-қаноатлилик, гўзалликни ҳис этиш, раҳм-шафқат, нафсни тийиш, садоқат, камтарлик, андишалilik, ҳилм, ҳушмуомалалик, шарм-ҳаё, ғамхўрлик, меҳрибонлик, дўстлик ва ўртоқлик, меҳнатсеварлик, мардлик, зийраклик, зукқолик, шижоат, интизом, кадр-қиммат, мунислик, муҳаббат, мулоимликдан, билим, илмга эҳтиёж, илмий тафаккур, салоҳият, ақл-заковат, касбга меҳр, ҳунар, истеъдод, она тилига муҳаббат каби маънавий сифатларини ривожлантиришга хизмат қила олади.

Чунки «Педагогика тарихи» курси бўйича ўқув дастурлари, ДТС, ўқув қўлланмалари, дарсликлар таҳлил қилинганда, шу нарса маълум бўлдики, педагогика тарихини ўқитишда талабаларнинг маънавий сифатларини тарбиялаш имкониятларига эга бўлган бир қатор маълумотлар ва манбалар дастур, дарслик ва ўқув қўлланмалари таркибига киритилмаган.

Буни эсда сақланг! Маънавиятни тушуниш, англаш учун аввало инсонни тушуниш, англаш керак.

И.А.Каримов

Маънавият	Маънавий сифатлар
Инсоннинг орзу-интилиши қадрияти, бугуни, эртаси, келажаги, эзгуликлар манбаи, орзу- интилишлар мужассами.	Бажарилиши лозим бўлган фазилатлар, хислатлар

Таянч тушунчалар: ДТС, дастур, режа, педагогика, психология, маънавият, миллий оғ, тафаккур.

Мавзу юзасидан тест топшириқлари

1. Педагогика фани XVII асргача қайси фан негизида бўлган?

- А. Фалсафа. *
- Б. Кимё.
- С. Табобат.
- Д. Психология.

2. XX-XXI аср ўзбек Педагогика тарихи фанига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган олимлардан қимларни биласиз?

- А. М. Хайруллаев, С. Нишанова, Ж. Ҳасанбаев, К. Хошимов. *
- Б. М. Тохтоҳаджаева, Ф. Юзликбаев, Ж. Ҳасанбаев, К. Хошимов.
- С. С. Нишанова, Ж. Ҳасанбаев, Ф. Юзликбаев, М. Хайдаров
- Д. М. Хайдаров, М. Усманбаева, О. Мусурмонова, С. Каримова.

3. Педагогика тарихи дарслигининг муаллифлари қимлар?

- А. К.Хошимов, С.Нишанова, Ж.Ҳасанбаев, О.Ҳасанбаева, Ҳ.Ҳамидов. *
- Б. Ф. Ҳалилов, Н. Азизходжаева, Г. Султонова, Н. Мелибаева.
- С. Н. Муслимов, М. Усманбаева, С. Мадиярова.
- Д. Тўғри жавоб берилмаган.

4. Маънавий сифат тушунчаси тўғри изоҳланган қаторни топинг.

А. одоблилиқ, билимдонлиқ, иймон-эътиқодлилиқ, маънавий маърифатлиқ каби ёшларни юксак чўққилар сари етакловчи ҳамда тарихий тараққиётни таъминлашга хизмат қилувчи ижобий сифатлар мажмуи. *

Б. кечинма, ҳис-туйғуларни рудий бошқариш маънавий сифатлардир.

С. умуминсоний мазмун ақс эттирувчи қадриятлар, ижобий ва салбий характерга хос бўлган сифатлар мажмуи.

Д. виждон, инсоф яъни инсонда тарбияланиши лозим бўлган туйғулар маънавий сифатдир.

5. Педагогика фанининг тармоқлари тўғри тартибда берилган қаторни топинг.

А. педагогика назарияси, педагогика тарихи, педагогик маҳорат, педагогик технология, ижтимоий педагогика, педагогик амалиёт. *

Б. педагогик маҳорат, ижтимоий педагогика, педагогика тарихи, педагогик амалиёт, педагогика назарияси.

С. педагогик технология, педагогик амалиёт, педагогика тарихи, ижтимоий педагогика, педагогик маҳорат, педагогика назарияси.

Д. тўғри жавоб берилмаган.

Мавзу юзасидан савол ва топшириқлар:

1. Педагогика тарихини ўрганиш орқали талабаларнинг маънавий сифатларини ривожланишнинг ҳозирги аҳволи ҳақида нималар биласиз?

2. Педагогикадан тузилган ДТСда умумқасбий фанлар блоки бўйича қандай талаблар қўйилган?

3. Дастурда тузилган режаларга сизнинг фикрингиз? Изоҳлаб беринг.

4. Дастур асосида лотин ёзувида ёзилган педагогика тарихи дарслигининг муаллифлари қимлар?

5. Яратилган янги дарслиқлар нималарга асосланиб ёзилган? Изоҳлаб беринг.

6. К.Ҳошимов ва С.Нишонова ёзган «Педагогика тарихи» дарслиги билан О.Ҳасанбоева ва бошқалар ёзган педагогика тарихи дарслигининг ўзаро фарқларини изоҳлаб беринг. Ёзма баён этинг!

7. «Маънавият» билан «Маънавий сифат» тушунчасини изоҳлаб беринг.

8. Талабалар орасида ўтказилган интервьюдан кўпроқ нималарни тушундингиз? Ёзма баён этинг!

9. Талабаларнинг маънавий сифатларини ўзлаштириш даражасини изоҳлаб беринг!

10. Маънавий меъёр тушунчасига нималар киради?

11. Адолат, бурч тушунчаларини қандай тушунасиз?

12. Эзулик, яхшилик, ёмонлик тушунчаларининг мазмун-моҳияти нималарда кўринади?

13. Инсонпарварлик деганда нимани тушунасиз? Ёзма равишда баён этинг!

14. Талабаларнинг маънавий сифатларини тарбиялаш учун зарур бўлган яна қандай манбалар билан танишдингиз.

Тавсия этиладиган манбалар:

1. И.Саифназаров. Маънавий баркамоллик ва сиёсий маданият. –Т.: Шарқ, 2001. -14-бет.

2. Г.Ниёзов, М.Аҳмедова. Педагогика тарихидан семинар машғулотларни ўтказиш учун ўқув қўлланма. –Т.: А.Навоний номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2007. -86-бет.

3. О.Ҳасанбоева ва бошқалар. Педагогика тарихи. –Т.: Ф.Фулом номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи, 2005. -243-бет.

4. С.А.Аширбоев, Ф.Ҳайдаров. Ўзбекистон Республикаси ДТС Педагогика. Олий таълим. –Т., 2003. -14-бет.

5. Ўзбек педагогикаси тарихи / А.Зуннунов таҳрири остида. –Т.: Шарқ, 2005. -272-бет.

6. А.Зуннунов, М.Хайруллаев ва бошқалар. Педагогика тарихи. –Т.: Шарқ, 2000. -33-бет.

7. Нишонова З. Психик тараққиёт диагностикаси. –Т.: ТДПУ, 2004. 151-бет.

«Ўйин» технологияси.

«Тезкор саволга – тезкор жавоб» ўйини

Талабалар икки гуруҳга бўлинади. Саволлар ўқитувчи томонидан ўқилади, тезкорлик билан талаба жавоб бермаса, ўқитувчи жавобини ўқиб беради. Ҳар бир саволга тўғри жавоб 5 балл, чала жавоб берса 2,5 балл ёзув тахтасига ёзиб борилади. Қайси гуруҳда саволга жавоб бермаса, гуруҳини ҳимоя қилиб гапирса, бақирса, чапак чалса жарима таёқчаси берилади. Яъни бундан мақсад гуруҳни тинч, осойишта, фаол ўйин дарсини ташкил этиш.

1 – гуруҳ

1. Савол: Абу Наср Форобий тарбияни 2 хил усулда олиб бориш мумкин дейди, булар қандай усуллар?

Жавоб: Мажбурий ва ихтиёрий.

2. Савол: «Авесто» ҳақида профессор Х.Ҳомидов қандай педагогик асар яратган, нечанчи йилда?

Жавоб: «Авесто файзлари», 2001 йил.

3. Савол: Абу Наср Форобий фикрича, табиатнинг қайси мавжудотини дунё тараққиётининг энг мукамал ва етук яқуни деб билади?

Жавоб: Инсонни.

4. Савол: Ал-жабр сўзини асосчиси ким?

Жавоб: Мухаммад Мусо ал-Хоразмий.

5. Савол: Хоразмий неча тилда ижод қилган ва улар қайсилар?

Жавоб: Уч тилда: форс, араб, юнон.

6. Савол: Зардуштийлик диний таълимотида муаллимлар кимлар бўлган?

Жавоб: Уламо, хоҳинлар.

7. Савол: «Ҳар бир зардушт беш марта ювиниб, покланиб, куёшни олқишлаб, сиғиниши шарт бўлган. Бу анъана исломга зардуштийликдан ўтган...» деган гояни илгари сурган таниқли олима ким?

Жавоб: Фозила Сулаймонова.

8. Савол: «Авесто»ни кимнинг фармонига биноан 1200 боби олтин тахтага ёздирилди?
- Жавоб: Виштаспнинг.
9. Савол: Абу Али ибн Синонинг йирик асари.
- Жавоб: «Аш-шифо».
10. Савол: Зардуштнинг ота-онасини исми?
- Жавоб: Пуршасп, Дуддова.
11. Савол: Зардуштийлик таълимотида маънавий сифатлар тарбияси, оилавий бурч, фарзанд тарбиясини алоҳида таҳлил этган олимлар кимлар?
- Жавоб: С.Нишонава, К.Ҳошимов, С.Ҳасанов, Ҳ.Бобоев, З.Ғафуров, Ж.Ҳасанбоев, Ҳ.Ҳомидов.
12. Савол: «Сайдона» асари муаллифи ким?
- Жавоб: Абу Райҳон Беруний.

2-гуруҳ

1. Савол: Нима учун Абу Наср Форобийга «Иккинчи муаллим» унвони берилган?
- Жавоб: Юнон илмини яхши билгани, қадимги юнон файласуфлари, асарларини таржима қилгани, Аристотель фалсафасини таъкил этишдаги ва ланттиқ соҳасидаги шарҳлари учун «Шарҳ Арастуси», яъни «Иккинчи муаллим» унвонини олган.
2. Савол: XIII асрда Ёкут Ҳалимовнинг айтишича, Вағанидан кетган ҳар бир кишининг Хоразмликлар қандай лақаб билан атаган?
- Жавоб: Берун.
3. Савол: Абу Райҳон атамасининг маъноси нима?
- Жавоб: Марҳаматли, раҳмдил маъноларини билдирган.
4. Савол: Таълим-тарбияга биринчи бўлиб, таъриф берган олим ким?
- Жавоб: Абу Наср Форобий.
5. Савол: Форобий неча тилда сўзлашган?
- Жавоб: 70 дан ортиқ тилда сўзлашган.

6. Савол: Абу Наср Форобий умуман фанлар классификацияси мазмунига қараб неча гуруҳга бўлган?
 Жавоб: 7 та гуруҳга бўлган.
7. Савол: Ал-Фарғоний Шарқ ва Ғарб мамлакатларида қандай ном билан шуҳрат қозонади?
 Жавоб: Альфраганус.
8. Савол: Абу Райҳон Беруний дастлабки йирик асарини неча ёшида ёзади ва у қандай асар?
 Жавоб: 27 ёшида «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар».
9. Савол: «Авесто»да ёвузлик худоси ким?
 Жавоб: Ахриман.
10. Савол: Зардушт сўзининг маъноси нима?
 Жавоб: 3 хил қараш мавжуд: 1. Сарик тул эгаси. 2. Туя етакловчи. 3. Олтин туя соҳиби.
11. Савол: Ибн Синонинг Ғарбдаги таҳаллуси нима?
 Жавоб: Авиценна.
12. Савол: Ҳозирги зардуштийлик динига сифинувчи давлатлар қайсилар?
 Жавоб: Жанубий Ҳиндистон ва Шимолий Эрон.

Олиб борилган викторина саволлар натижасини қуйидаги жадвалда кузатамиз:

**«Тезкор саволга – тезкор жавоб»
 уйин технологияси натижалари**

Т/р	Ўзлаштирилш кўрсаткичи (фоизларда)	Биринчи гуруҳ	Иккинчи гуруҳ	Учинчи гуруҳ
1.	паст			
2.	ўрта			
3.	юқори			

**II. ТАЛАБАЛАРНИНГ МАЪНАВИЙ СИФАТЛАРИНИ ТАРБИЯЛАШДА
ПЕДАГОГИКА ТАРИХИНИНГ ЎРНИ.
МАЗМУНИ, ШАКЛЛАРИ, УСУЛ ВА УСЛУБЛАРИ**

1. «Авесто»да маънавий тарбия масалалари

Педагогика тарихини ўқитишда талабаларнинг маънавий сифатларини тарбиялашда тарихий манбалар, «Авесто» ва Шарқ мутафаккирларининг педагогик таълимоти ҳамда Маъмуъ академияси алломалари ижодидаги педагогик фикрлар муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам педагогика тарихи курсини «Авесто»даги талабалар маънавий сифатларини тарбиялашга хизмат қиладиган маълумотлар билан бойитиш мақсадга мувофиқ.

«Муҳтарам Юртбошимиз И.А.Каримов давлатчилигимизнинг барча босқичларини чуқур, илмий асосда ўрганиш масаласини мутгасил равишда илгари суриб келмоқда. Чунончи, Аҳмад Фарғоний таваллудининг 1200 йиллигига тайёргарлик юзасидан олиб борилаётган ишлар билан танишув асносида тарихчи ва археолог олимлар диққатини қадим Кубо давлати тарихини чуқур ўрганишга жалб этиш баробарида қадим Хоразм давлати ҳақида ҳам тўхталиб ўтди: Хоразм давлати тарихини биз 2700 йиллик тарих деб биламиз. Энг муътабар, қадимги қўлёзмамиз «Авесто»нинг яратилганига 3000 йил бўлди. Бу нодир китоб бундан 30 аср муқаддам икки дарё оралиғида, мана шу заминда умргузаронлик қилган аждодларимизнинг биз авлодларга қолдирган маънавий, тарихий меросидир. «Авесто» аини замонда бу қадим ўлкада буюк давлат, буюк маънавият, буюк маданият бўлганидан гувоҳлик берувчи хужжатдирки, уни ҳеч ким инкор этолмайди»¹.

2001 йил октябр ойида муқаддас китоб Авесто яратилганлигининг 2700 йиллиги бутун дунёда нишонланди. Бу тадбир ҳам аждодларимизга бўлган ҳурмат ва эътиборнинг бир белгисидир².

¹ Таълим муаммолари. Журнал. Т. 2006 йил 1-сон. 1-2-бет.

² Шарифхўжаев М, Давропов З. Маънавият асослари ўқув қўлланма. Т. Молия. 2005 йил 145-бет.

Сўнги йилларда Х.Ҳомидов, С.Ҳасанов, Ж.Йўлдошев, С.Нишонов, О.Мусурмонова, Н.Махмудова «Авесто»даги таълимий-ахлоқий қарашларнинг айрим қирралари ҳақида фикр юритдилар, тадқиқот ишлари олиб бордилар. Н.Махмудова «Авесто»да таълимий-ахлоқий қарашлар, таълим-тарбия, одоб-ахлоқ масалаларини тадқиқ этган.

Мушоҳада қилинг! Кўришиб турибдики, «Авесто»нинг барча қисмлари учун хос бўлган маънавий сифатларни ва маърифий ғояларни тадқиқ этиш ҳамда талаба ёшларда маънавий сифатларни тарбиялашда улардан фойдаланиш масаласи бугунги кунга қадар етарлича ўрганилмаган.

Ёд олинг! «Авесто» 21 китобдан иборат бўлган, бироқ уларнинг кўпчилиги йўқолиб кетган. Унинг энг қадимги нусхаси 1324 йилда кўчирилган бўлиб, у ҳозир Копенгагенда сақланади.


Эсда сақланг! «Авесто» қадимги Эрон тиллари гуруҳидаги тилларнинг қадимги ёдгорликлари бўлиб, унда инсонларнинг орзу-истаклари, яхшилик ва ёмонлик ўртасидаги муносабатлар ифода этилган. «Авесто» қадимий аجدодларимизнинг ижтимоий-фалсафий ва маърифий фикрлар ёдгорлиги сифатида ўтмиш тарихимиз, маданий ва маънавий қадриятларимизни ўрганишда, бугунги кунда талабалар маънавий сифатларини тарбиялашда асосий манба бўлиб хизмат қилади.

«Авесто»нинг бизгача етиб келган қисмлари «Ясна», «Яшт», «Виспрад», «Вендиод» деб номланади. «Авесто»да жами 22 машхур «Яшт» бўлиб, улар ҳажми, ёзилиш даври, адабий ва тарихий-маданий, педагогик қиммати, аҳамиятига кўра турлича кўшиқлардир.

«Авесто» - инсониятнинг моддий, маънавий, педагогик бойлиги сифатида

жуда катта таълим-тарбиявий қимматга эга¹.

Зардуштийлик тадрижийси уч босқичга бўлинади:



Шундай қилиб, «Авесто» минг йиллар давомида яратилган ва Ўрта Осиё, Яқин Шарқ ва Ўрта Шарқ халқлари маданий ҳаётининг кўплаб томонларини ўзида акс эттирган ёзма ёдгорлик ҳисобланади. «Авесто»нинг сақланиб қолган қисми Ашокидлар (э.а. III аср) даврида тўпланган. Унда ижтимоий-иқтисодий ҳаёт, давлатчиликнинг юзага келиши, сиёсий-ҳуқуқий фикрлар, фалсафий – маънавий қарашлар ва э.а. I аср ўрталари ва II аср ярми Ўрта Осиё, Ўрта ва Яқин Шарқ халқлари дунёқарашининг юзага келиши акс этган.

¹ Бобоев Х. ва бошқалар. «Авесто» - Шарқ халқларининг бебаҳо ёдгорлиги. Т. ТФИ 2004 йил 303-6.

Биласизми? «Давлатчилик тарихи мавзуси ҳақида сўз кетганда Президент И.А.Каримовнинг ўзбек давлатчилиги тарихининг обрў-эътиборини ўз ўрнига қўйишда, уни юзага чиқариш билан боғлиқ тадбирларни амалга оширишдаги хизматларини алоҳида таъкидлаш зарур. Инчунун, 1997 йили Хива шаҳрининг 2500 йиллигини нишонлаш кунда Юртбошимиз Ислом Каримов ўзбек давлатчилиги 2700 йиллик тарихга эга эканлигини бутун дунёга расман эълон қилган биринчи олим ва миллий раҳбар бўлди. Бу билан давлатчилигимизнинг тарихий ибтидоси масаласига узил-кесил равшанлик киритилди»¹.

«Авесто»да барқарор марказлашган бошқарувчи йирик сиёсий бирлашмалар тузиш, кучли ҳокимият, маърифат ва Ахура Мазда қонунилари бўйича бошқариладиган жамият ва халқ манфаати устида қайгурадиган ҳукмдор номи илгари сурилган. «Авесто» бугунги кунда ҳам ёшлар учун йўлчи юлдуз бўлиб хизмат қилади.

«Авесто»да жиноятлар тури олти гуруҳга таснифланган:					
биринчи гуруҳ	иккинчи гуруҳ	учинчи гуруҳ	тўртинчи гуруҳ	бешинчи гуруҳ	олтинчи гуруҳ
динга қарши	шахсга қарши	жонивор-ларга қарши	мулкка оид	табиатга қарши ва энг муҳими	маънавиятга қарши жиноятлар фарқланган

Буни билиш талабалар учун муҳим тарбиявий аҳамиятга эга. «Авесто»да ҳар қандай ахлоқсизлик ва ғайритабиий хатти-ҳаракатларга йўл қўйиб бўлмаслиги таъкидланади. Фоҳишабозлик, турмуш ўртоғига хиёнат қаттиқ қораланган. Бесоқолбозлик энг оғир ва энг жирканч жиноятлардан

¹ Зиёев А. Ўзбек давлатчилиги тарихи. –Т.: Шарқ, 2000. -23-бет.

саналиб, қатл жазоси кўзда тутилган ягона маънавий жиноят ҳисобланган. «Авесто»да фоҳиша билан яшаш маънавий жиноят экани алоҳида уқтирилади. Бу каби жиноятлар сирасига нафақат оилани бузадиган ва оила қоидаларини заифлаштирадиган, балки бола туғилиши, ёш авлод тарбияси, насл поклигига салбий таъсир кўрсатадиган, оила хиёнати ҳам киритилади. Бегона аёл билан яшаш, никоҳсиз фарзанд кўриш қатъий тақиб остига олинганки, ушбу қарашлар бугунги кунда ҳам муҳим тарбиявий аҳамиятга эга. Бу каби жиноятлар қамчи ёки таёқ билан 800 зарба уриш билан жазоланган. Ҳ.Ҳомидов талқини билан айтганда, «эру хотинниг бир-бирига хиёнати қаттиқ лаянатланган. Бегона эркак билан жуфтлашган аёл бадном қилиниб, жазоланган ва никоҳдаги эри учун «қаром» деб ҳисобланган»¹.

«Авесто»нинг бугунги маънавий-ахлоқий ва тарбиявий талабларга ҳамоҳанг бўлган энг муҳим тамойилларидан бири – берган сўзнинг улдасидан чиқиш, аҳдга содиқлик, савдо-сотик ва шартномаларга қатъий амал қилиш, қарзни ўз вақтида тўлаш, алдамчилик ва хиёнатдан холи бўлиш, иймонлилик сифатларидан иборат.

«Авесто»да одамларни иймонли, эътиқодли бўлишга, динмо покиза юришга, танани озода тутишга, ҳар қандай ёмон ният ва сўзлардан тийилишга, ёмон амаллардан воз кечиншга, ножўя ишлардан юз ўйришга даъват этадиган ахлоқий қоидалар, ўғитлар ниҳоятда кўп.

Бизгача етиб келган «Авесто» нусхалари 2 вариантда. Биринчи варианты ёлғиз «Авесто»ни ўз ичига олади. Иккинчи варианты паҳлавий тилидаги шарҳли таржимани ҳам ўз ичига олиб, у китобларга, боб ва параграфларга ажратилган.

¹ Ҳ.Ҳомидов. Авесто файллари. –Т., 2001. -31-бет.

«Авесто» куйидаги китоб (қисм)лардан иборат:	
1.	Вендицод. У 22 бобдан иборат бўлиб, Ахура Мазда билан Зардуштравинг савол-жавоби ёзилган.
2.	Виспарад. 24 бобдан иборат бўлиб, ибодат кўшиқларини ўз ичига олади.
3.	Ясна. У 72 бобдан иборат бўлиб, қурбонлик чиқариш, маросимда айтиладиган кўшиқларни, худолар мадҳиясини ва бошқа диний маросимларга хос расм-русумларни ўз ичига олади. Унинг 17 боби готлар – гимнлар деб аталган. Бу боблар «Авесто»нинг энг қадимги қисмлари.
4.	Янт. У Зардуштравийлик худолари ва маъбудалари мадҳига айтилган 22 кўшиқни ўз ичига олади.
5.	Кичик «Авесто». Унда Куёш, Ой ва маъбудалар шарафига айтилган матнларни ўз ичига олади ¹ .

«Авесто»нинг кўшаб тадқиқотчилари, бу нодир китобда юксак маънавиятлилик ва ахлоқ масалалари ёритилганини таъкидлаганлар. Бу қарашлар «Гот», «Ясна» ва «Янт»ларнинг айрим бобларида ифодаланган. Педагогика тарихи бўйича мажмуалар ва ўқув қўлланмаларида худди мана шу диққатга сазовор ўринларни саралаган ҳолда киритиш лозим.

Эслаб қолинг! «Авесто»да таъкидланишича, икки қарама-қарши куч: эзгулик ва ёмонлик мавжуд. Яхшилик кучларига Ахурамазда, ёмонлик кучларига Акриман бошчилилик қилади.

Инсон ҳаёти, унинг жамиятдаги ўрни ва фаолияти аҳамияти шу муросасиз кураш якуни билан белгиланади. Шу боис инсонлар ўзларининг маънавий сифатлари билан эзгулик тарафдори эканини кўрсатиши ва бу билан эзгулик рудлари ёвуз кучларга қарши курашда кўмаклашишлари керак, акс

¹ Н.Малласев. Ўзбек адабиёти тарихи. –Т.: Уқитувчи, 1976. –63-бет.

ҳолда ахлоқи паст, нопок инсон осонгина ёвузлик тўрига илинади, дейилади. Ёлгон тарафдорларига эса абадий қийноқ ҳозирланган. Шу сабабли инсон ҳаётда бирор бир мақсадни белгилар экан, ўз зиммасига маълум мажбуриятларни олиб, уларнинг бажарилиши учун масъулият ҳис этмоғи лозим, деган ғоя илгари сурилади.

Юксак маънавий сифатлилик Зардуштийлик бўйича жаҳолатнинг, ёмонликнинг олдини олишдир. Ундаги қадимги тиббиёт, фазо тўғрисидаги фикрлар, астрономия ва фалсафага оид нодир фикрлар инсон қалбини ёруғликка чорлайдики, бу ёруғлик, албатта, яхшиликка олиб боради. Ана шундай эзгуликка хос фаолиятлар Ахура Мазда образи орқали ифода этилган.

Шу билан бирга «Авесто»да,

Митра	қуёш ва ёруғлик тангриси
Анахита	унумдорлик, ҳосилдорлик, фаровонлик тангриси
Хумо	бахт, тақдир, бойлик тангриси
Хубби	мард йиғит, сув тангриси
Миррих	уруш ва ғалаба тангриси

сифатида ифодаланганки, булар орқали гўёки инсоннинг эзгу ниятлари амалга ошишини таъминлаш мумкин¹.

Дунёдаги бирор таълимот, бирор диний эътиқодлар йўқки, ҳосил олишни Зардуштчилик мадҳ этган бўлса.

Эса сакланг! Зардушт илоҳ Ахура Маздадан сўради:

- Эй, Ахура Мазда!

Заминни ҳаммадан ҳам бахтиёр қилувчи зот ким?

Ахура Мазда жавоб берди:

- Эй, Зардушт!

Кимки уни яхшилаб ҳайдаса ва зиротга тайёрласа!...

Эй, Зардушт!

Кимки ғалла экса, у Ҳақиқатни экади²...

¹ «Авесто». Тарихий, алабий ёлгорлик / А.Маххам таржимаси –Т.: Шарҳ. 2001. -357-бет.

² Уша макба, 358-бет.

Асрлар ўтибдики, «Авесто»да олға сурилган эзгу ниятлар, эзгу калом ва эзгу амал ҳамон барча инсонларни эзгулик томон қорлаб, уларни руҳан поклаб, юксак маънавият томон етаклайди. Яхшилик каломларини абадийлашга чақиради. «Эй, ҳушёрлар! Қулоқларингиз билан пухта эшитингиз, энг эзгу каломларни ва ёруғ ният билан - ҳоҳ эр, ҳоҳ аёл – ҳар бирингиз назар тапшангиз, то буюк ҳодиса рўй бермасдан ва одамларимиз сўнгги манзилга етмасдан, икки йўлдан бирини ўзингизга ихтиёр этингиз-да, бу каломларни ўзгаларга ҳам етказингиз»¹.

Ёки калом ва амаллар орқали Ахура Маздани Зардушт олқишлайдики, натижада, Парвардигор Ахура Мазда мазкур олқишлардан ҳулюса қилишга ишонади:

Олижаноб сўз сехри билан.
Ҳам муқаддас вазлар билан,
Калом билан ва амал билан,
Ҳақ айтилган калималарга
Энг ҳаққоний каломлар билан.
Шарофатли Ахура Мазда
Топинмоққа буюрганларга
Топинадирмиз².

Зардушт эзгу фикрлар орқали Ахура Маздадан Митрани ташриф буюришини сўраб нола қилади:

Келсин бизга мадад бермоққа,
Келсин бизга кенг даштлар учун,
Келсин бизни қўлламоқ учун,
Келсин бизга мурувват учун
Келсин бизни қутқармоқ учун,
Келсин бизга ғолиблик учун,
Келсин бизга бахт-шодлик учун,

¹ Ушш манба, 10-бет.

² Ушш манба, 201-бет.

Келсин бизга яхшилик учун,
Ёлгонларга бўйинсунмас Ул, -
Дунё ҳамду саноларга,
Лойиқ Митраким бекарона,
Яйловларнинг моликидир¹.

Демак, Зардушт таълимотига амал қилганларга сувли ер майдонлари, чорва учун яйлов, уй ва яхши хотин ваъда қилинган. Зардушт таълимотига кўра кўп болали, оиласини ўз меҳнати билан боққан, ўз уйида абадий алангани доимо тутиб турган киши бенуқсондир.

Шундай қилиб, Ўрта Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида яшаган қадимги халқлар маънавий қарашларининг шаклланиши «Биз» (яхшилар) ва «Улар» (ёвузлар) тушунчаларини ижтимоий-руҳий қарама-қарши қўйиш асосида вужудга келган. Яхши кишилар зардуштийликнинг маънавий-ахлоқий қондаларига мувофиқ яхши сифатларга эга, ёвуз кишилар эзгуликдан махрум.

Зардуштийлик ҳаминша дунё ишларига: уй қуриш, хотин ва бола-чақа орттириш, олов билан таъминлаш, кишлоқ хўжалик экинларини етиштиришга, ўз кучи ва вақтини сарфлаган, оила қуришга, фаол муносабатта чорлаган. Ахурамаздага мурожаат қилар экан, Зардушт айтади: «Сен, биз учун чорва, фаровонлик манбаини яратдинг». Қачон ва қаерда она-ер ўзини бахтли ҳис қилади, деган саволга Ахурамазда шундай жавоб беради: «Қаерда эътиқодли инсон уй курса, унда олов бўлса, чорва, хотин, болалар ва подалар бўлса, ўша ерда фаровонлик ва яхшилик бўлади»².

Инсон моддий бойликлар яратувчиси бўлгани учунгина эмас, балки меҳнат-маънавийлик асоси, меҳнат-эзгулик манбаи бўлгани учун ҳам меҳнат қилишга ундолган. Зардуштийлик таълимоти нуқтани назаридан яхши инсон бўлиши учун, энг аввало, меҳнат қилиши, ўз кўли билан неъматлар яратиши лозим. Дангасалик бошқа барча иллатлар онаси сифатида баҳоланиши ҳам тасодифий эмас. Шу сабабли зардуштийлик таълимоти ўз тарафдорларига чорвачилик ва деҳқончилик билан шуғулланишни буюради, буни жасорат деб, баҳолайди.

¹ Ўша навб, 184-бет.

² Хошимов К., Ишқиева С. Педагогика тарихи. -Т.: А.Навоий номидagi миллий кутубхона, 2906. -25-б.

Демак, деҳдон меҳнати, Зардушт таълимотига биноан асосий саховат намоён бўлиши, қонунга итлоқнинг бош шакли – Ахурамазда тимсолида мукамал ёритилган. «Авесто»га кўра инсон олий мавжудот сифатида меҳнат қилиш, моддий бойликлар яратиш қобилиятига эга ва ёвузликни енга олади. Меҳнат – одамдаги инсонийлик кўрсаткичи, меҳнат – унинг маънавий хулқини баҳолаш ўлчови, мезони саналади.

Зардуштийликнинг шахс маънавий сифатларини тарғиб қилувчи тавсифли хусусияти шундаки, кўнаб тушунчалар инсонга хос кўнаб тушунчалар улуғланади. Эзгу фикр Ахурамаздадан, ёвуз фикр Ахримандан бўлгани каби Аҳо Мано, Анхра Мано атрофидаги асосий демонлар орасида биринчи ўринни эгаллаган алоҳида мавжудот сифатида фикр юритилади. Ёвуз руҳлар – гуноҳлар, адашшилар, касалликлар ва ш.к. Бу одамларнинг, кучларнинг доимий кўбланиши, яъни эзгу илоҳларнинг ёвуз илоҳ ва руҳлар билан тўқнашуви кечадиган борликдаги ҳаёт ҳақидаги тасавурлари кенг тарқалиши билан боғлиқ.

Эзгулик илоҳ ва руҳлар шохлигида ажойиб уйғушлик – ердаги ишлар тартибини ақс эгтирадиган уйғушлик ҳукмрон.

Кишилар фикри, сўз ва ишлари икки қарама-қарши куч: Маху мана («Эзгу фикр») ва Ако мана («Ёвуз фикр») таъсирга берилади.

Махур авестошунос А.О.Маковелскийнинг ёзишича, «Эзгу фикрат»-ниятнинг яхшилиги, илоҳий қонун руҳидаги, яқинларига нисбатан яхшилик қилиш, зарур бўлганида мақад беришга тайёрлик, кишилар бахт-саодати учун ёвузликка қарши курашга ҳозирлик руҳидаги ўй-фикр, барча билан тинч-тотув яшашга интилиш ва шу қабилар. Инсон бошқаларга нисбатан бахиллик қилмаслиги лозим, Эзгу фикрлар эгаси жаҳолатга тушмайди. чунки жаҳолатда киши эзгу ниятларини йўқотади, бурч ва адолатни унутади, ўйламай иш қилади¹...

Олимларимиз Х.Бобоев, Т.Досчанов, С.Ҳасанов «Авесто»даги бу хусусиятларга шундай фикр билдирадилар. Инсон бошқаларга ҳасад қилмаслиги керак, эзгу фикрли инсон жиловланмаган ғазаб ва бошқа эҳтиросларга тушмайди. Зеро, бу ҳолатда у эзгу фикрни йўқотади, бурч ва адолатни унутади ва ўйламаган хатти-ҳаркатларга йўл қўяди².

¹ С.Ҳасанов. Ҳорам маънавияти дарғалари. –Т.: Адолат, 2001. -28-29-бет.

² Б.Аҳмедов. Ватан тарихидан лавҳалар. –Т.: Чулпон, 2001. -144-бет.

«Авесто»даги учликнинг ҳақиқий илмизларига тўхталадиган бўлсак, улар биздан вақт нуқтаи назаридан энг узок - қадимги одамларнинг маънавий тасаввурларига тўлиқ мос келади. Бирлашиб, мулоқот, эзгулик ва мурувватга интилиш ибтидоий одамнинг узвий сифатлари бўлган. Унинг онги, маънавий ва бошқа тасаввурлари ўзи мансуб бўлган жамоа билан узвий равишда ҳамоҳанг. Жамоа фикри унинг ҳам фикри, жамоа сўзлари унинг ҳам сўзлари, жамоа ишлари унинг ҳам ишлари бўлган. Ибтидоий одам учун индивидуализм ёт бўлган. Жамоа ва шахсий манфаатлар бирлиги уруғчилик жамоасининг характерли жиҳати, жамоанинг исталган тошпириги унинг аъзолари учун муқаддас қонун ҳисобланган. Вақт ўтиши билан аввалги маънавий талаблар тамомилан ўзгариб, шахсий маъно касб этди.

Масалан, кейинги зардуштийликда эгу сўзлар деб келишувга амал қилиш, сўзига содиқлик, тижорат ишларида ҳалоллик, қарзни қайтариш, ўғрилик ва босқинчиликдан нафратланиш, ўзганинг мулки (қули ёки хотини)ни эгаллашни қабул қилмаслик, бузукликдан ўзини тийиш ва уни қоралаш кабилар тушунилади. Шубҳасиз, зардуштийликнинг бу каби қоидалари уруғчилик тузуми парчаланган даврга хос.

Инсон нафақат эзгулик, балки ёвузлик кучлари таъсирига ҳам берилади. Таъқидлаш жоизки, бу ўринда ҳам дин белгиланган учлик кўзга ташланади. Ахурамаздага бу ерда Ёлғон руҳи – Друджа ва издошлари: ёвуз фикр – Ахриман ва босқинчилик руҳи – Эшма қарши туради, улар атрофида инсонларга зарар етказувчи девлар қўшини мавжуд. «Яшт»ларда шундай дейилади: «Сиз девлар – ёвуз фикр маҳсули, ёмон сўз воситасида сиз инсонларни неъматлардан маҳрум этдингиз»¹.

«Авесто»нинг маънавий қоидаларида нафақат соғлик ва жисмоний куч, балки маънавий покликка ҳам алоҳида ўрин ажратилади. Маънавиятчилик меъёри сифатида «Ясна»да ўз вақтида ва тўғри овқатланиш буюрилади, бу инсон хизмати ва маънавий мажбуриятларини бажариш ҳисобланган. Зардуштийликнинг маънавий сифатлари инсонга ҳаётда барча неъматлардан

¹ И.Жумабаев. Урта Осиё этикаси тарихий очерклари. –Т.: Ўзбекистон, 1980. -51-бет.

меърида роҳатланиш, кунларини қувонч билан ўтказиш, оиласи билан келишиб, яхши яшаш учун зарур барча нарсаларни тавсия этади. Маънавий баркамол инсон нафақат самоларда, балки ердаги ҳаёт шароитида ҳам бахтли бўла олади. Бунинг учун у ҳаёт неъматларидан фойдаланиши лозим. Ҳақиқий неъмат (бахт назарда тутилади) ўзингга ошно қилганлар. Улар (яъни бахтли одамлар)нинг уйлари кўркам, чорваларга бой, узоқ вақтгача мўл–кўл. Уларнинг қизлари оёқларида тақинчоқлар бўлган. Зардуштийлик фойдали ҳайвонларга ёмонликни мутлақо тақиқлайди. Бу катта гуноҳ, маънавий ва диний нуқтани назардан жиноят саналади. «Жонли мавжудотга ёмонлик қилган, қалтаклаганга авф йўқ»¹.

Олий худо Ахурамазданинг ўзи кишиларнинг барча амалларини билади ва ёдда тутаяди, ҳаёти сўнггида ҳар кимга жазо ёки мукофот белгилайди: «Эзгулик ва ёвузлик ўртасида иккинланган охираат кунинда яхшилиги ва ёмонлиги учун жавоб беради». Инсон ҳаёти эзгу фикр, сўз ва иш билан келишув ва бирликда ўтган бўлса, зардуштийлик таълимотига кўра унинг пок руҳи абадий роҳатга кўчиб, ўз танасини қутади, у ўликлар тирилган буюк кунда руҳ билан бирлашади. Агар келишув ва бирлик бўлмаса, охираат кунини инсонни жазо қутади².

«Авесто» қоидаларида инсонга нафақат ҳаёт чоғидаги жазо, балки ўлимидан кейинги қасос билан кўрқитиб таъсир этишга интилишлар ҳам мавжуд. Маънавий қоидалар ва ҳуқуқлар жаннат роҳати ва дўзах азоби шарпаси билан мустаҳкамланади. Юқорида айтилганидек, Зардушт таълимоти маънавий-маърифий хусусиятга эга. У Ахурамазда тимсолида ягона илоҳни қарама-қарши куч-эзгулик ва ёвузликнинг муросасиз кураши ғоясини эълон қилади. Бу кураш табиат ва жамиятдаги каби ҳар бир инсондаги ўзига хос зардуштийлик маънавий тамойилларининг асосий жиҳатларига диққатни қаратади: дунё ва жамиятда тартиб ўрнатиш, инсон ҳаётини тартибга солиш. Асосий талаб – фикрлар софлиги, эзгу қалб, ҳақиқат ва адолат. Бу зарур талаб. Зеро, яхшилик ва ёмонлик инсон онгида мужассам.

¹ Х.Ҳомидов. Авесто файзлари. –Т., 2001. –31-бет.

² К.Ҳошимов, С.Нижонова. Педагогика тарихи. –Т.: А.Навоий Миллий кутубхонаси, 2006. –24-бет.

Шундай қилиб, «Авесто»да жамиятнинг маънавий ҳаёти барча жабҳалари, жумладан, III-V асргача яшаган Шарқ халқларининг маънавий қарашлари ўз ифодасини топган. Демак, «Авесто»ни Марказий Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқнинг тарихий тақдири иқтисодий, сиёсий ва маданий нуқтаи назардан доимо узвий алоқада бўлган халқларнинг юксак қадрияти-қадимий маданий ёдгорлиги деб, ҳисоблаш зарур.

«Авесто» – халқларнинг маънавий тасаввурлари бутун давр мобайнида илоҳий эмас, балки дунёвий асосга эгалитидан далолат беради. Улар асл халқ манфаатларини ва жамиятдаги тенденцияларни ифода этган, ер юзида ақл ва адолат тантанаси учун курашда ғоявий қурол бўлиб хизмат қилган инсонларнинг маънавий сифатларни улуғланган.

Маълумки, жамият тикланиши ва ривожланиши жараёнида инсон биологик ва ижтимоий нуқтаи назардан тақомиллашиб борган. Зардуштийлик дини ва маънавий меъёрларнинг юзага келиши инсон тақомили учун бир рағбат бўлган. Минг йиллар давом этган бу жараён хулқ-атвор қондалари ва талаблари, маънавий сифатларни тақомиллаштиришга бевосита таъсир этган. Улар инсон ижтимоий тикланишининг асоси саналади.

Тадқиқотчилар таъкидлайдики, «Авесто» бошқа диний китоблар: «Қуръони карим», «Таврот», «Инжил», қадимги ҳинд халқининг «Ригведа», «Рамаяна», «Махобхарат», «Шастра»лари ва бошқалар каби асрлар давомида инсониятга ўқув қўлланма бўлиб хизмат қилган. Бу маданий ёдгорликнинг педагогик аҳамияти яна шундаки, «Авесто»да диний ғоя ва маънавий сифатлар тизимлашган тарзда кейинги авлодга етказиш анъана тусини олган.

«Авесто» юзасидан олиб борилаётган тадқиқотларнинг муҳим томони шундаки, ҳар бир олим-у тарихчи, файласуф, ҳуқуқшунос, шарқшунос, ахлоқшунос бўлсин ўз қарашлари нуқтаи назаридан ёндашиб, Ахура Мазда таълимотига, эзгулик ва бахт-саодатга эришиш, шу йўлда ҳалол меҳнат қилиш, адолат ва ҳақгўйлик, поклик ва келажак, юксак ҳаётга эришиш ғоясини таҳлил этадилар. Масалан, А.Асқаров, У.Алеуов, Х.Бобоев,

С.Ҳасанов, Б.Ғофуров, Н.Маллаев, С.Ғамбаров, А.Измайлов, Л.Делеков, А.Маковельский, М.Хайруллаев, Н.Махмудова ва бошқалар шулар кумласидандир.

«Авесто»да айтилишича, ўша даврда бола тарбияси ва таълимига катта аҳамият берилган. «Тарбия ҳаётдаги энг муҳим таянч саналиши юзим, ҳар бир ёшни шундай тарбиялаш керакки, аввал ўқишни, кейин зиштни ўрганиб олгач, энг юқори даражага кўтарилсин»¹.

«Авесто»да болаларга таълим-тарбия бериш услублари		
қуйидаги тартибда баён этилган:		
Жисмоний тарбия	Ўқиш ва ёзишга ўргатиш (ақлий тарбия)	Диний ва маънавий тарбия

Зардуштийлик динида илм ва маърифат кучига катта эътибор қаратилади. Ёшлар Ахурамазданинг билим ва ўғитларини чуқур ўзлаштириши учун «Авесто»да ўзига хос шаклда 20 та энг яхши маънавий сифат тушунтирилади. Улар ҳуқ-атворнинг мукамал меъёрлари сифатида ақлиф этилади ва у ҳар бир ёшда шакллантирилиши лозим деб ҳисобланади. Бу каби энг яхши сифатларга билим ва донолик ёрдамида инсоннинг муқаддаслик касб этиши, унинг атроф-оламни билиши учун гинимсиз изланишлари, ўқитувчи ва юксак маълумотли инсонга ўқувчи ўўла олиш, адолатни қўллаб-қувватлаш кабилар қиради. Бу сифатлар мавжуд бўлганида инсон Аҳриманнинг душманлигидан ҳимоялана олади, илм воситасида ёвуз, ҳийлагар кучларнинг ёмонлигидан халос бўлади. Қадимги одамлар болаларни ўқитиш, диний-маънавий сифатлар: поклик ва эзгулик, меҳнатсеварлик, ҳалоллик, сахийлик, инсонпарварлик ва шу кабиларни тарбиялаш устида қайғурганлар. Жисмоний тарбия соғлом, бардошли, кучли, иродали, ҳарбий ишни эгаллашга тайёр ёшларни гайёрлаш мақсадини кўзда тутган: отда юриш, ов, қиличбозлик, сузиш, огуриш, найза улоқтириш кабилар таълимда мажбурий бўлган. «Авесто»да

С.Очил, К.Ҳошимов. Ўзбек педагогикаси антологияси. 2-жилд. -Т.: Ўқитувчи, 1999. -147-бет.


диний-маънавий ва ҳарбий-жисмоний тарбия ҳамма учун бирдек, бироқ ўқиш ва ёзишга ўргатиш фақат имтиёзли синфлар учун бўлган. Бу қатламлар болалари учун сарой мактаблари бўлиб, у ерда машҳур саркардалар уларни ҳарбий санъатга ўргатишган.

Мактабларда «Авесто»ни ўрганиш жараёнида маълум таълим услублари ҳам ишлаб чиқилган. Кўргазмали қуроллар, ўтилган мавзунини дарсликдан такрорлаш, савол-жавоблар, билимлар даражасини баҳолаш шакли ҳам мавжуд бўлган. Таълим жараёнида тобора муҳим матнларни ёд олишга алоҳида эътибор берилган. Болаларнинг ёши ва тарбия хусусиятларини ҳисобга олиб, матнларни ёд олиш даражасига кўра улар алоҳида қисмларга бўлинган, кўп марта такрорлаш услуби қўлланилган. Ўқув материалларини ўзлаштиришда кетма-кетлик, изчилик тамойилларига риоя этилган.

«Авесто»да талабалар маънавий сифатларини тарбиялашнинг асосий йўналишлари ва услублари



Интерфаол методлар (Кластер усули)



Энг мўътабар қадимги ҳўлўзма «Авесто»нинг яратилганига 3000 йил бўлган бўлсада, талабаларнинг маънавий сифатларини тарбиялаш ва ривожлантиришда зарур восита бўлиб хизмат қила олади. Шунинг учун ҳам мазкур манбадаги энг қимматли, муҳим тарбиявий аҳамиятга эга бўлган юқорида кўрсатиб ўтилган қоидаларни педагогика тарихи курси мазмунига сингдириш бўлажак ўқитувчиларни маънавий ҳамда касбий жиҳатдан қуроллантиришда илмий-амалий қимматга эга.

Буни ёдда сақланг! «Авесто» нафақат диний китоб, балки ижтимоий, фалсафий, маданий, адабий-тарихий, педагогик қимматга эга бўлган ёдгорликдир.

«Авесто»да илгари сурилган фикрлар, ғоялар, қарашлар. маънавий сифатлар кейинчалик Маъмун академияси олимлари томонидан тадқиқ этилди. «Авесто»нинг Ватани Хоразм эканлиги, орадан шунча асрлар ўтсада, яна Маъмун академиясининг Хоразмда ташкил этилиши, фаолият олиб бориши, ўзбек давлатчилиги тарихи ривожланишида муҳим манба бўлиб хизмат қилди.

Таянч тушунчалар: Авесто, Зардушт, эзгу фикр, Виштасп, Ахурамазда, таълим жараёни, Мазда, Ясна, Митра, Хубби, Миррих, Анахита, Хумо.

Мавзу юзасидан тест топшириқлари

«Авесто» мавзуси юзасидан

1. «Авесто» яратилганлигининг 2700 йиллиги бутун дунёда қачон ва қайси ойда нишонланди?

- А. 2000 йил ноябр ойида.
- Б. 2001 йил октябр ойида. *
- С. 2003 йил октябр ойида.
- Д. 2007 йил сентябр ойида.

2. Авестонинг энг қадимги нусхаси нечанчи йилда кўчирилган ва сақлаб келаётган давлат.
- А. 1440 йилда Эрон.
 - Б. 1324 йилда Копенгаген. *
 - С. 1344 йил Буюк Британия.
 - Д. 1224 йил Дания.
3. Зардуштийлик тадрийжийси неча босқичга бўлинади.
- А. 2 босқичга
 - Б. 3 босқичга *
 - С. 4 босқичга
 - Д. 6 босқичга.
4. Авесто дастлаб неча китобдан иборат бўлган?
- А. 10 китобдан
 - Б. 21 китобдан *
 - С. 17 китобдан
 - Д. 19 китобдан.
5. «Авесто»да ахлоқсизликка йўл қўйиб бўлмаслик таъкидланади, фоҳишабозлик, турмуш ўртоғига хиёнат қилган кишилар қандай жазоланган?
- А. юртдан ҳайдаб чиқишган.
 - Б. қатл жазоси кўзда тутилган; 800 зарба бериб уришган. *
 - С. фарзандларини халқ тортиб олишган.
 - Д. б ва с.
6. «Авесто»да маънавий жиноят деб нималарни ҳисоблашган.
- А. Ёлгон гапирган, тухмат қилган ва чақимчиликни.
 - Б. Бесоқолбозлик, турмуш ўртоғига хиёнат, фоҳишабозлик. *
 - С. Давлат йиққан, элга ёрдам бермаган мунофиқ кишиларни.
 - Д. Богдорчилик, чорвачилик билан шуғулланмаганларни.

7. Бизгача етиб келган «Авесто» нусхалари нечта китоб (қисм)лардан иборат. Тартиб бўйича номларини айтинг.

- А. 6 қисмдан иборат. Ясна, Яшт, Авесто, кичик Авесто, Виспорад, Виндидод.
- Б. 5 қисмдан иборат. Вендидод, Виспорад, Ясна, Яшт, кичик Авесто. *
- С. 2 қисмдан иборат. Авесто ва кичик Авесто.
- Д. 3 қисмдан иборат. Авесто, Виспорад, Ясна.

8. «Авесто»ни – тарихий адабиёт ёдгорлик сифатида таржима қилган қайси олим?

- А. П. Толстов.
- Б. Аскар Маҳкам. *
- С. Б. Аҳмедов.
- Д. С. Ҳасанов.

9. «Авесто»да ифодаланган Хубби образи нима тангриси ҳисобланади.

- А. Куёш тангриси.
- Б. Мард йигит сув тангриси. *
- С. Кўрқоқ йигит, деҳқон тангриси,
- Д. б ва с.

10. «Авесто»да ифодаланган Хумо қуши қиёфасида нимани икс этилади.

- А. Гўзаллик, бойлик.
- Б. Бахт, тақдир, бойлик. *
- С. Тақдир, чирой, гўзаллик.
- Д. Тўғри жавоб берилмаган.

11. Анахита қиёфасидаги қиз «Авесто»да қандай тангри ҳисобланади?

- А. Сув тангриси гўзал қиз қиёфасида.
- Б. Унумдорлик, ҳосилдорлик, фаровонлик тангриси, гўзал қиз қиёфасида. *
- С. Йиғлоқи қиз қиёфасида ёмғир тангриси.
- Д. а ва с.

12. «Авесто»да қандай кучлар карама-қарши тушунчалар асосида вужудга келган?

- А. камбағал ва душман
- Б. яхшилар ва ёвузлар (эзгулик ва ёвузлик) *
- С. катта ва кичик кучлар асосида
- Д. тўғри жавоб берилмаган.

13. Нуқталар ўрнига мос сўзни қўйиб ўқинг. «Авесто»дан «Қаерда эътиқодли инсон уй курса, унда олов бўлса, чор ва хотин, болалар ва подалар бўлса, ўша ерда ва бўлади».

- А. тўй, тўққиз.
- Б. фаровонлик, яхшилик. *
- С. ҳаёт, мукаммал.
- Д. ғам, ташвиш.

14. «Авесто»да ёлгончилик руҳи билан босқинчилик руҳи ифоа этилган исмлар.

- А. Ахриман, Друджо.
- Б. Друджа, Эшма. *
- С. Девлар, Эшма.
- Д. Эшма, Ахриман.

15. «Авесто»да ёшларга таълим-тарбия бериш услуби неча гуруҳга бўлинган, қандай?

- А. Жисмоний тарбия, Ахлоқий тарбия. 2 га бўлиб ўрганилган.
- Б. 3 га бўлиб ўрганилган 1 жисм тарбия 2 ўқиш ва ёзишга ўргатиш 3 диний ва маънавий тарбия. *
- С. тўғри жавоб берилмаган.
- Д. а ва б.

Мавзу юзасидан савол ва топшириқлар

1. «Авесто» ҳақида юртбошимиз И.А.Каримов қандай фикрлар билдирганлар? Ёзма баён этинг.
2. «Авесто»нинг бутун дунёда 2700 йиллигини нишонлашнинг бонси нимада деб биласиз?
3. «Авесто» ҳақида тадқиқотлар олиб борган педагог олимлардан кимларни биласиз?
4. «Авесто»да маънавий жиноят деб нималарни ҳисоблашади? Ёзма баён этинг.
5. Ахурамазда қандай кучларга бошчилик қилади. «Авесто» асариди.
6. «Авесто» тарихи ҳақида яна нималар биласиз? Изоҳлаб беринг.
7. Авесто шунос тарихчи, файласуф, адабиётшунос олимлардан кимларни биласиз? Ёзма баён этинг.
8. Ясна қисмида қандай урф-одатлар ифода этилган. Конспектлаштиринг.
9. «Авесто»ни таржима қилиб бизга етказиб берган А.Маҳкам ҳақида қандай маълумотга эгасиз? Ёзма равишда ифода этинг.
10. «Авесто»да тангри, киёфа орқали қандай образлар ифодаланган? Изоҳлаб беринг. Конспектлаштиринг.
11. Зардушт ҳақида қандай маълумотга эгасиз?
12. Зардушт эзгу фикр орқали Ахура Маздани, Митрани ташириф буюришини сўраб нола қилади. Ушбу фикрни таҳлил қилинг. Зардушт фикрларини конспект қилиб ёзинг.
13. Зардуштийлик таълимоти ҳақида фикрингиз.
14. Ҳ.Ҳомидовнинг «Авесто файзлари» китобини ўқиб таҳлил қилинг, конспектлаштиринг.
15. «Авесто» қандай китоблар сирасига кирази? Ёзма баён этинг.

Тавсия этиладиган адабиётлар

1. Ҳ.Бобоев ва бошқалар. «Авесто» Шарқ халқларининг бебаҳо ёдгорлиги. –Т.: ТФИ, 2004. -303-бет.
2. М.Шарифхўжаев, З.Давранов. Маънавият асослари. –Т.: Молия, 2005. -350-бет.
3. Таълим муаммолари журнали. –Т., 2006. 1-сон.
4. А.Зиёев. Ўзбек давлатчилиги тарихи. –Т.: Шарқ, 2000. -363-бет.
5. Ҳ.Ҳомидов. «Авесто файзлари» рисола. Т. 2001 йил 125-бет.
6. Н.Маллаев. Ўзбек адабиёти тарихи. –Т.: Ўқитувчи, 1976. -662-бет.
7. «Авесто». Тарихий адабиёт ёдгорлик / А.Маҳкам таржимаси. –Т.: Шарқ, 2001. -382-бет.
8. К.Ҳошимов, С.Нишонова. Педагогика тарихи. –Т.: А.Навоий номидаги Миллий кутубхона, 2006. -279-бет.
9. С.Ҳасанов. Хоразм маънавияти даргалари. –Т.: Адолат, 2001. -208-бет.
10. Б.Аҳмедов. Ватан тарихидан лавҳалар. –Т.: Чўлпон, 2001. -176-б.
11. И.Жумабоев. Ўрта Осиё этикаси тарихи очерклари. –Т.: Ўзбекистон, 1980. -178-бет.

2. Маъмун академияси олимларининг маънавий-маърифий қараплари орқали талабаларда маънавий сифатларни тарбиялаш масалалари

«Авесто» билан бир қаторда Маъмун академиясида фаолият кўрсатган олимларнинг маънавий-ахлоқий қараплари бугунги кунда талабаларнинг маънавий сифатларини тарбиялашда алоҳида педагогик аҳамиятга эга. Шунга кўра педагогика тарихи материаллари мазмунида Маъмун академиясида фаолият кўрсатган алломаларнинг ахлоқий қарапларига алоҳида ўрин ажратиш лозим.

Педагогика тарихи материаллари мисолида талабаларнинг маънавий сифатларини тарбиялаш жараёни худди мана шу тарихий манбалар асосида ташкил этилиши мақсадга мувофиқ. Бой тарихий меросимизни ҳар

томонлама ўрганиш ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва жамият ривожига кўмаклашиши шубҳасиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 1997 йил ноябрдаги «Хоразм Маъмур академиясини тиклаш» тўғрисидаги Фармони тарих, маданиятни чуқур ўрганиш, фан ривожини, унинг янгиланаётган жамият ҳаётидаги самарадорлигини ошириш истискоболларини белгилаб берди.

«Миллий ва умуминсоний цивилизация ривожидagi Хоразм Маъмур академиясининг улкан ролини ҳисобга олиб, биз тегишли ташкилотлар билан унинг минг йиллигини муносиб нишонлаш ҳақида музокаралар олиб бордик. 2003 йил сентябрда бўлиб ўтган ЮНЕСКО Бош конференциясининг 32-сессиясида Маъмур академиясининг минг йиллигини дунё миқёсида нишонлаш тўғрисида қарор қилинди», - деб таъкидлаган эди Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов.

Маълумки, ўрта асрлар мусулмон оламининг илмий тафаккури тикланиши ва ривожланиши жараёнида энг йирик марказлар: Бағдодда – Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий раҳбарлигидаги «Байт ул ҳикма» (Донишмандлик уйи); Хоразм пойтахти Гурганжда «Мажлиси Уламо» («Билимлар уйи»), шунингдек, Самарқандда Улугбек академияси, Марвда Насриддин Тусий мактаби яратилиши билан боғлиқ, уч асосий давр кузатилади. Бу илмий марказлар дунё илм-фани ва умуман давр маънавий-маърифий тафаккури ривожиди тарихий аҳамият касб этди.

Маълумки, IX асрда араб халифалиги парчаланиб кетгач, Марказий Осиё мустақилликка эришди. Араб истилосидан биринчи бўлиб халос бўлган Сомонийлар давлати эди. Кейинчалик бу ҳудудда Хоразмшоҳлар, Ғазнавийлар, Салжуқийлар, Қорахонийлар давлатлари барпо этилди. Бухоро, Самарқанд, Марв, Гурганж, Хива ва бошқа шаҳарлар ўз даврининг маданий марказлари сифатида шухрат қозонди. Уларда нафақат савдо-сотик ва ҳунармандчилик, балки илмий марказлар ҳам ривож топди, маданий алоқалар мустаҳкамланди.

Тарихий маълумотларга кўра X асрнинг иккинчи ярмида Хоразм: Шимолий ва Жанубий қисмга бўлинган. Шимолий Хоразм пойтахти Гурганжда амир Маъмур ибн Муҳаммад ҳукмрон бўлса, Жанубий Хоразм -- Қиётда Хоразмшоҳлар ҳукмронлик қилган.

995 йилда Гурганж амири Маъмун ибн Муҳаммад Хоразмни яхлит бир давлатга бирлаштирди. Натихада, Марказий Осиё, Эрон, Арабистон, Ҳиндистон, Шарқий Европа ва Шимолий-Ғарбий Осиё давлатлари: булғорлар, Русь, Урал ва Ғарбий Сибирь ҳабилалари билан савдо, сиёсий ва маданий алоқалар тикланди. Бу, Хоразмнинг янада ривожланишига туртки бўлди. Кутубхоналар барпо этилиб, ўша даврдаги барча машҳур адабиётлар жамланди. Киёт, Гурганж, Хива шаҳарларида мадрасалар очилиб, уларда кўплаб машҳур олимлар, мударрислар фаолият кўрсатди. Шунинг учун таълим-тарбия масалаларига катта аҳамият берилган, яратилган асарларда Шарқ халқларига хос бўлган инсоннинг ахлоқий-руҳий камолотини улуглаш етакчи роль ўйнаган. Инсонпарварлик ғоясини амалга оширишнинг асосий воситалари сифатида юксак ахлоқий одатлар, инсоний муносабатлар ва хислатларни таркиб топштиришга олиб келувчи таълим-тарбияни амалга ошириш асосий масала қилиб қўйилган. Зеро, инсонийлик ғоясида юксак ахлоқий хислатлар ифодаланганлиги учун ҳам Шарқ Уйғониб даври фалсафаси ва педагогикасида таълимий-ахлоқий йўналиш зарур аҳамият касб этди. Ахлоқ масаласи файласуфларнинг, буюк мутафаккирларнинг, тарихчи-ю, шоир ва адибларнинг ҳам бирдек диққат марказида бўлди.

Мазкур академия фаолияти тарихини М.Жуманиязов, у ерда ижод қилган алломаларнинг аниқ фанларга оид меросини Г.Маширипова, мутафаккирларнинг умумпедагогик қарашларини С.Ҳасанов, маърифий-ахлоқий қарашларини Ф.Бабашев тадқиқ қилганлар.

Биз мазкур қўлланмага Маъмун академиясида фаолият кўрсатган айрим олимларнинг маънавий-ахлоқий, педагогик қарашларини «Педагогика тарихи» курси мазмунига сингдириш ва шу асосда олий таълим муассасаларида талабаларнинг маънавий сифатларини тарбиялаш имкониятлари ҳақида тўхталамиз.

Рудшунос, ахлоқ масалаларига катта ҳисса қўшган буюк аллома, Маъмун академиясининг йирик намояндalarидан бири Абу Саҳл Исо ибн Яҳё ал-Журжоний ал-Масиҳий (977-1011 йй.) бўлиб, ҳаёти ва илмий ижоди давомида кўплаб шогирдлар тайёрлаган. Астрономия, математика,

фалсафа, табобат ва бошқа табиий фанлар билан шуғулланган, лекин фан тарихида кўпроқ табиб сифатида машҳур. Абу Саҳл ал-Масихийнинг табобатга оид асарлари Ўзбекистонлик олима С.Каримова томонидан ўрганилган¹.

Абу Саҳл ал-Масихий тиббиёт соҳасига оид асарлар ёзиш билан бир қаторда, маънавий тарбия масалаларига мурожаат қилиб, куйидаги фикрларни билдирган. «Одам замондошларининг энг яхши сифатлари воситасида ўзини шакллантиради. Инсон ҳар қанча ақлли бўлмасин, жамият учун фойдали иш қилмаса, у қиммат эмас. Инсон кўп билса яхши, бироқ у ўз билимларини кенгайтирса, буюк бўлади. Ақлнинг хатти-ҳаракати ҳар ерда ўринли, подоннинг ҳаракатлари доимо қавфли», - дейди у. «Агар одам ўзини яхши билса, бу ажойиб сифат, аммо у ўз билимини янада тинмай ошириб борса, бунда у ҳақиқатан ҳам, улуғ одам бўлиб етишади»². Олимнинг бу фикрлари маънавий тарбия нуқтани назаридан қимматли.

Академиянинг яна бир машҳур вакили, буюк математик, астроном, атоқли шоир Абу Наср Мансур Али ибн Ироқ (958-1034 йй.) бўлиб, у Абу Райҳон Берунийнинг устози ва тарбиячиси.

Абу Наср Мансур ибн Ироқнинг «Подшо алмағити» китобида унинг маърифий тарбия ва педагогикага оид фикрлари баён этилган. Инсоннинг ақлий ривожига табиий фанлар аҳамиятига эътибор беради. «Риёзиёт ақлни чарқлайди ва тасаввурни мустаҳкамлайди. Бу фан тугалланмаган фикрни тушуниб олишга ўргатади, чунки унинг бошланғич қоидалари маълум, исботи эса осон. Унда зиддият кам бўлиб, ақлга қўмақлашади, ягона ғояни илғари суради», - деган эди³.

Ибн Ироқ ўз даврида «Батлимуси соний» деган фахрий ном олган. Ул зот Беруний, ибн Сино, Ҳаммор каби алломалар билан нафақат илмий мулоқот олиб борган, балки чин дўст ҳам бўлган⁴.

¹ Таълим муаммолари журнали Маъмур академиясининг 1000 йиллигига бағишланган. Махсус сони. 2006 йил. 1-сон. 25-бет.

² С.Ҳасанов. Хоразм маънавияти даргалари. -Т.: Адолат, 2001. -79-бет.

³ Таълим муаммолари журнали махсус сони 2006 йил. 1-сон. 76-бет.

⁴ Уша мавба, 9-бет.

Академиянинг яна бир аъзоси – Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Юсуф Илоқий (ваф. 1068). Унинг «Мухтасар ал-Илоқий» («Сабаблар ва белгилар ҳақида китоб»), «Куллиёти тиббий Илоқий» («Илоқийнинг тиббий тўплами») китобларига кирган асарлари билан оммалашиб кетган эди. Илоқий асарлари ибн Сино билан бирга турли мамлакатлар олимлари томонидан XV асрга қадар шарҳланиб, изоҳланиб келинган. Абу Абдуллоҳ Илоқий Абу Али ибн Синонинг энг яқин шогирди бўлиб, Гурганҷдаги касалхонани бошқаради. Абу Али ибн Синога ёрдамчи бўлади. «Илоқий Тошкент вилоятининг Оҳангарон туманида таваллуд топади. Уша вақтда бу воҳа «Илоҳ воҳаси» деб юритилган, Илоқий дастлаб Шош (ҳозирги Тошкент) мадрасаларининг бирида таълим-тарбия олиб, ўз билимини янада ошириш учун Бухорога, кейин Гурганҷда Маъмун академиясида фаолият кўрсатади. Бир қанча асарлар ёзди, амалий таъбат билан шуғулланади. Унинг ёзган асарларига XI-XIV асрларда шарқшунос олимлардан Муҳаммад Омилӣ, Муҳаммад Табиб ва бошқалар шарҳлар ёзишган. Олим инсонларда маънавий-ахлоқий сифатларни муомала маданияти орқали етказишни «Даволаш усуллари» асарида айтиб ўтади.

Ибн Синонинг шогирди Абул Қосим Абдураҳим Али ибн Абу Содӣқ Мутатабиб нафақат тиббиёт илми билан шуғулланган, балки истеъдодли файласуф ва ахлоқшунос ҳам бўлган. Гален асарларини ўрганган. Ўрта асрлар тарихчилари ёзишича, у ҳалол, адолатли, сўзга чечан ва босик одам бўлган.

Буюк аллома, кимёгар Абул Ҳаким ал-Қосий яратган «Санъатнинг моҳияти ва унинг ёрдами» асари арабчадан инглизчага таржима қилинган за 1905 йилда Ҳиндистонда чоп этилган. Муҳаммад Қосийнинг энг катта сизмати кимёвий элементларнинг ўхшашлиги ҳақидаги назарияни ривожлантиргани ва бойитганидир. У бир кимёвий элементни бошқаси билан алмаштириш мумкинлигини кўрсатиб берди. Кимёвий алмаштиришнинг кашф этилиши фармакология ривожига хизмат қилди. Элим кимё фани мисолида ёшлар маънавий-ахлоқий сифатларини ривожлантиришнинг илмий-услубий усуллари яратди.

Ахлоқшунослик муаммоларини тарғиб этган Абулхайр ибн Ҳаммор (942–1030 йй.) Маъмун академиясининг энг эътиборли олимларидан бўлган. Унинг «Табиблар билимини текшириш» китоби Хоразмшоҳ Маъмун учун ёзилган бўлиб, муаллиф уни ёш табиблар, шогирдлари учун амалий қўлланма деб билган. Академияда йнгирмадан ортиқ табобат олими фаолият юритган, ҳар бирининг ўз шогирдлари бўлиб, уларга китоб, дарслик, ўғит зарур эди. Ибн Ҳамморнинг Маъмун академиясидаги фаолияти унинг ҳаётида энг сермахсул давр бўлган. Ибн Абу Усайба гувоҳлик беришгача, у ўн бешта асар ёзган, шулардан тўрттаси «Инсоннинг яратилиши ва аъзолари тузилиши ҳақида», «Табиблар билимини текшириш», «Ал-Қоҳиний номи билан маълум касаллик ҳақида мақола» (Эпилепсия тури), «Кекса кишилар тартиби ҳақида». Ибн Ҳамморнинг илмий меросида илм ва маърифий-ахлоқий масалалар кенг тарғиб қилинган. У ўз асарларида нутқ маданияти, қаноат, саҳийлик каби хислатларни илгари суради¹.

«Маъмун «Мажлиси уламо»си тарқатилгач, Маҳмуд Ғазнавий Ҳамморни ўзи билан пойтахтга олиб кетади. Саройда Ҳаммор Султоннинг шахсий табиби вазифасини бажаради, умрининг охиригача уни даволади»².

Абу Муҳаммад ибн Хидр ал-Хўжандий (XI аср) машҳур олим. Унинг асарлари Маъмун академиясида юксак қадрланган. Академиянинг олимлари ал-Хўжандийни астрономик асбоблар яратувчиси ва «асрнинг ноёб ходисаси» деб таърифлайдилар. Унинг вақт бирлиги-сонияни белгилашдаги асарларини «беқиёс кашфиёт» деб атаганлар. «Абу Муҳаммад ибн Хидр ал-Хўжандий асосан риёзиёт ва фалакиёт билан шуғулланган. Биринчи бўлиб, у Ер ва осмон жисмлари орасидаги масофани ўлчайдиган асбоб-секстантини яратган. Кейинчалик бу асбоб «Хўжандий секстанти» деб аталган. Унинг «Геометриядан масалалар», «Арифметик рисола» асарларида математика соҳасида эришган натижалари билан инсонларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялашни ўз вақтида энг содда ва инсонларни тарзда исбот этган»³.

¹ Таълим муаммолари журнали махсус сони. 2006 йил. 1-сон. 73-бет.

² Бабашев Ф. Хоразм Маъмун академияси аломаларининг маънавий-ахлоқий қарашлари. II.ф.и. ... д.т.с. –Т., 2000. –73-бет.

³ Таълим муаммолари журнали махсус сони. 2006 йил. 1-сон. 76-бет

Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Юсуф ал-Хоразмий (ваф. 997) ҳам ўз даврининг энг йирик қомусий олимларидан саналади. Унинг «Мафотих ал-улум» («Илмлар қалити») асари фанлар ривожланиши тарихи ва таснифи бўйича ажойиб манба саналади. У ўзига хос қомусий асар, тушунчаларни ва улар мазмунини талқин қилиш услублари намунаси бўлиб, фикҳ, калом, ахлоқшунос, араб грамматикаси, иш юритиш, шеърийят назарияси, фалсафа, тиббиёт, математика, геометрия, мусиқа, кимё, жўгрофия, механика ва бошқа фанларга оид батафсил шарҳлар келтирилади. Мазкур асарда олим ўз олдига учта мақсад қўяди: биринчидан, маърифатпарварлик-толибларни фикҳ (мусулмон қонуншунослиги, ҳуқуқи); иккинчидан, ислом фалсафасининг аҳамияти билан таништириш; ўша даврдати Шарқда мавжуд бўлган дунёвий илмлар ҳақида тўлиқ ва батафсил маълумот бериш; учинчидан, мазкур асардаги фикрларнинг логикий баёни ва илмий мунозаралар ўзига ҳосликларга эга экани ва ўрта асрлар Шарқда кенг тарқалганлигидан далолат. Аллома барча фанларни икки гуруҳга: шариат илмлари («улум аш-шариа») ва фалсафий, яъни арабча бўлмаган («Улум ал-ансом») илмларига ажратади. Шариат илмларига фикҳ, калом, араб грамматикаси, иш юритиш, шеърийят назарияси, тарих, «ноараб» фанларга – фалсафа, логик тиббиётни, арифметика, геометрия, астрономия, мусиқа, жўгрофия, механика ва кимёни киритади. Шундай қилиб, «якки қисмдан иборат мазкур асарда ўн беш илм тўқсон уч бобда баён этилган».

Абу Абдуллоҳ ибн Юсуф ал-Хоразмийнинг илмий-маърифатчилик фаолиятидаги асосий хизмати педагогика тарихида Берунийдан кейин умумжаҳон фанларини шариат илмидан ажратиб, ҳар бир фанни умумлаштириб, илмий хулосалар қилгани, илғор ғояларни илгари сурганидадир. Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий ўз асарларида фарзандларни яхши тарбиялаш, уларга билим беришга катта аҳамият беради. Уларни ўз олдига ҳолис ният қўйиб, келажакка ишониб яшаш лозим, деб таъкидлайди. Ёмон одатлардан, айниқса, шаробхўрликдан сақланиш, гўзал одатлардан баҳраманд бўлишга ундайди. Абу Абдуллоҳ ибн Юсуф ал-Хоразмий

ижодига И.Ю.Крачковский қомусий манба сифатида ёндашган. У.И.Каримов, М.М.Хайруллаев, Г.П.Матвиевскаялар ҳам ўз ишларида Абу Абдуллоҳ ибн Юсуф ал-Хоразмий асарида илмлар таснифининг берилиши ҳақидаги баъзи бир маълумотларни келтирганлар.

Асарнинг «Кимё» бўлимини У.И.Каримов, риёзиётга оид бўлимини Г.П.Матвиевская, жўғрофияга оид бобларини С.Ҳасанов, механикага оид бўлимини М.М.Рожанская, маантиққа оид бобини А.Шарипов, шеърят ва арузга оид бўлимини М.Зиёвуддинова тадқиқ қилганлар¹. Асарнинг мазмуни ва аҳамияти ҳақида биринчи марта Р.Баҳодиров ўзбек тилида илмлар таснифини напш эттирганлар.

Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий ўз даврининг қомусшунос, луғатшунос, ахлоқшунос олими бўлган, унинг педагогикага оид қарашлари ҳақида Ф.Бабашев, И.Абдуллаев, С.Ҳасанов, М.Хайруллаев тадқиқотлар олиб боришган.

Маъмун академиясининг фаолиятига муносиб ҳисса қўшган буюк ватандошимиз Мусо ал-Хоразмий (783-850 йй.) Бағдоддаги «Байт ул ҳикма»да фаолият олиб бориб юнон олимлари асарларига шарҳлар ёзди, бундан Хоразм Маъмун академияси олимлари жуда мохирлик билан фойдаландилар. Бу ҳақда Мусо ал-Хоразмийнинг танланган асарлар китобида, Г.П.Матвиевская ва Б.А.Розенфельд, М.Хайруллаев, Т.Досчанов, М.Жуманиязовларнинг асарларида ва педагогика тарихи, педагогик антологияларда тўлиқ маълумот берилган.

Мусо ал-Хоразмийнинг педагогик ва маънавий қарашларини қуйидаги фикрда кўриш мумкин: «Ўтмиш даврларда ўтган халқларнинг олимлари улардан кейин келадиганларни назарда тутиб, фан бўлиmlари ва фалсафа соҳаларига оид асар ёзиб тинмаганлар, ўз кучларига муносиб мукофотга умид боғлаб, улар холис диллардан мақтов олиш: шуҳрат ва хотирадан умидвор бўлганлар, улар фан сирларини очиш учун чеккан заҳмат олдида бу ҳеч нима эмас. Улардан бири бошқасидан ўзиб кетиб, ҳали ўрганилмаганини ўрганди, ўзидан кейингиларга мерос қилиб қолдирди.

¹ Р.Баҳодиров. Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий ва илмлар таснифи тарихидан. –Т.: Ўзбекистон, 1995. –7-бет.

Бошқаси ўтганлар ипини шарҳлаб, мушкулини осон қилди, яширин нарсани очди, йўлини ёритди ва уни янада қулай қилди. Ёки айрим китоблардан нуқсонларни топди ва узилганларни бирилаштирди, ўз ўтмишдоши ҳақида яхши ўйлаб, унинг олдида кибрланмади, қилган ишидан мағрурланмади»¹.

Бу фикрлар буюк олимнинг маънавий дастури эди. Улар олимнинг педагогик қарашларини белгилашда юксак аҳамият касб этади.

Абу Райҳон Беруний (973-1048 йй.) фан тарихида қомусий олим сифатида ном қолдирган. Беруний инсон табиати, феъл-атвори ва жамиятдаги ўрнига баҳо берар экан, бу масалага маърифатпарварлик нуқтаи назаридан ёндашади. Инсоннинг табиати ҳақида фикр юритганда, у инсон хатти-ҳаракатининг ахлоқий асосларини инсоннинг ўзидан қидирган, ўзидан олдин ўтган мутафаккирлар каби шахс табиатидан келтириб чиқарган².

Беруний таълим-тарбия бирлигига баркамол, ақли ва маънавиятли инсонни тарбиялаш воситаси сифатида қарайди, меҳнат ва касб таълими, оила тарбияси ва тарбия бирлигини тавсия этади, ўз асарларида мутафаккир инсоннинг маънавий бойлигини шарафлайди, уни маданиятли ва маърифатли, ақли ва идрокли қилиб тарбиялашга чақиради; хотира, ақл, илҳом, қобилиятлари, тажриба ва кўникмаларга катта аҳамият беради. Беруний фикрича, билим инсонни улуглайди, эзгуликка, доноликка юрлайди. Бироқ мутафаккир комилликка юксак ақлий ва маънавий қислатларни татбиқ этиш жараёнида эришиши мумкин, дейди. Беруний билим инсонни тўғри йўлга бошлашига қатъий ишонган. «Киши табиати билолмаган нарсани билишга муҳаббатлидир, фақат ҳақиқий билимга эга бўлганда, билолмаган нарсани билишга эҳтиёжли бўлиб ахтарганини топди, билимини чуқурлаштиради... Билим қайтариш ва тақрорлаш левасидир»³.

К.Ҳошимов, С.Очип. Ўзбек педагогикаси антологияси. 1-жилд. –Т.: Ўқитувчи, -1995. -74-бет.

С.Ҳасанов. Хоразм маънавияти даргалари. –Т.: Адолат, 2001. -110-бет.

Ҳошимов К., Очип, Ўзбек педагогик антологияси. 1-жилд. –Т.: Ўқитувчи, 1995. -127-бет.

Беруний меҳнат тарбиясига катта эътибор берган. Мутафаккирнинг фикрича, ёшларнинг тўғри ривожланишида зарур шарт меҳнатдир. Айнан меҳнат – моддий бойликлар яратишнинг асосий омилли. Беруний ҳаёт ва бахтни меҳнатсиз тасаввур қилолмайди ва меҳнат билан тарбиялаш – инсон ҳаётининг асоси, деб билади. «Минералогия» ва «Геодезия» асарларида ёзишича, «Инсоннинг кадр-қиммати ўз вазифасини аъло даражада бажаришдан иборат: шунинг учун инсоннинг энг асосий вазифаси ва ўрни меҳнат билан белгиланади, инсон ўз ҳоҳишига меҳнат туфайли эришади»¹.

Беруний билим умуминсоний қадриятларни ўрганишнинг калити эканлигини уқтиради. Илм-маърифатли одам жамият тақдири учун курашувчан, барча ёмонликлардан узоқдир².

Ҳақиқатан ҳам, Берунийнинг ақли, билими ва касб-хунар ҳақидаги маърифий-педагогик қарашлари мазмунида барча эзгу ишларнинг асоси илму маърифатда эканлиги ҳақидаги гоа асосий ўринда туради. Абу Райҳон Берунийнинг меҳнатга муносабати эътиборга молик. Унингча, ақл, меҳнат ва уни эркин танлаш инсон ҳаёти ва ижтимоий ҳолатини белгилаб беради. Таълим асосида эса инсонларнинг энг олижаноб ниятлари – тушунтиш, ўзаро ёрдам, ўзаро манфаатлилик, эҳтиёжларни биргаликда қондириш, умумий қизиқишлар ётади. Алломанинг фикрича, бу эзгу фазилатлар ҳар бир инсоннинг ажралмас маънавий тамойилига айланмоғи лозим. Инсон ҳамisha бошқаларнинг манфаатлари, маълум вазифаларни бажариш зарурати ҳақида ўйлаши керак. Зеро, бу инсоннинг дунёда мавжудлиги тамойилидир³.

Буни эсда сақланг!

Беруний илмнинг инсонпарварлик асосларини қатъий ёқлаган ва бошқа олимларни бойлик ва интилиш, гаразгўйликдан қайтарган. Буни аллома ҳаётига оид фактлар ҳам тасдиқлайди. Бугунги кунимизгача етиб келган ҳикоятга кўра Беруний Султон Маъсуд томонидан унга «Маъсуд қонуни»

¹ Маънавият юлдузлари. М.Хайруллаев таҳрири. –Т.: А.Қодирий номидаги халқ мероси, 1999. -97-бет.

² С.Очил, К.Ҳошимов. Ўзбек педагогик антологияси. 2-жилд. –Т.: Уқитувчи, 1999. -126-бет.

³ Ўша манба, 130-бет.

китоби учун юборган мукофот – 250 кг соф кумушдан воз кечган, гарчи бу совға олимни газнавийлар империясининг энг бой кишиларидан бирига айлангириши мумкин бўлса-да, Беруний Султонга ўз жавобида бу юк уни илмий ишдан тўхтатишини, доно инсонлар эса олтин, кумуш кетиб қолишини, илмнинг қолишини билишларини айтади. Ақл амрига бўйсуниб, абадий илмий билимни қисқа муддатли зар ялтирашига алмашмаслигини таъкидлайди.

Шунга биноан, Беруний инсоннинг ўз ҳаёти ва жамият олдидаги вазифаларини белгилаб беради. Аллома фикрига кўра инсон зиммасига бошқа мавжудотларга нисбатан ўта масъулиятли вазифа юклатилган. Инсон табиатнинг олий такомил, инсоннинг маънавий қиёфаси унинг вазифасига мувофиқ бўлиши керак. Ҳар бир инсон ўз ишини аъло даражада бажариши юзим, уларнинг асосий мажбурияти ва вазифаларидан бири – меҳнат. Аллома айёрлик, очкўзлик, адолатсизлик, ёлгон, кўнгли бўшлик, иккиюзламачилик, лаганбардорликни қоралайди. Бу каби иллатларга эга бўлган инсон зўрлик, сохта гувоҳлик, хиёнат, ўзганинг мулкини талончилик, ўғирлик ва бошқа иллатларга қодирки, улар дунёни ва инсон отини бузади. Ёлгон хусусида Беруний шундай фикр билдиради – ёлгон юймо ростдан мағлуб бўлади ва сув юзасидаги кўпик мисол йўқолади, – дейди. Маънавийсиз инсон роҳат, фароғатнинг меъёрини билмайди, инсонлар ўз интилишларига кўра турлича. Улар бахт, роҳат ва ҳаёт назминини ҳам худди шундай тушунадилар. «Инсон зоти барча айвонлардан юқори туради... Ер юзини обод этиш учун ва уни бошқариб уриш учун... инсонга катта шараф кўрсатилган, унга ақл-заковат кучи рмуғон этилган»¹. Ақлли фақат абадий маънавий ишлардан роҳат қилади, одон эса асл қадриятни билмай, нигоҳини турли безак берилган, онгсиз

С.Ҳасанов. Хоразм маънавияти даргалари. –Т.: Адолат, 2001. –123-бет.

ҳайвонни ҳам ерга қаратади. Доно инсон маънавий роҳат олади, қачонки буни акли ва фикри билан бажарса ҳам нодон фақат жисмоний роҳатни ҳис қила олади. Ғайрияхлоқий сифатларга олим юксак инсоний фазилатларни қарши қўяди. Унингча, мамлакат равнақи маориф, фан ва инсоннинг маънавий камолоти билан белгиланади, қашшоқлик ва нодонликдан илм, билимларни тарқатиш ва тинимсиз меҳнат ёрдамидагина халос бўлиш мумкин.

Беруний мероси улкан бир хазинаки, унда илм, таълим-тарбиянинг мазмунига оид қимматли фикрлар кўплаб топилади.

Беруний маънавий тарбияда илмнинг ролини биринчи ўринга олиб чиқади. У инсонларни ўзида юксак маънавий фазилатларни тарбиялашга чақиради. Юқорида айтилганидек, халқнинг қашшоқлик ва нодонликдан фаз, маърифат ва меҳнат ёрдамида қутқариш мумкин, деб билади. Билим эгаллашни эса кўп куч, вақт ва сабот талаб қиладиган катта меҳнат ҳисоблайди. «Фанларнинг фойдаси – улар ёрдамида олтин ва қумуш тўшлаш эмас, балки керакли нарсалар ҳосил қилиш»¹.

Беруний ҳар бир инсоннинг мард, адолатли ва ҳақиқатгўй бўлишини, буни амалда бажаришни уқтиради. Уларнинг фикрича, мард инсон ёлғонга қарши курашиши ҳар қандай таъқиб ва хавф-хатарга қарамай, ҳақиқатни ҳимоя қилиши лозим. «Ростгўйликка ёпишган кишини бошқа одам у ёқда турсин, ёлғончининг ўзи ҳам севиб мақтайди», дейди Абу Райҳон Беруний «Ҳиндистон» асарида.

Буни эсда сақланг! Беруний ўз даврининг етакчи алломаси сифатида таълим ва тарбия бирлигини баркамол инсон тарбияси воситаси деб билган. Таълим, меҳнат ва оила тарбиясини биргаликда олиб боришни тавсия этган. Шу нуқтаи назардан таълим тамойилларини куйидагича кўриб чиққан: 1) онглилик; 2)

¹ С.Очил., К.Ҳошимов. Ўзбек педагогик антологияси. 2-жилд. –Т.: Уқитувчи, 1999. -128-бет.

кўргазмалилик; 3) тизимлилик ва изчилик; 4) асосланганлик; 5) назария ва амалиёт бирлиги; 6) дарсликка талаблар.

Алломанинг олим ахлокига оид фикрларини барча даврлар илм аҳиллари учун васият деб билиш мумкин. Булар сохтани ҳақиқийдан ажратиш, фан ривожда аниқ ва зарур ҳолатларни фарқлаш, илм-фанга содиқ бўлиш, фаннинг инсонпарвар асосларини ҳимоя қилиш. Шунинг учун ҳам алломанинг ижодий меросига оид А.Ирисов томонидан нашр этилган «Абу Райҳон Беруний. 1000 ҳикмат», Т. Досчанов, С. Ҳасанов томонидан нашр этилган «Маъмун Академияси юлдузлари», Т. Рауфов тадқиқот ишли, Б.Розенфельднинг «Абу Райҳон ал-Беруний» асари, А. Қаюмовнинг «Абу Райҳон Беруний, Абу али Ибн Сино» асари, М.Хайруллаев томонидан нашр этилган «Маънавият юлдузлари», «Педагогика тарихи» ва «Ўзбек педагогикаси антологияларида» муҳим маълумотлар берилганки, буларнинг барчаси Абу Райҳон Беруний ҳаёти, илмий-маърифий фаолиятига бағишланади.

Абу Райҳон Беруний маънавиятга алоҳида эътибор қаратади. У маънавиятни кадр-қиммат, шаън, яхшилик ва ёмонлик, адолат ва виждон сифатида эътироф этган. Берунийнинг инсон кадр-қиммати ва олижаноблиги тўғрисидаги фикрлари қизиқарли.

Буни биласизми! Берунийнинг илмий меросини ўрганиш шуни кўрсатадики, у маънавий сифатларга, яъни шаън ва кадр-қиммат, ўртоклик ва дўстлик, яхшилик, адолат ва виждон кабиларга алоҳида аҳамият берган. Беруний ёшларни сахий, инсонларга нибатан гамхўр ва эътиборли бўлишга, ҳамдардлик ва ёрдам кўрсатишга чорлайди, «яхшилик», «адолат», «ҳақиқат» сўзларининг маъносини жуда тўғри изоҳлайди. Табиатига кўра адолат маъқуллаш экани, моҳиятига кўра муҳаббат

қозонгани, гўзаллигига кўра ўзига тортгани каби ҳақиқатан ҳам, айнан шундайлигига бизни ишонтиради, деб билади алиюма. Ҳақиқатан ҳамма устозлар ҳақида фахрланиб, тўлқинланиб гапирса, ибн Ироқ шогирдиниң юксак маънавияти хусусида ана шундай фикр юритади.

Беруний дўстлик ва ўртоқликни «ҳаётнинг қимматбаҳо неъматини» деб билган. Дўстликнинг муҳим қирраларини очиб берадиган, олим ўқувчиларни ўзаро ёрдам ва ўртоқлик руҳида тарбиялашни талаб қилади. Унинг таъкидлашича, «Яқин дўсти бор киши чинакам бахтиёр кишидир. У дўст муносиби ҳаёт тарзига эга, ёқини хусусиятлар соҳиби бўлиши лозимдир. Ана шундай чин дўст қар бир кишида битта бўлади...»¹.

Марказий Осиё халқлари маданиятини дунё маданиятининг олдинги қаторига олиб чиққан етук аллома, табиб, ахлоқшунос олим Абу Али ибн Сино (980–1037 йй.) яхшилик, камтарлик, маънавият, ирода каби тушунчаларни фалсафий талқин қилган. У ўз ижодида маънавий сифатларни тарбиялашга алоҳида эътибор берган. Ибн Сино инсоннинг вазифаси меҳнат қилиб, ер юзида яхши ном қолдиришини бутун асарларида уқтириб ўтади. Буюк мутафаккир Ибн Сино ўзини бола қалбининг нозик билимдони сифатида намоён эта олган. Тарбия жараёнини у ақлий, жисмоний, эстетик, маънавий тарбия, шунингдек, хунар илмини ўз ичига олган ягона яхлит жараён сифатида баҳолайди. Унинг дидактик тамойиллари моҳияти қуйидагилардан иборат: таълим оддийдан мураккабга қараб бормоғи лозим. У боланиң мойилликлари ва қобилиятларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширишмоғи; машқлар бола учун тушунарли, унинг кучи етадиган бўлиши керак ва таълим жисмоний машқлар билан уйғунликда бўлиши зарур. Ибн Синовнинг педагогик қарашларидаги асосий ғоя бола тарбиясида агар муҳитнинг етакчи роль ўйнашидир. Комил инсон тарбияси, мутафаккир фикрича, бир кунлик иш эмас, шу боис болани сабр билан тарбиялаш зарур.

¹ С.Ҳасанов. Қоразм маънавияте даргалари. –Т.: Ақолят, 2001. –120-бет.

Буюк табиб, аллома Абу Али ибн Синонинг ёш авлод таълим ва тарбиясига оид қарашлари ўз вақти учун илғор ва замондошлариникига анча яқин бўлган. У Шарқда биринчилардан бўлиб, тарбиянинг қатъий тизими ва усулларини баён этган. «Тадбир ул-манзил», «Тиб қонунари», «Аш-шифо», «Уржуза фиттиб», «Донишнома» ва бошқа асарларида таълим ва тарбияга алоҳида бобларни бағишлаган. Ибн Сино бола тарбияси гўдакликдан бошланиши кераклигини уқтирган, тарбиячининг бугун эътибори бола характерини яхшилаш, парварিশнинг тегишлича йўналганлиги, истаган ва интиланган нарса доим мавжуд бўлиши, унинг ҳузурда у ёқтирмаган ишга йўл қўймаслигига қаратилишини боланинг ҳулқ-атворли қилиб тарбияланишига имкони яратилишини таъкидлаган. Унинг маънавий соғлиги, жисмоний саломатлиги ҳам тарбияга боғлиқлигини уқтиради ва шундай дейди «Ҳазаб кучли қиздиради, қайғу кучни қуритади»¹.

Тарбия, таълим ва ўқитиш мазмуни ҳақида гапирар экан, ибн Сино биринчи ақлий ривожланиш ва тарбия, иккинчи маънавий-ахлоқий тарбия, учинчи эстетик тарбия, тўртинчи жисмоний соғломлаштириш, унга тиббиёт хизмат қилади, бешинчи меҳнат тарбиясини назарда тутди. Ибн Сино ўзининг биринчи устози деб Иброҳим ал-Нотилийнни тан олади. Ал-Нотилий Бериунийнинг кекса замондоши, ибн Синонинг биринчи устози эди. Таълим ва тарбия мазмуни муаммосига ибн Сино фақат табиб эмас, балки етук педагог сифатида ҳам ёндашади. Ибн Сино фанларни қатъият билан ўрганиш, комилликка интилишга чақиради. «Тиб қонунари», «Мухаббат ҳақида рисола», «Кўнгул ҳақида рисола», «Қушлар ҳақида рисола», «Донишнома», «Ҳай ибн Яқзон», «Соломон ва Ибсол» ва бошқа асарларида ибн Сино маънавий тарбия масаларига тўхталиб, юксак ахлоқий сифатларни тарбиялашга оид аниқ маслаҳатлар беради. Олим инсонлардаги иккиюзламачилик, ёлғончилик, ўз манфаатига интилиш каби ишлатларни қоралайди. Унинг фикрича, тарбиячининг шахсий намунаси зарур. Зеро, катталардаги ёмон одатлар бола ҳулқининг шаклланишига салбий таъсир этади.

¹ Таълим муаммолари журнали махсус сони 2006 йил 1-сон, 64-бет.

Буни ёдда сақланг! «Насиҳат бобида уч мингта сўз ёздим, уч мингтадан уч калимани ташлаб олдим. Бу учтадан иккитасини эсда сақла ва бирини унутиб юбор: Худони ва ўлим ҳақлигини ёдингда тут, қилган яхшиликларингни унутиб юбор».

Ибн Сино

Инсон ҳатти-ҳаракатлари унинг ижобий ва салбий маънавий сифатлари сабабини Ибн Сино инсоннинг ўзидан излайди, уларни руҳий нуқтан назардан асослашга уринади. Инсон моҳиятини ундан ташқарида, деб уқтирган, уят, виждон, шаън ва шу каби ҳаракатларни асослаган диний ахлоқ олдиди, ақл «тасаввур» кучи билан иш кўриб, инсон фаолияти режаларини белгилайди. Олимнинг фикрича, ҳаракатдаги ақл инсоннинг ёлгон, зўрлик ва шу каби салбий ҳатти-ҳаракатларига таъсир ўтказди.

Ибн Сино 17 ёшидаёқ ёш табиб сифатида Сомонийлар давлатининг бошлиғи Нух ибн Мансурни даволаб, Сарой кутубхонасидан фойдаланиш имкониятига эга бўлади. Бу кутубхона ўша даврда Ўрта ва Яқин Шарқдаги энг катта ва бой кутубхоналардан саналарди. Бир неча йил давомида кечакундуз тинмай мутолаа қилиш натижасида Ибн Сино ўз билим доирасини мислсиз даражада кенгайтирдиким, у даврда шу қадар билимга эга бўлган бошқа бир кишини топиш мушкул эди¹.

Шундай қилиб, Ибн Синонинг амалий ақл ҳақидаги таълимоти кўпроқ маънавий таълимот, зеро, у инсон хулқи метёрларини қамраб олган. Ибн Сино билишнинг бола ақлий, маънавий, жисмоний, эстетик ва психологик ривожланишига ижобий таъсирини, бугунги кун тили билан айтганда, билиш фаолиятининг педагогик ўйланган ва ташкил этилган шахслараро мулоқот жараёни билан узвий боғлиқ жамоавий шаклларини алоҳида таъкидлайди.

Абу али ибн Сино ҳақида унинг «Тиб қонунлари», «Тиббий ўғитлар», «Абу Али ибн Сино таржимаи ҳоли», Абу Бакр ар-Розий, Абу Бакр ибн

¹ Каримов У., Каримова С. Абу Али ибн Сино. Тиббий ўғитлар. Т. Мехнат 1991 йил 5-бет.

Жафар Наршахий, Ю.Арузметов ва К.Юлдашев, И.Абдуллаев асарларида муккамал маълумот ва аниқ шарҳлар берилган. Ибн Сино ҳақида жуда кўп олижаноб фикрлар айтилган. «*Мен дунёга Абу Али ибн Синодек буюк инсонни тақдим этган қадимги ўзбек ерига таъзим қиламан*», - деб ёзади АҚШ сенатори Эдвард Кеннеди. Бу айтилган илиқ сўзларнинг барчаси Маъмун академиясига бориб тақалади¹.

Замонасининг машҳур олими, табиб ва ахлоқшунос Исмоил Журжонийнинг «Захирайё Хоразмшоҳий» (Хоразмшоҳ хазинаси) асарида маънавиятта оид қарашлари ўз аксини топган. Олим илмга интилиш зарурлигини таъкидлаб, ҳатто илмга муҳаббати бўлгани учун шоҳни қўллаб-қувватлайди. Унинг фикрича, «билим одамларга Хоразмнинг иқлим шароитига мослашишига ёрдам беради. Бир томондан, иқлими яхши, паррандалари кўп, унинг гўшти ширинроқ. Суви – машҳур Жайхун суви. Ҳар бир дала, агар шу сув билан яхши суғорилса, юқори ҳосил беради, ўсимлик дунёси бой, кўшлаб гиёҳлар доривор. Хоразм ҳавосидан нафас олган, доривор гиёҳларини истеъмол қилган киши соғлом бўлади, мияси яхшироқ ишлайди. Бунинг учун, албатта билимга эга бўлиши зарур. Бошқа томондан, бу ерда иссиқ ҳавода маҳсулотлар тез бузилади, уларни истеъмол қилиш турли касалликларни келтириб чиқаради. Совуқ пайтларда шамоллаш, тумов кўп тарқалади. Касалликларнинг олдини олиш учун Журжоний инсонни овқатдан ўзини тийиш, ичимликларни истеъмол қилмаслик, жисмонан ва маънан озода бўлиш, ўзига ишончли суиистеъмол қилмаслик, ҳалол бўлишни маслаҳат беради. Табиблар хасис бўлмаслиги керак. Ўз ишини яхши билиши лозим. Зеро, инсон тақдири уларга ишониб топширилади», деб уқтиради².

Бу маънавий сифатлар унинг барча асарларига сингдирилган. Шунинг учун улар шахснинг касбий ҳамда маънавий сифатларини эгаллашлари учун муҳим аҳамият касб этади.

¹ Таълим муаммолари журнали махсус сон 2006 йил 1-сон, 68-бет.

² Байҳақи Татимат Сиван ал-ҳикма СВР 1, №286/ 1448. 144-бет.

Шоир ва машҳур аллома Муҳаммад Сухайлий (X аср) таълим ва тарбия билан бевосита шуғулланган, унинг асарларидан кейинги авлодлар тарбия топган. Бу асарлар Ўрта Осиё ва умуман, дунё халқлари маданияти ва маорифи ривожига катта таъсир кўрсатган. Муҳаммад Сухайлийнинг маърифатчилиги – педагогик фикр тараққиётидаги буюк хизмати ҳам шунда. Алломанинг маънавий-маърифий соҳаларга оид фикрлари бугун ҳам ўз тарбиявий аҳамиятини йўқотмаган.

Маъмун академияси ҳақидаги қимматли маълумотларни Абу Мансур Абдумалик ибн Муҳаммад ибн Исмоил ас-Саолибийнинг «Йатимат ад-даҳр фи маҳосин аял ал-аср», Абу Наср ал-Утбийнинг «Тарих ал-йамини», ибн ал-Асирнинг «Комил фи тарих», ибн Халиқнинг «Вафақат ал-айан», Каҳалийнинг «Муждан ал-муаллифин», Али Муҳаммаднинг «Кундуз ал-ажод», Муҳаммад Маҳдий ал-Басирийнинг «Фи-л-адаб ал-аббаса» асарлари ҳақида замондош олимларимиздан В.Альвардита, К.Брокельман, Э.Видеман, И.Ю.Крачковский, И.Абдуллаев, С.Ҳасанов, Ф.Бабашев тадқиқотларида маълумот берилган бўлиб, педагогика тарихини ўқитишда талабаларнинг маънавий сифатларини тарбиялаш мақсадида кенгайтирган ҳолда фойдаланиш лозим.

Ижтимоий-гуманитар туркумдаги фанлар бўйича буюк қомусий олим Абу Мансур ас-Саолибий 961 йилда Нишопурда туғилган, шу ерда бошланғич таълим олган. Алломага амир ва шоир Абул Фади ал-Миколоий ҳомийлик қилган. Саолибий савдо ишлари билан ҳам шуғулланган. Шу боисдан кўп ўлкаларда бўлиш имконига эга эди. Чунончи, 992-993 йиллари Саолибий Бухорога келади. Бу шаҳарда ҳам олиму фозиллар давраларида бўлиб, кўплаб дўстлар орттиради, мушоираларда иштирок этади. Бир қанча вақт ўтгач, аллома Хоразмга, яъни Маъмун саройига йўл олади. Саолибий ўзининг Хоразмшоҳ саройига келиш сабаблари, у ердаги ижоди ҳақида куйидагиларни ёзади: «Китобнинг («Йатимат ад-даҳр» асарининг) дастлабки уч бўлимини тугатгач, замон (ўзгарди), ҳаётим турли тўсиқ ва бахтсизликларга дуч келди... Хоразмшоҳ Абул Аббос саройида бўлиш муаллифга (Саолибийга) ижобий таъсир қилди, амирнинг феълидан илҳомланиб, қўлёзмани унинг кутубхонасига лойиқ ҳолатга келтирди»¹.

¹ Таълим муаммолари журнали матбус сони 2006 йил 1-сон, 25-бет.

Ас-Саолибий ўзи яратган барча асарларида саҳийлик, мурувватчилик, билимлилик, яхши ҳулқ-аъвоқ, ширинсуханлик ва суҳандонлик хислатларини улуғлайди. Унинг «Ажойиб маълумотлар» асарида турли тоифадаги кишиларнинг фазилатларига маъсус боб бағишланган. Зино қилиш, ёлгончилик, ҳийлагарлик, бахилик, зоминлик каби салбий иллатларни қоралаб, ўз фикрларини мисоллар орқали тасдиқлайди. Масалан, бошликларнинг айблари ҳақида ёзар экан, Абу ал-Алонинг «Бошлиқ бўлишчиликдан ман қиладиган нарсаларини фақат бошлиқлардагина учратганмиз, ҳолос. Булардан биринчиси йишиқ: Абу Жаҳл мўйлаби чиқмай туриб, қурайшларга бошлиқ бўлди...» деган сўзларини баён этади.

«Араб тилидан фойдаланишда одоб кўши» рисоласи ўз икми билан одоб-ахлоққа доир яратилган асар. Ас-Саолибий Хоразмшоҳ Маъмуи ибн Маъмунига бағишланган «Метонимиялар ва имо-ишоралар» китобида тизмалар ва оғла, хизматкорлар ва бошқаларга ишлатиладиган, таомларнинг айрим турларига ишлатиладиган метонимиялар, пасткашлик ва қабиҳликка таалуқли, вақт ва ичимликларга ишлатиладиган метонимиялар, метонимия ва имо-ишоралар билан боғлиқ санъат турлари ҳақида фикр юритади.

«Нотиклик хислатлари ва мукаммал нутқ сирлари» асарининг мазмуни ҳақида Саолибий кириш қисмида «Китобнинг айрим қисмларида дунёдаги энг ёруғ юлдузлар, энг юксак фазилатлар соҳиблари бўлган асримиз нотикларининг насрий (ибораларини) йиғдим, уларнинг айрим қисмларини, шеърларини «Йатимат ад-даҳр» асаримда жойлаштирган амир-шоирлар асарларидан намуналар, машқлар келтирдим», дейди¹.

«Канна ал-қуттаб» асарида эса, хат ёзиш ва шеърлар битиш санъати, саломлашиш ва ҳади қилиш санъати, таъзия, бағишлов ва улар билан боғлиқ удувлар, яхши ҳулқ, таҳсинлар ва улар билан боғлиқ нарсалар; узр сўраш, ҳамдардлик билдириш, ёрдам сўраш, яхшилик қилиш, ўзгаларнинг ҳурмати қозониш, салбий хатти-ҳаракатларни ифодалаш, мақоллар, ҳикматли сўзлар ва ахлоқ ҳақида, бахтсияликдан қутилиш, номоз ўқиш ва

¹ И.Абдуллаев. Поэзия на арабском языке в Средней Азии и Хорасане X - начала XI в. -Т.: Фан, 1984. -18 стр.

бошқалар ўша давр кишиларига қўлланма бўлиш билан бирга ҳозирги даврда ҳам ёшларда маънавий сифатларни ривожлантиришда катта аҳамият касб этади¹. Бундан ташқари «Китоб латиф ал-маориф (Ажойиб маълумотлар)» асарига ҳам инсонга хос бўлган меҳнатсеварлик, сахийлик, меҳмондўстлик хислатлари ва давлатни бошқариш масалаларини ёритади. Салбий иллатлар – зино, ёлғончилик, ҳийлагарлик, бахиллик, золимлик кабиларни қоралаб, баъзи ҳукмдорларнинг давлатни бошқаришдаги ижобий хислатларини тавсифлайди.

Маъмун академияси олимларининг маънавий-маърифий қарашларида талаба-ёшларнинг маънавий қиёфаси, сифатлари, ақл ва билим, ижодкорлик, ҳуқ-одоб, мулоқот, инсоний муносабатлар, тинимсиз меҳнат ва меҳнатсеварлик, соғлом турмуш тарзи каби маънавий сифатлар улуғланиб, булар инсон ва унинг камолоти, юксак ахлоқийлик, билимлилик, унинг кўп қирралиги ва чуқурлиги, соғлом турмуш тарзи, жисмоний саломатлиги каби масалалар ёритилган. Мазкур академияда таълим жараёнида мустақил таълим, устоз-шогирд таълими муаммоларини ҳал этишда мунозара, баҳс, суҳбат, савол-жавоб методлари кўпроқ қўлланилган. Шунингдек, нотиклик санъатига ҳам катта эътибор берилган. Ўз устида мустақил ишлаш, тадқиқотчилик ва ўз фикрини исботлаш, мантикий фикрлаш, нутқ саводхонлиги ҳам муҳим саналган. Бу борада суҳбат, маърузалар, мунозара, баҳс, ўз фикрини исботлаш, маслаҳат, ўғит, ишонтириш асосида маънавий юксакликка интилишда намуна кўрсатган нотиклар беллашуви каби таълимнинг шакл, услуб, усуллари қўлланилган. Булар ибн Мискавайхнинг «Дунё халқлари тажрибаси», «Абадий ақл», ас-Саолибийнинг «Қизикарли хабарлар», «Метонимия ва мимика», «Нутқ сирлари», «Мирзалар китоби» ва бошқа олимларнинг таълимий-ахлоқий асарлари орқали ҳаётга жорий этилган.

Гурганч ҳақида замонасининг машҳур сайёҳи, географ Ёқут Ҳаммавий «Мен... бундан буюкрок, бойроқ ва кўркамроқ шаҳарни кўрмаганман...»², -

¹ Бабашев Ф. Хоразм Маъмун академияси олимларининг маънавий-ахлоқий қарашлари п.ф.н. ... дисс. –Т., 2000. -93-бет.

² Таълим муаммолари журнали махсус сони 2006 йил 1-сон, 48-бет.

деб ёзган эди. Маъмун академияси ҳақида сўз юритганда, шуни ҳам айтиш керакки, ҳозирга қадар унинг тарихи ва фаолияти тўлалигича, чуқур илмий ўрганилмаган. Холбуки, Маъмун академияси ўз замонасининг машҳур илм-фан бешикларидан бири эди. Назаримизда бунга асосий сабаб мўғуллар (1218-1370) босқини ва рус империяси истилоси йилларида олиб борилган мустахлакачилик сиёсатининг таъсири ва унинг маънавий оқибатидан бошқа нарса эмас.

Биз Маъмун академиясининг буюк олимлари фаолияти ҳақида шуни таъкидламоқчимизки, IX-XII асрларда араб истилосидан кейин шундай ижтимоий-иқтисодий, маданий, ғоявий – ахлоқий шарт-шароитлар юзага келдики, булар Маъмун академияси олимларига ўз қобилиятини намоён этиш, жаҳон илм-фани, цивилизациясига муносиб ҳисса қўшиш имконини берадиган илмий марказлар яратилишига асос бўлди. Маъмун академияси олимларининг маънавий-маърифий қарашлари бугунги ёшлар тарбияси учун қимматли бўлганлиги учун ҳам «Педагогика тарихи» курси мазмунига ушбу қарашларни синдиришга ҳаракат қилдик. Маъмун академияси алломалари инсон учун билиш – олий бахт, деб ҳисоблаганлар. Зеро, унга ақл-идрок берилган.

Интерфаол методлар (Кластер усули)



Демак, чинакам инсон шахсий ва ижтимоий ҳаётини ақл ва адолат талабларига мувофиқ қурмоғи лозим. Улар тинчлик ва халқлар ўртасидаги дўстлик тарафдори бўлганлар, уруш оқибатида фан ва маданият заволи топишига қарши турганлар, ўз асарларида ижтимоий тараққиёт негизги маданиятлар ва илим-фаннинг бирлашуви эканини исботлаганлар. Инсон табиатида барча салбий қирраларини қоралаб, азгулик, саховат, олижанобликни улуғлаганлар. Демак, мутафаккирлар инсоннинг маънавий хатти-ҳаракатлари ва ахлоқни унинг ўзидан излаганлар.

Таянч тушунчалар: Маъмур академияси, Беруний, Ибн Сино, Илоқий, Журжоний, тиббиёт, таржима, Бағдод академияси, Ал-Хоразмий, Жавҳарий, фалсафа, ахлоқшунослик.

Мавзу юзасидан тест топириқлари

Маъмур академияси олимларининг маърифий қарашлари орқали талабаларнинг маънавий сифатларини тарбиялаш мавзуси юзасидан

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов «Хоразм Маъмур академиясини тиклаш» тўғрисидаги Фармони нечанчи йили қайси ойда белгилаб берилди?

- А. 1998 йил ноябр
- Б. 1997 йил ноябр *
- С. 1998 декабр.
- Д. а ва с.

2. Маъмур академияси Хоразмдан олдинроқ қаерда таъкил топган эди?

- А. Бухорода
- Б. Бағдодда. *
- С. Хурсонда.
- Д. Эронда.

3. IX-XII асрларда Марказий Осиё маданияти ривожланти ўша даврда қайси қомусий олимлар дунёга келди?

А. Ал Фарғоний, Фитрат, Бехбудий, Чўлпон, Хоразмий.

Б. Хоразмий, Беруний, Форобий, Фарғоний, Ибн Сино, Замахшарий
Марвазий, Югнакий, Юсуф Хос Ҳожиб, Илокий, Жавҳарий. *

С. Бухорий, Марвазий, Жавҳарий, Хоразмий.

Д. тўғри жавоб берилмаган.

4. Шарқ уйғониш даврида ташкил этилган биринчи академия.

А. «Боболар мероси» академияси

Б. «Байтул - ҳикма». *

С. Ислом маданияти.

Д. а ва с.

5. Шарқ уйғониш даврининг биринчи йўналиши IX-XII асргача давом этган, бу йўналиш неча этапга бўлиб ўрганилган?

А. 1 этапга бўлган «Шарқ уйғониш даври маданияти».

Б. 2 этапга бўлиб ўрганилган. 1-Маъмур академияларига асос солган олимлар Бағдод ва Хоразмда (IX-X асргача). 2-XI-XII асргача (Замахшарий Койковус, Югнакий, Юсуф Хос Ҳожиларнинг педагогик мероси). *

С. Тўғри жавоб берилмаган.

Д. а ва б.

6. Маъмур академияси фаолиятини ривожлантиришда Беруний, Ибн Сино билан яна қайси олим кўпроқ фаолият олиб борди?

А. Марвазий.

Б. Абу Абдуллоҳ Илохий. *

С. Жавҳарий.

Д. Хоразмий.

7. Хоразм Маъмур академияси билан Бағдоддаги академиянинг фарқи нимада?

А. Фарқи деярли йўқ.

Б. Бағдоддаги академия фаолиятни таржимага бағишлади Юнон илмини раб тилига таржима қилиш билан шуғулланади, Хоразм Маъмур академияси фаолиятни таботатга ҳамда аниқ фанларни ўзлаштиришга бағишлади. *

С. Иккиласида ҳам фаолият бир хил бўлиб уларга таржима билан шуғулланишган.

Д. Деярли бир хил фаолият олиб борган кўпроқ таботат билан шуғулланишган.

8. XV асрга келиб Моварауннаҳрда яна қандай академиялар фаолият либ борди?

А.Моварауннаҳрда Насриддин Тусий, Самарқандда Улуғбек академияси*

Б. Самарқандда Улуғбек, Андижонда Бобур Мирзо академияси.

С. А.Темур академияси, М.Улуғбек Академиялари фаолият олиб борган.

Д. Тўғри жавоб берилмаган.

9. Хоразм Маъмур академиясининг тарқалиб кетишга сабаб нима?

А. Ғазна ҳукмдори Султон Маҳмуднинг Хоразмга юриши. *

Б. Салжукийлар давлатини барпо этилиши.

С. Ғазнавийлар давлатининг асос солиниши.

Д. Қорахонийлар давлатининг ҳукмронлиги.

10. Хоразм Маъмур академиясига оид илмий тадқиқот олиб борган педагог олимлардан қимларни биласиз?

*А.М.Жуманиезов, С.Ҳасанов, Г.Машарипова, Ф.Бабашев, М.Аҳмедова.

Б. Б.Қосимов, Э.Маҳмудов, М.Хайруллаев.

С. А.Зиёев, Э.Давронов, Қ.Назаров.

Д. Тўғри жавоб берилмаган.

Маъмуз юзасидан савол ва топшириқлар:

1. Маъмун академиясида фаолият олиб борган олимлар ҳақида нималар биласиз? Ёзма равишда баён этинг.
2. Абу Наср ибн Ироқ ҳақида қандай маълумотга эга бўлдингиз?
3. Абу Саҳл – Масихий маънавий тарбияга оид қандай фикрларни илгари суради. Изоҳлавг. Конспектлаштиринг.
4. Абу Абдуллоҳ Йлоқий асарлари Фарбда Инб Сино билан турли мамлакатлар олимлари томонидан XV асрга қадар шарҳланиб, изоҳлаб келинганигининг боиси нимада?
5. Олимнинг таржимаи ҳоли ҳақида нима биласиз?
6. Абу Содик Мутабиб қандай олим бўлган? Изоҳлаб беринг.
7. Абулхайр ибн Ҳаммор Маъмун академиясининг энг обрўли олимларидан бири бўлган? Сизнинг фикрингиз? Изоҳлаб беринг.
8. Абу Муҳаммад Хидр ал-Ҳўжандий академиядан қайси фан билан шуғулланишган? Конспектлаштиринг.
9. «Мафотиҳ ал-улум» (Илмлар қалғи) асарининг муаллифи ҳақида қандай маълумотларга эга бўлдингиз? Изоҳлаб беринг.
10. Мусо ал-Хоразмий 783-850 йилларда Бағдоддаги Маъмун академиясида қандай ишларни амалга оширди.
11. Бағдод академиясида фаолият олиб борган Шарқ олимларидан яна кимларни биласиз?
12. А.Р.Беруний Хоразм Маъмун академиясини бошқарганда унга ёрдамчи, вазир вазифасини бошқарган олим ким бўлган?
13. Болани сабр билан тарбиялашни Ибн Сино қандай таърифлайди.
14. Сиз Маъмун академияси фаолиятига оид яна қандай манбалар билан танишдингиз? Конспектлаштиринг.
15. Хоразм Маъмун академияси фаолиятининг бугунги кундаги ишлари ҳақида фикр юритинг.
16. Интернет орқали Хоразм Маъмун академияси фаолияти билан танишиб чиқинг ва конспект тузинг. E-mail: mamun@uzsci.net. Web. саҳифа: mamun.fan.uz.

Тавсия этиладиган манбалар

1. Таълим муаммолари журнали. Маъмун академияси 1000 йиллигига бағишланган махсус сони. 2006 йил 1-сон.
2. Ф.Бабашев. Хоразм Маъмун академияси алломаларининг маънавий-ахлоқий қарашлари. П.ф.н. ... дисс. –Т., 2000. -145-бет.
3. А.Баҳодиров. Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий ва илмлар таснифи арихидан. –Т.: Ўзбекистон, 1995. -142 б.
4. К.Ҳошимов, С.Очил. Ўзбек педагогикаси антологияси 1-жилд. –Т.: Ўқитувчи, 1995. -458-бет.
5. Маънавият юлдузлари / М.Хайруллаев таҳрири. –Т.: А.Қодирий юмидаги халқ мероси, 1999. -400-бет.
6. С.Ҳасанов. Хоразм маънавият даргалари. –Т.: Адолат, 2001. -208-бет.
7. Каримов У. Каримова С. Абу Али Ибн Сино. Тиббий ўғитлар. –Т.: Меҳнат, 1991. -186-бет.
8. Байхаки Татимат Сивон ал-Ҳикма СВР 1, № 286 / 1448.
9. И.Абдуллаев. Поэзия на арабском языке в Средней Азии и Хорасане X – начала XI в. –Т.: Фан, 1984. -294-стр.
10. Маъмун академиясининг бугунги фаолияти ҳақида Интернет сайти. E-mail: mamun@uzsci.net. Веб-саҳифа: mamun.fan.uz.

3. Шарқ мутафаккирлари педагогик таълимотида талабаларнинг маънавий сифатларини ривожлантиришнинг ястиқболли режалари шакл ва услублари

Илдизлари узок ўтмишга бориб тақаладиган халқимизнинг маънавий адриятлари азалдан умуминсоний гоълар билан уйғунлашиб кетган. уғунги кунда маънавият тарбияси билан шуғулланувчи ҳар бир утахассиснинг вазифаси аждодларимиз асрлар мобайнида яратган маънавий меросни ўсиб келаётган авлод, бутун халқимиз мулкига йлантиришдан иборат, токи бу мерос ўзбек халқининг фаровонлиги, ксак маънавияти, давлатимиз кудратини оширишга хизмат қилсин.

Бурч, қадр-қиммат, виждон, адолат, поклик ва шу каби тушунчала халқда қадимдан маънавий-ахлоқий меъёрлар сифатида файласуфлар мутафаккирлар, педагоглар эътиборини жалб этиб келган. Бу соҳалар бағишланган ишларни тадқиқотчи А.Ж.Муратбаева¹ уч гуруҳга бўлади Биринчи гуруҳга муаллиф ал-Бухорий, ат-Термизий, ал-Ғаззолий, Аҳма Яссавий ва бошқаларнинг асарларини киритади. Улар инсон абадийлигининг яхши номи, эзгу амалида деб кўрсатади. Шу сабабли маънавий мезонларига бўйсуниб, инсонни эзгулик ва мурувватга чорлайди.

Иккинчи гуруҳга Сукрот, Арасту, Диоген, Морк, Аврелий, Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Алишер Навоий, Абдулла Авлоний, Аба Кўнанбоев, К.Рерих, Н.Рерих, И.Кант кабиларнинг асарларини киритади. Бу мутафаккирлар маънавий тушунчаларни инсоннинг маънавий сифатлари жиҳатидан ёритадилар. Бу сифатлар инсонларнинг ўзаро муносабатларида яхшилик, ҳалоллик, адолат, меҳр-шафқат, ўзаро ёрдам кабиларни тушунишга кўмаклашади. Масалан, Форобийнинг таъкидлашича, «ўзида ўл икки туғма хислатни бирлаштирган кишигина маънавий ахлоқли одам бўлади»².

А.Ж.Муратбаева учинчи гуруҳга замонавий тадқиқотчилар асарларини киритади, уларда маънавий-ахлоқий сифатлар бошқа умуминсоний қадриятлар билан алоқада, инсонлар фаолиятида яхшилик ва ёмонликни баҳолашда намоён бўлишини таъкидлайди.

И.Абдуллаев, Х.Алиқулов, О.Алеуов, М.С.Имомназаров, Ж.Туленов М.М.Хайруллаев, Э.Юсуповларнинг фикрларига таянган ҳолда, тадқиқотчи инсон ўзининг олий мақсадига эришиш ҳамда тинч ва фаровон яшашни истар экан, у маънавий-ахлоқий меъёрларга мувофиқ иш кўради, дейди.

Ўқитувчи ўтмиш ва буюк олимларнинг бой педагогик мероси улкан манба эканлигини, уни фақат педагогика бўйича маърузаларда тўлалигича ўрганиш ва ўзлаштириш мумкин эмаслигини, талабалар мустақил ишлаш жараёнида бу борадаги билимларини янада бойитишлари мумкин ва лозим эканлигини уқтиради ва далиллар билан асослайди.

¹ Муратбаева А.Ж. Нравственные ценности народа и их значение в духовном возрождении Узбекистана. Автореф. дисс. ... к.п.н. –Т., 2000.

² Форобий фозил одамлар шахри. Тузувчи М.Маҳмудов. –Т.: Халқ мероси, 1993. –186-бет.

Шунингдек, ўқитувчи Ўрта асрлар қомусий олимларининг педагогик еросини янада кенг ёритиш мақсадида махсус курс ва семинарлар, мақуляттив машғулотлар ўтказиши ҳам мумкин.

Талабалар учун ўтказиладиган махсус курс ва махсус семинарларда таълим академиясида фаолият кўрсатган қомусий олимларнинг педагогик ероси ва маънавий сифатларни шакллантириш ва ривожлантиришнинг нақли ва услублари белгилаб олинади ва керакли манбалар тавсия этилади.

Маъруза олий таълим муассасаларида таълимнинг асосий шакли ҳисобланади, ҳар бир маъруза талабаларга тайёр илмий ахборотлар беради, уларни зарур назарий билимлар тизими билан кураштиради, ўрганилаётган аслага қизиқишни орттиради. Бироқ ўқитувчининг билимлари қанчалик энг ва чуқур, педагогик маҳорати қанчалик юксак бўлмасин, у қайси техник ёрдам ва коммуникатив воситалардан фойдаланмасин, маъруза натижасидагина ўз олдига турган вазифаларни муваффақиятли ҳал эта олмайди.

Маърузада ўқитувчи асосий билимларни маълум қилади, талаба эса (ўз қобилияти, малакаси даражасида) маълумотларни тинглайди, қабул қилади.

Талабаларни «Авесто»да баён қилинган педагогик фикр ва ғоялар, Ўрта аср мутафаккирларининг педагогик таълимоти ҳамда Маъмур академияси аъзолари-Мусо ал-Хоразмий, Аҳмад ал-Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Абу Наср ибн Ироқ, Абу Саҳл Масиҳий, Абулхайр ибн Ҳаммор, Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий, Абу Али ибн Мискавайх, Абу Мансур ас-Саолибий кабиларнинг маънавий сифатларига оид қарашлари билан таништиришга бағишланган махсус курс ва махсус семинар услублари ва тезкор ўйин дарс машғулотлари ишлаб чиқилди.

Махсус курс ўқитувчилари учун қуйидаги услубий тавсияларни ҳавола қиламиз:

Маъмур академияси олимлари Абулхайр ибн Ҳаммор, Абу Наср ибн Ироқ, ибн Сино, Беруний, Абу Саҳл Масиҳий, Абу Али ибн Мискавайх, Абу Мансур ас-Саолибий, Абу Абдуллоҳ Илоқий (ваф.1068), Муҳаммад ибн Хидр ал-Хўжандий (XI аср), ал-Муттабиб (X-XI аср), Абул Ҳаким ал-Қосий (X-XI аср), ал-Хоразмий (XI аср) ва бошқалар ҳаёти, илмий қобилияти ва педагогик ғояларини ўрганишга бағишланган машғулотларда:

- уларнинг ҳаёти ва ижодида оид маълумотлар;
- илмий фаолиятидаги асосий йўналишлар;
- улар ёзган ва бизгача етиб келган асарлари;
- педагогик фикр ва ғояларининг ўзига хослиги;
- улар қўллаган маънавий тушунчалар;
- мутафаккирлар ишгор фикр ва ғояларининг бугунги кунда олий таълим муассасаларида педагогика тарихини ўқитиш, талабаларнинг маънавий сифатларини тарбиялашдаги аҳамияти ҳақида маълумот бериш керак.

1- машғулот

Биринчи машғулотда ўқитувчи махсус курснинг вазифалари, илм-ушлублирини ёритади, унинг зарурлиги, аҳамиятини асослаб беради, Маъмуу академияси қомусий олимларининг педагогик мероси талабаларнинг касбий шахсий ва маънавий сифатларнинг тарбиялашдаги таъсири ҳақида тўхталади.

Бундан ташқари, алломаларнинг ҳаёти, илмий фаолияти, педагогика ва маънавиятга оид ғояларга ҳамда бадий адабиётлар, сахна асарлари, бошқа материаллар билан таништиради, маъруза ва махсус адабиётлардан қайдлар ва кўчирмалар олишга оид маслаҳатлар беради.

2-машғулот

Ўрта асрда Шарқ мамлакатларида илм-фан ва маданиятнинг жадал ривожланиш омиллари баён қилинади.

3-машғулот

Ўқитувчи талабаларни зардуштийлик ва унинг муқаддас китоби-қадимги ёзма маданий ёдгорлик «Авесто», ундаги педагогик қарашлар, инсоннинг маънавий тарбиясига оид ғоялар, улар қўллаган маънавий сифатлар билан таништиради. Бу ғоя ва қарашларнинг бугунги кундаги аҳамиятига тўхталади.

4-машғулот

Абу Абдуллоҳ ибн Юсуф ал-Хоразмийнинг ҳаёт йўли, унинг илмий фаолияти, асарлари, математика фани ривожланишида тутган ўрни, ёшларнинг маънавий тарбиясига оид педагогик фикр ва ғоялари билан таништирилади.

5-машғулот

Абу Райҳон Берунийнинг ҳаёти ва илмий фаолияти. Табиий ва педагогика ҳамда ижтимоий фанлар ривожига қўшган ҳиссаси. Берунийнинг табиатга, фан асосларини эмпирик ўрганишга муносабати, ишларда маънавий сифатларнинг ривожланиши, унинг маънавий эришлари ва қўшилган қўшимчаларида бош омили – меҳнат эканлиги ҳақидаги фикрлари. Маъмун академиясининг асосчиси сифатидаги фаолияти.

6-машғулот

Абу Али ибн Синонинг ҳаёти ва фаолияти. Илмий фаолияти. Табиат ва илм ривожидagi беҳиёс хизматлари.

Инсон фаолиятида ақлий, жисмоний, маънавий ва меҳнат тарбияси илмнинг ҳақидаги қарашлари, шахснинг шаклланишида ёш хусусиятлари ва ошқомилларнинг таъсири ҳақидаги фикрлари.

7-машғулот

Маъмун академияси. Унинг ташкил топиш тарихи, академияда фаолият ўрсатган олимлар. Уларнинг буюк кашфиётлари.

Академия аъзоларининг педагогика фани ривожига қўшган ҳиссаси. Уларнинг маънавий тарбия, талабаларнинг шахсий-маънавий сифатларни тарбиялашга хизмат қиладиган фикрлари, бугунги кундаги аҳамияти.

8-машғулот

Ўқитувчи ўз маърузасида умумлаштирувчи хулосалар қилиб, Маъмун академияси олимларининг дин ва илм-фанга оид асосий педагогик қарашлари; инсоннинг табиат ва жамиятдаги ўрни, тарбиянинг мақсад ва усуллари, унинг таркибий қисмлари (ақлий, жисмоний, маънавий,

эстетик ва меҳнат тарбияси), таълим ва тарбия жараёни мазмуни, моҳияти дидактик тамойиллари, шакл ва услублари, уларнинг гносеологик талқини ўқитувчига, унинг шахсига қўйиладиган талаблар, оила тарбияси масалалари хусусида тўхталади.

Комусий олимлар педагогик меросининг алоҳида қиммати талабаларнинг касбий ва маънавий тайёргарлигида улкан имкониятлар мавжудлиги ҳақида сўз юритилади.

Ўтмиш алломаларининг педагогик фикр ва ғояларини билиш ва юқори баҳолашгина эмас, балки уларни ижодий қўллай олиш кўникма ва малакаларини эгаллаш зарурлиги ҳам уқтирилади. Яқуний машғулотда мавзуга доир конференция дарси ўтказиш ҳам мумкин. Конференция дарсини «Ҳозирги замон талаба-ёшларининг маънавий сифатлари: у қандай бўлиши керак» мавзусида ўтказиш мақсадга мувофиқ. Конференцияга тайёрланишда, албатта, Шарқ мутафаккирларининг талабалар маънавий сифатларини тарбиялашга хизмат қиладиган фикр ва ғоялари билан бирга ҳозирги даврда ёшлар эгаллаши зарур бўлган хислатлар уйғунлашади.

Машғулотлар охирида ўтказиладиган ўқув викторинаси талабаларнинг фанга доир қизиқишини уйғотади. У куйидаги масалаларни ўз ичига олади:

1. Қадимги ёзма ёдгорлик «Авесто»да келтирилган маънавий тамойиллар ҳақида нималарни биласиз?

2. Ўрта асрларда Шарқда илм-фан ва маданиятнинг жадал ривожланишида асосий омиллар нималардан иборат эди?

3. Маъмун академияси олимларидан кимларни биласиз? Нима сабабда уларни қомусий олимлар деймиз?

4. Абу Райҳон Берунийнинг ҳаёти ва маънавий қарашлари ҳақида нималарни биласиз? Унинг устозлари кимлар?

5. Ибн Синонинг ҳаёти ва илмий фаолияти. Унинг қайси педагогик фикр ва ғоялари Сизнингча, алоҳида қимматга эга?

6. Шарқ қомусий олимларининг педагогик қарашларидаги қайси асосий йўналишлар Маъмун академиясидаги олимлар фаолияти йўналишларига тўғри келади?

7. Маъмун академиясида фаолият юритган олимларнинг маънавий тарбияга оид фикрлари ҳақида нималарни биласиз?

8. Маънавийлик мезонлари нималардан иборат?

9. Шарқ мутафаккирларининг педагогик ғояларини кейинги авлод олимларидан қимлар ривожлантирди?

10. Ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино ва бошқа олимларнинг педагогик мероси билан танишиш Сизга нималар берди? Ёлажақдаги педагогик фаолиятингизда ундан қандай фойдаланмоқчисиз?

Викторина сўнигида ҳакамлар ҳайъати (талабалар) қарори эълон қилинади ва ғолибларга эсдалик совғалари топширилади.

Бундан ташқари, «Маъмун академияси олимларининг талабалар маънавий сифатларини тарбиялаш ва педагогика фани ривожланишида юрган ўрни» мавзусидаги махсус семинар ҳам педагогика тарихининг қитиғида талабаларнинг маънавий сифатларини тарбиялашда ижобий натижалар берди.

Юқоридагилардан маълум бўлдики, Маъмун академияси олимларининг талабаларни маънавий сифатларини тарбиялашга оид илғор қарашлари юнги кунда ҳам юксак қимматга эга.

Маъмун академияси олимларининг педагогик меросини ўрганиш талабаларга турли давр олимларининг инсоннинг жамиятдаги ўрни, тарбия, ғаниқса, маънавий тарбиянинг мақсади ва вазифалари, таркибий қисмлари, талаба-ёшларнинг маънавий сифатларини тарбиялаш ва ривожланишига юксир этадиган омиллар, ўқитувчи шахсига талабалар, оиладаги тарбия ва ошқа масалаларга қарашларини кузатиш имконини беради.

Бироқ бу меросни шунчаки билишнинг ўзи кифоя қилмайди, ундан ойдалана олиш, педагогик фаолиятда уни қўллашнинг йўллари ва усулларини аниқлаш лозим.

Бу борада «Педагогика тарихи» курсидан «Шарқ мутафаккирларининг талабалар маънавий сифатларини тарбиялашга доир қарашлари»га оид атиилаётган ўқув қўлланма муҳим аҳамият касб этди. Мақсад:

1. Талабаларнинг Шарқ мутафаккирлари педагогик мероси ҳақидаги олимларини кенгайтириш ва умумлаштириш.

2. Педагогика тарихини ўқитишда талабаларнинг маънавий сифатларини тарбиялашдаги асосий йўналишларини аниқлаш в таснифлаш.

3. Талабаларни бугунги кунда долзарб бўлган маънавий сифатларни тарбиялаш ҳақидаги педагогик фикр ва ғояларини ижодий ўзлаштириш келгуси фаолиятида улардан фойдаланишга йўналтириш.

Педагогика тарихи курсининг асосий иш шакли дарс, асоси услублари-талабалар маърузасини тинглаш ва муҳокама қилиш, мустақил иш давомида ўрганган фалсафий, тарихий, педагогик билимларин умумлаштиришдан иборат.

Педагогика тарихи ўқув қўлланмасининг вазифалари, услублари в кўтирилган натижалар талабаларга илмий-амалий анжуманида иштирок этиш имкониятини яратади.

Талабаларга мустақил ҳолда маъруза учун мавзу танлашга имко берилади. Маърузага, унинг мазмуни юзасидан чиқишларга, маърузаларни кичик ҳажмдаги реферат тарзида расмийлаштиришга қўйиладиган талаблар билан таништирилади. Адабиётлар рўйхати тавсия этилади.

Дастлабки машғулотларда талабалар Ўзбекистон Республикасинин «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» бўйич маънавий сифатларни тарбиялаш ва ривожлантириш масалаларига оид иккит маърузани тинглаш ва муҳокама қилиш вазифаси қўйилади. Сўнг амали семинар машғулотларида кўриладиган масалалар мазмуни билан таништирилади.

Биринчи машғулотда ўрта асрларда Маъмун академияси олимларинин илм-фан ва маданиятнинг жадал ривожланишига тарихий омилларинин кўрсатган таъсири ёритилади: Хоразмий, ибн Сино, Берунийнинг ёшларни маънавий сифатларини тарбиялашга доир фикрларининг асосий йўналишларига тавсифлаб берилади.

Иккинчи машғулот. Маъмун академияси олимлари ижодид талабаларнинг маънавий сифатларини тарбиялашга таъсир этувчи омиллар маънавий тарбия ва маънавий сифатлар ҳақидаги мавзуларга бағишланади (замонавий педагогик технологиялар жорий этилади).

Учинчи машгулотда эса талабаларни зардуштийликнинг муқаддас китоби «Авесто»да маънавий сифатларни тарбиялаш масалалари мавзусидаги маърузалари тингланади ва муҳокама қилинади (замонавий педагогик технологиялар жорий этилади).

Тўртинчи машгулот талабаларнинг «Яқин ва Ўрта Шарқ алломаларининг ёшлар маънавий сифатларини тарбиялаш шакли ва усуллари тўғрисида» мавзусидаги маърузаларининг муҳокамасига бағишланади.

Бешинчи машгулотда талабаларнинг «Маъмур академияси алломалари маънавий тарбия ҳақида» мавзусидаги маърузалари муҳокама қилинади.

Талабалар ўзаро тақриз қилиш учун рефератлар алмашади, ҳаммага тўлдирини учун сўровнома тарқатилади.

«Педагогика тарихи» дарсларида талабаларга сингдирилган маънавий-ахлоқий сифатлар уларнинг борлиққа муносабати, хулқ-атворининг меъёри бўлиб хизмат қила олади. Маънавий сифатлар ақл, адолат, масъулият, ўзаро ёрдам, меҳр-шафқат каби хулқ-одоб меъёрлари билан узвий боғлиқ. Талабаларнинг маънавий сифатларини тарбиялашда «Педагогика тарихи» дарслари, курс доирасида ташкил этиладиган семинар машгулотлар муҳим аҳамият касб этади. Биз қуйида Авесто ва Шарқ мутафаккирларининг педагогик таълимоти ҳамда Маъмур академияси олимларининг асарлари асосида ташкил этилган семинар машгулотлари ҳақида фикр юритамиз. Курс доирасидаги дастлабки 1-семинар машгулоти «Энг қадимги маърифий ёдгўрликларда таълим-тарбия (VII асргача)» деб номланади. Мазкур машгулот қуйидаги тартибда ташкил этилди.

Энг қадимги маърифий ёдгорликларда

таълим-тарбия (VII асргача)

Режа:

1. Энг қадимги даврларда таълим-тарбиянинг келиб чиқиши. Ибтидоий одамлар ҳаётида таълим-тарбиянинг ўзига хос хусусиятлари.
2. Қадимги давлатлар Сўғдиёна, Бақтрия, Хоразмда таълим-тарбиянинг пайдо бўлиши ва ривожланиши.
3. «Авесто» – Зардуштийлик таълимотининг муқаддас китоби.
4. Халқ оғзаки ижодида таълим-тарбия мазмуни ва усулларининг ифодаланиши.

Ушбу режа асосида талабалар куйидаги маълумотларни тўплашлари лозим. Ўрта Осиёда яшаётган туб халқларнинг аجدодлари шу ўлкада бундан бир неча минг йиллар олдин яшаган бўлиб, улар ўзига хос маданият ва маърифатнинг дастлабки куртакларини вужудга келтиришган. Дастлабки тош қуролларида тирикчилик учун фойдаланишдан анча такомиллашган меҳнат қуроллари ясагача, ундан уруғчилик, қабилачилик даврларига келиб, хўжалик ва маданий тараққиётда эришилган ютуқларгача эга бўлганлигини тарихдан биламиз. Эрамизнинг биринчи минг йилликларида Бақтрия, Хоразм, Сўғдиёна, Марғиёна ва Паркана каби ўлкаларда турли қабилла ва элатлар яшаган. Мазкур элатлар ва қабилалар ҳозирги Ўрта Осиё ҳудудидаги халқларнинг аجدодлари бўлиб ҳисобланади.

Туркий ва форсий забон халқларнинг ҳаёти, маънавий маданият ёдгорликлари қадимги юнон тарихчиси Геродотнинг «Тарих», Страбоннинг «География» асари Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғатит-турк» асари ва Ўрхун Енисей битиклари каби адабий-тарихий, педагогик манбаларда ўз ифодасини топган ва шулар орқали бизгача етиб келган бўлиб, узок йиллар давомида ёш авлод маънавий сифатларини тарбиялашга кўмаклашган.

Эрамиздан аввалги биринчи минг йиллик ўрталарига келиб *оромий ёзуви*, Александр Македонский истилосидан сўнг эса *юнон ёзуви* ва шу билан бирга *форсий михнат* ҳам маълум вақтларда қўлланиб келинган. Бу

ёзувлар эса таълим-тарбиянинг дастлабки куртакларига замин бўлиб, инсон ахлоқий тафаккурини ривожланишида катта аҳамият касб этади. Шу билан бирга энг қадимги ёзувлардан ҳам олдинроқ пайдо бўлган халқ педагогикаси ҳам ўз миллий асосларига кўра таълим-тарбиянинг ривожига ҳисса қўшиб боради.

Инсоният тараққиётида авлоддан-авлодга кўчиб, тарих синовларидан ўтиб келаётган умуминсоний ва маънавий-маданий кадриятлар, миллий анъаналар, ахлоқий омиллар ва урф-одатлар халқ оғзаки ижоди мақсули бўлиб, халқимизнинг маънавий-маданий тафаккурини юксалтиришга ҳисса қўшган бойлигидир.

Берилган маълумотлар асосида талабалар қуйидагиларни билишлари лозим.

1. Милоддан олдин V аср бошларида Хоразмда Маъмун академияси - «Донолар уйи» ташкил қилинган.

2. Академияга тўпланган Собит ибн Курра, Кусто ибн Лукка, Яхъя ибн Адий, Исҳақ ал-Дамашқий каби олимлар илм-фан ривожига қилган хизматлари, илми адаб, ахлоқий масалаларга доир чет эл асарларини араб тилига таржима қилганликлари билан Ўрта Осиё маданияти ривожига ҳам ҳисса қўшганлар.

3. Энг мўътабар қадимги қўлёзма «Авесто»ни яратилганига 3000 йил бўлаяпти. «Авесто» зардуштийликнинг муқаддас китоби. У нафақат диний китоб, балки ижтимоий фалсафий, маданий, адабий-тарихий қимматга эга бўлган ёдгорликдир.

«Авесто» Виштаспнинг фармонида кўра 1200 бобдан иборат қилиб, олтин тахтага ёздириб қўйилган. «Авесто»нинг китоб ҳолидаги матни 12 минг ошланган мол терисига олтин ҳарфлар билан битилган.

«Авесто»нинг энг қадимги нусхаси 1324 йилда кўчирилган бўлиб, Копенгаген кутубхонасида сақланади.

Талабалар «Авесто»да ифодаланган маънавий-ахлоқий қарашларни ажрата олишлари керак.

Иккинчи семинар машғулоти мавзуси «Шарқ уйғониш даври ва унда таълим-тарбия масалалари (IX–XIII асрлар)» тарзида белгиланиб, у қуйидаги режа асосида ўтказиши.

Режа:

- 1. Шарқ уйғониш даври ва унда илм-фан ривожланиши йўналишлари.*
- 2. Маъмун академияси олимларининг маънавий-ахлоқий қарашлари.*
- 3. Маъмун академияси олимлари маънавий-ахлоқий қарашларининг инсон тарбиясидаги аҳамияти ва уларнинг талабалар маънавий сифатларини тарбиялаш имкониятлари.*
- 4. Замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиши.*

Ислом динининг ёйилиши, марказлашган Араб Халифалигидаги илм-фан тараққиётида, ижтимоий-иқтисодий юксалиш Мовароуннаҳр ва Хуросонда IX асрга келиб, маънавий кўтарилиш, Уйғониш даврини бошлаб берди.

Ал-Маъмун томонидан ташкил этилган «Байт ул-ҳикма» («Донишмандлар уйи») – академия барча илм соҳиблари тўпланган марказга айланди ва Шарқда илм-фанининг тараққий этиши, маънавий ҳаёт юксалишига таъсир этди.

Бугун Шарқда бўлгани каби Мовароуннаҳрда ҳам илм-фан ва маърифат соҳасида машҳур бўлган файласуф ва мунажжимлар, математика, физика, тиббиёт, тарих, тил ва адабиёт, педагогика соҳасида илмий мерос билан ном қолдирган ал-Хоразмий, Абу Наср Форобий, ал-Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино каби қомусий олимлар етишиб чиқди.

Эслаб қолинг! «Байт ул-ҳикма» олимлари орасида Марказий Осиёлик Аҳмад Фарғоний, Муҳаммад Хоразмий, Аббос Ибн Саид Жавҳарий, Аҳмад Ибн Марказий кабилар ҳам бўлган.

«Байт ул-ҳикма» олимлари орасида ҳамюртимиз Муҳаммад Ибн Мусо ал-Хоразмий алоҳида мавқега эга бўлган. Аҳмад Фарғоний унинг таклифи билан 815 йилда ёзиб тугатган астрономияга оид асарини муҳокамага

кўяди, илмий жамоа унга юқори баҳо беради. Оқибат натижада, ёш олим Аҳмад Фаргоний бу нуфузли масканнинг ҳақиқий аъзоси этиб қабул қилинади. Хоразмий вафотидан сўнг Аҳмад Фаргоний бу жамъанинг етакчи ағломаларидан бирига айланади, унинг довуғи бутун Ўрта ва Яқин Шарққа ёйилади.

Биз ҳар бир дарс машғулотида замонавий педагогик технологиялар асосида олиб боришга ундашимиз лозим.

Мавзу бўйича мустақил тайёрланган саволлар:

1. IX–X асрларда илм-фаннинг юксалиши.
2. «Байт ул ҳикма» ва унинг илм-фан ривожидagi аҳамияти.
3. IX–X асрларда педагогик фикр тараққиёти ва унинг асосий йўналишлари.

«Байт ул ҳикма» олимларининг Хоразм Маъмун академияси шаклланишига кўрсатган таъсири.

Тавсия этиладиган адабиётлар:

1. А.Зуннунов ва бошқалар. Ўрта Осиёда педагогик фикр тараққиётидан лавҳалар.-Тошкент.: Фан, 1996 йил.
2. К.Ҳошимов бошқалар. Педагогика тарихи (маърузалар матни) 1-жилд. Тошкент, 2001 йил.
3. Ҳ.Бобоев ва бошқалар. Миллий истиклол мафқураси ва тараққиёт.-Тошкент.: Янги аср авлоди, 2001 йил.

Навбатдаги семинар мавзуси «Абу Али ибн Синонинг маънавий маълум-тарбия ҳақидаги қарашлари» деб номланади. Бу семинар машғулоти куйидаги режа асосида ташкил этилади.

Режа:

1. *Абу Али ибн Сино ўрта асрларда яшаб ўтган қомусий олимдир.*
2. *Абу Али Ибн Сино таълимотида маънавий таълим-тарбия усуллари, шакл ва услублари.*
3. *Ибн Сино бола тарбияси ҳақида.*
4. *Ибн Сино педагогик қарашларининг бугунги кунда талабалар маънавий сифатларини тарбиялашдаги аҳамияти.*

Абу Али ибн Синонинг фан ва маданият тараққиётига қўшган буюк ҳиссаси учун ҳам Шарқда халқ унга «Шайх ур-раис» («Олимлар бошлиғи»), Европада «Олимлар подшоҳи» деган ҳурматли унвон берадилар.

Ибн Сино 980 йилда Бухоро шаҳрига яқин Афсона қишлоғида кичик амалдор оиласида туғилган.

IX асрнинг охири X аср бошларига келиб, ўлкада ижтимоий-сиёсий вазият мураккаблашади, Қорақонийлар Сомонийлар давлатини босиб олади. Шу туфайли Ибн Сино Хоразмга - Гурганжга кўчиб ўтади. Хоразмда у бир қатор олимлар билан ҳамкорликда Абу Райҳон Беруний бошқараётган «Маъмур академияси» да илмий иш билан шуғуллана бошлайди.

Буни ёдда сақланг!

Ибн Сино умрининг сўнгги йилларида Гурганж, Рай ва Ҳамадонда яшайди. У 1037 йил охирида Исфаҳонда вафот этади.

Ибн Синонинг одоб-ахлоқ ва инсонпарварлик ҳақидаги таълимоти қатта илмий-амалий, тарбиявий аҳамиятга эга. Бу таълимот инсон олам ривожланишининг тожи бўлиб, у буюк шараф ва ҳурматга лойиқдир, деган фикрга асосланади.

Билиб қўйинг!

Ибн Синонинг фалсафий қиссаларида илмнинг асло қаримаслиги, унинг оламни кезиши, кишиларни жаҳолат ва подонлик гафлатидан уйғотиши ҳақидаги ғояни илгари суради.

Ибн Синонинг маънавий–ахлоқий ва маърифий масалалар ҳақида олға сурган илғор ғоялари:

Яхшилик ва ёмонлик, адолат ва адолатсизлик, роҳат ва азоб-уқубат, саҳийлик ва баҳаллик, камтарлик ва мактанчоклик, вафодорлик ва бевафолик кабилардир.

Ибн Сино фанларни қуйидагича тасниф этади:

Биринчи гуруҳга – этика, иқтисод, сиёсат

Иккинчи гуруҳга – физика, математика, метафизика, дунё қонуниятларини ўрганувчи барча фанлар.

Билиб олинг! Марказий Осиё маънавиятининг улкан арбобларидан бири ҳисобланган ибн Синонинг асли исми шарифи Абу Али ал-Хусайн Ибн Абдуллоҳ ибн Синодир. Ибн Сино жаҳон маданияти тарихида қомусий билимга эга бўлган мутафаккир, аллома сифатида алоҳида ўрин тутди. У фаннинг турли соҳаларига оид 450 дан ортиқ асари мавжудлиги тўғрисида олимлар маълумот берадилар. Уларда тиббиёт, мусиқа, фалсафа, этика, илоҳиётшунослик, ижтимоиёт, сиёсат, тилшунослик, эстетика масалалари атрофида ёритилган.

Мушоҳада учун! Аллома яратган «Китоб аш-Шифо» 18 томдан иборат бўлиб, фалсафий билимлар қомуси ҳисобланади, у ўз ичига 4 та катта бўлим (мантик, физика, математика, метофизика)ни олади. Ибн Синонинг «Китоб ул-инсоф» («Адолат китоби») асари 21 жилддан иборат бўлган.

Биласизми? Ибн Сино саккизта дoston ёзган. Булар: соғлиқни сақлаш-гиғиена ҳақида уржуза; Ёилнинг тўрт фасли ҳақида уржуза; Анатомия ҳақида уржуза; Гиппократ васиятлари ҳақида уржуза; Табобат ҳақида уржуза; Тиббий насихатлар ҳақида уржуза; Алоқа ҳақида уржуза.

Буни ёдда сақланг!

Ибн Сино билим олишда болаларни мактабда ўқитиш зарурлигини қайд этар экан, таълимда қуйидаги томонларга риоя этиш зарурлигини таъкидлайди:

- болага билим беришда бирданига китобга банд қилиб қўймаслик;
- таълимда енгилдан оғирга бориш орқали билим бериш;
- олиб бориладиган машқлар болалар ёшига мос бўлиши;
- ўқитишда, жамоа бўлиб мактабда ўқитишга эътибор бериш;
- билим беришда болаларнинг майли, қизиқиши ва қобилиятини ҳисобга олиш;
- ўқитишни жисмоний машқлар билан олиб бориш.

Мавзу бўйича мустақил тайёрланадиган саволлар

1. Ибн Синонинг таълим-тарбия ҳақидаги фикрларини таҳлил этиш.
2. Аллома қачон ва қаерда туғилган?
3. Ибн Сино фикрига кўра ўқитувчи қандай бўлиши керак?
4. Ибн Синонинг қайси асарларини биласиз?
5. «Китоб аш-Шифо» китоби неча томлик ва бунинг неча томи мангикқа оид?
6. Ибн Сино фавлар таснифи муаммосини қай тарзда ҳал этган?
7. Ибн Сино ахлоқий хислатларга берган таърифини келтиринг.
8. Олимнинг ахлоққа берган таърифини биласизми?
9. Ибн Синонинг жисмоний тарбия ҳақидаги фикрлари.
10. Ибн Синонинг қайси умумбашарий кадриятларини биласиз?

Буни ёд олинг! Ахлоқ фани кишиларнинг ўзига ва бошқаларга нисбатан хатти-ҳаракати меъёрлари ва қоидаларини ўрганеди.

Ибн Сино дўстликни 3 турга бўлади:

1. Ҳар қандай қийинчиликларга қарамай ўз дўстини хавф-хатарда шиз қолдирмайдиган дўстлик.
2. Манфаатлари ўхшаш ва ғоявий яқин дўстлик.
3. Ўз шахсий манфаати ва эҳтиёжини қондиришга қаратилган дўстлик.

Ибн Сино ҳикматлари

Айш-ишрат ва бекорчиликдан бузуклик ва касалмавдлик келиб чиқади. Ксинча, ақлнинг нимагадир интилиши соғлиқни муттасел мустаҳкамланиб орадиган бардамликни юзага чиқаради.

1. Дўстимки, душманимга дўстлик қилар экан, уни мен дўст исобламайман. Заҳарга қўшилган шакардан эҳтиёт бўл, ўлакса илон этига қўнган пашшадан ўзингни торт.

2. Абу Али ибн Сино ўзи даволаётган касалларга бундай дер экан:

- Биз уч тарафмиз: мен (табиб), сен (бемор) ва у (касалик). Агар сен ен тарафга ўтиб олсанг, у енгилади. Агар у тарафга ўтиб олсанг, кқовингни енгитим қийин...

3. Гўшт танани мустаҳкамлайдиган таом бўлиб, у бошқа овқатларга исбатан қонни тезроқ кўпайтиради.

4. «Эрта саҳарда анор, тушда пиёзли овқат есанг, ётиш олдида асал уш этсанг, қонинг кўз ёшидек беғубор бўлади».

5. Ҳар киши анжир тановул айласа тун-кун мудом, кўксидан балғамни айдар, бартараф қилғай таом.

6. Шолғом уругини туйиб, майдалаб, асал билан қўшиб қилсанг истеъмол.

Ичингни юмшатар, заҳарни кесар.

Белингни бақувват қилади дарҳол.

7. Сурма қўйса ҳар киши кўзига лайлу наҳор,

Кўзидан сув оқмағай ва нури бўлғай беғубор.

8. Кетма-кет маст бўлиш жуда ёмондирки, жигарни ва мижозни бузади, асабни кучеиз қилади. Асаб касалликларини, сакта касаллигини ва тўсатдан ўлишни келтиради.

9. Қора ер қаъридан то авжи Зуҳал,

Коиноғ мушқули барин қилдим ҳал.

Кўп мушқул тугунни англадим, ечдам.

Ечилимай қолгани биргина ажал.

Буни ёд олинг!

Ўқитувчи қандай бўлиши керак?

- ўқувчи билан муомалада босиқ ва жиддий бўлиш;
- берилаётган билимларни талабалар қандай ўзлаштириб олаётганлигига эътибор бериш;
- таълимда турли усул ва шакллардан фойдаланиш;
- талабанинг хотираси, билимларини эгаллаш қобилияти, шахсий хусусиятларини билиш;
- фанга қизиқтира олиш; берилаётган билимларнинг энг зарурини ажратиб бера олиш;
- билимларни талабаларга тушунарли, унинг ёши, ақлий даражасига мос равишда бериш;
- ҳар бир сўзнинг ўқувчи ҳиссиётини уйғотиш даражасида бўлишига эришиш зарур.

«Педагогика тарихи» курси ўқув фанини ўрганиб бўлгандан сўнг машғулотлар ўқув конференцияси билан якунланади.

Конференция режаси қуйидагича тузилади:

1-вариант

1. Муҳокама этиладиган масалалар.
2. Шарҳ алломаларининг педагогик фикр ва ғоялари ҳақида маъруза.
3. Сўровнома якунларини эълон қилиш.

4. Талабаларнинг энг яхши тақризлари ва энг яхши рефератларини эълон қилиш.

5. Яқунлаш.

2-вариант

Конференция иштирокчилари аввал беш гуруҳга бўлинади. Ҳар бир гуруҳ битта олимнинг маънавий сифатларни тарбиялашга хизмат қиладиган педагогик фикр ва ғоялари юзасидан маъруза тайёрлайди. Маълум кетма-кетликда чиқиш қилар экан, талабалар амалий семинар, унга мустақил тайёрланиш жараёнида ўзларига топширилган олимнинг ҳаёти, илмий фаолияти ва педагогик фикр ва ғоялари ҳақида ўрганганларини умумлаштирадилар. Ўз чиқишларида махсус тайёрланган материаллар: портретлар, диопозитивлар, слайдлар, китоблар, шу олим фаолиятини тадқиқ этган олимлардан интервью, аудио, видеоматериаллар ва бошқаларни тайёрлайдилар (маърузани кўргазмали мисоллар ёрдамида тушунтиради.)

Ўқув конференцияси қатнашчиларига қуйидаги саволлар билан муносабат қилиш мумкин: ҳозирги ёшлар қандай маънавий сифатларга эга бўлиши керак? Қомусий олимлар талабаларнинг маънавий сифатларига қандай талаблар қўяди?

Саволлар юзасидан фикр алмашувдан сўнг, яқун ясалади: Талабаларнинг сўровномаларга жавоблари, энг яхши реферат ва тақриزلар эълон қилинади.

Юқорида муаммога доир амалий ишлар натижаларидан кўриниб турибдики: 1. «Педагогика тарихи» курсидан назарий маълумотларни амалиётга жорий этиш талабаларнинг маънавий сифатларини ўз шаклий ҳаётларида таркиб топешдида ижобий натижаларга олиб келади. 2. Талабалар амалий машғулотларида қўйилган муаммоларни ҳал этишда эркин, ижодий, мустақил фикрлашга ҳаракат қиладилар. 3. Талабалар маърузаларда ўрганган билимларини амалиётда қўллашни уларнинг билим, малака ва кўникмалари ривожланаётганлиги маълум бўлади. Буни биз дарс машғулотларида таҳлил этиш орқали аниқлашга муваффақ бўлдик.

Педагогика тарихини ўқитишда талабаларнинг маънавий сифатларини тарбиялашнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат.

1. Энг қадимги маънавий ёдгорлик - «Авесто» минг йилликла давомида яратилиб, Шарқ халқлари маданий ҳаётининг турли соҳаларин акс эттирган асосий манба.

2. Зардушт таълимоти эзгулик ва ёвузликнинг мурасасиз кураш асосида яратилган бўлиб, кураш табиат ва жамиятда бўлгани каби, ҳар би инсонда ҳам кечади. Шу сабабли зардуштийликнинг маънави таълимотлари дунёда, умуман жамиятда ижтимоий тартиб ўрнатиш инсон ҳаётини тартибга солиш кабилардан иборат бўлиб, асосий тамойи эзгу фикр, эзгу калом ҳамда эзгу амал ҳақиқат ва адолатдан иборат.

3. Зардуштийлик Шарқ ва Ғарбнинг кейинги фалсафий ва снәси ҳуқуқий тафаккурига катта таъсир кўрсатди. Унинг маънавий-ахлоқи триадаси: «эзгу фикр», «эзгу калом», «эзгу амал». Демократ, Гале (Жолинус), Гиппократ (Букрот), Эпикур, Евклид (Икклидус), Аристоте (Арасту)ларнинг фалсафий таълимотларига таъсирини алоҳида таъкидлаи муҳим. Зардуштни ўз устози, деб тан олган биринчи юнон файласуф Афлотун ҳақида ҳам шуни айтиш мумкин.

4. Маъмун акадәмияси алломалари маънавий-маърифий қарашлари инсон, унинг ҳар томонлама баркамол ривожланиши, юксак маънавият билим ва илмга эга бўлиши, соғлом турмуш тарзи ва мустаҳкам жисмони тарбия муаммолари долзарблик касб этган. Айнан шу ҳолатлар инсонни ўз фикрини аниқ ифодалаш ва ўз қарашларини ҳимоя қила оли қобилияти ривожига хизмат қилган. Шу тариха илмий дунёқараш, мустаҳқи фикрлаш ва тафаккур, маънавий камолот учун замин ҳозирлаган.

5. Зардуштийлик таълимоти, Шарқ уйғониш даврида маънавий-ахлоқи қарашлари билан «Педагогика тарихи» курси материаллари воситасид асосий ўрин эгаллаган мутафаккирлар ва Маъмун акадәмияси алломаларининг педагогик қарашларида ўзига хос умумийлик в хусусийлик мавжуд бўлиб, улар қуйидагиларда кўринади:

а) Шарқ мутафаккирларининг педагогик таълимотида умуминсоний қадриятлар, динга эътиқод, иймон, она заминга, Ватанга муҳаббат экрсеварлик, халқпарварлик, ҳалоллик, меҳнатсеварлик, ростгўйлик каби маънавий сифатлар педагогика тарихининг муҳим омил сифатида талқин қилинади;

б) «Авесто»да қайд этилган маънавий-ахлоқий қоида-инсонни меҳнат қилишга, ўз қўллари билан моддий бойликлар яратиб, фаровон ҳаёт кечирishiга даъват этилганида бўлса, Абулхайр ибн Ҳаммор, Абу Наср ибн Ироқ, Абу Наср Форобий, ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Абу Саҳл Масиҳий, Абу Абдуллоҳ Йлоқий, Абу Али ибн Мискавайҳ, Абу Мансур ас-Саолибий, Махмуд Ҳамид ибн Хидр ал-Хўжандий, ал-Муттатабиб, Абул Ҳаким ал-Қосий, ал-Хоразмий каби алломаларнинг таълимотида инсон ижтимоий-маънавий такомил, бахт-саодатга, илм-маърифат ҳосиласи саналадиган ақлий ва ахлоқий фазилатларнинг муштариклиги орқали эришиш мумкинлиги каби фикрлари ётади;

в) энг қадимги маърифий-ахлоқий ёдгорлик «Авесто»да, Шарқ алломаларининг педагогик таълимоти ва фалсафаси мазмуе-моҳиятида ҳам битта ҳақиқат ётади: юксак ахлоқ, ижодий меҳнат соҳиби инсон қадр ва унинг улуғлиги. Зеро инсоннинг табиат ва жамиятдаги ўрни унинг ақл-идроки, доимий равишда комиллик сари интилишдан иборатдир.

6. Педагогика тарихи материаллари мисолида Шарқ мутафаккирларининг талабалар маънавий сифатларини тарбиялаш тўғрисидаги таълимоти қомусий олимлар илмий мероси ва таълимий-ахлоқий асарларида илгари сурилган. Маънавий-ахлоқий сифатлар ўз даври жамият тараққиёти талабларидан келиб чиққан ҳолда ёш авлод тарбиясида ўзига қос аҳамиятга эга бўлди. Инсоннинг ижтимоий ҳаёт, давлат учун фойдаси, идеал маънавий қиёфа, ақл-идроқ, билим, яратувчанлик-ижодкорлик, ҳуқ-одоб, инсонлараро муносабатлар, тинимсиз меҳнат ва меҳнатсеварлик, соғлом турмуш мавзулари алломалар диққат марказида бўлган.

7. Талабаларнинг маънавий сифатларини тарбиялашда Шарқ халқларининг илғор маънавий-ахлоқий, маданий ва илмий меросидаги инсонпарварлик, муҳаббат, дўстлик, меҳнатни севиш каби хислатларни такомиллаштириш.

Таянч тушунчалар: Маънавий сифат, истиқболли режа, педагогик таълимот, услуб, мутафаккир.

Мавзу юзасидан тест топшириклари

1. Илм асло қаримайди, у оламни кезади, кишиларни жаҳолат ва нодонлик ғафлатидан уйғотади, деган ғоялар муаллифи ким?

- А. Ибн Сино. *
- Б. Беруний.
- С. Ал-Хоразмий.
- Д. б ва с.

2. Инсон олам ривожланишининг тожи бўлиб, у буюк шараф ва хурматга лойиқдир, деган фикрни асослаган Шарқ мутафаккири нуқталар ўрнига мос сўзни қўйинг.

- А. Ибн Сино. *
- Б. Форобий.
- С. Ал-Фарғоний.
- Д. Беруний.

3. Ахлоқийликнинг асоси неча гуруҳга бўлиб ўрганилади?

- А. 2 гуруҳга: яхшилик ва ёмонлик. *
- Б. гуруҳга бўлинмайди, ахлоқийлик.
- С. 4 гуруҳга: яхшилик, ёмонлик, тўқлик ва очлик
- Д. б ва с жавоблар.

4. Энг қадимги маърифий ёдгорликларга нималар киради?

- А. Урхун-Энисей ёзувлар, битиклар, Авесто *
- Б. Зардуштийлик таълимоти.
- С. Халқ оғзаки ижоди.
- Д. Дастлабки тош қуроллари, меҳнат қуроллари.

5. Александр Македонский истилосидан сўнг қандай ёзувлар Ўрта Осиёда маълум вақтгача қўлланилиб келинган?

- А. Юнон ёзуви, форсий миххат. *
- Б. Суғд ёзуви, Бактрия ёзуви.
- С. Санскрит ёзуви, Суғд ёзуви.
- Д. Оромий ёзуви, Суғд ёзуви.

Мавзу юзасидан савол ва топшириқлар:

1. Шарқ мутафаккирларининг педагогик таълимоти ҳамда маънавий-маърифий ғоялари моҳиятини тушунтиринг.
2. Машғулот мавзулари ҳақида батафсил, тўлиқ маълумот беринг.
3. Ўқув викторинаси ҳақида сизнинг фикрингиз. Яна қандай викториналарни таклиф этасиз?
4. Амалий семинар машғулотларининг савол ва топшириқлари ҳақида қандай фикрдасиз? Ёзма равишда ифода этинг.
5. Семинар машғулотли билан амалий семинар машғулотининг ўзаро бир-бирдан фарқини изоҳлаб беринг.
6. Ўқув конференциясини сиз қандай тушунасиз? Мушоҳада қилинг. Ёзма равишда ифода этинг.
7. Педагогика тарихи фанини ўрганиш орқали қандай янги маълумотларга дуч келдингиз? Конспектлаштиринг.
8. «Талабаларнинг маънавий сифатларини, ўтмиш мерос ғоялари асосида тарбиялаш моҳияти» ҳақида фикр юритинг. Конспектлаштиринг.
9. Шарқ мутафаккирлари таълимоти талқинида маънавий сифатнинг биринчи белгиси нима?
10. IX-XII аср мобайнида Моворауннаҳрда бўлган ўзгаришлар тарихига бир назар.

Тавсия этиладиган манбалар:

1. И.А.Каримов. Юксак маънавият енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. -172-бет.
2. Форобий фозил одамлар шахри / Тузувчи М.Маҳмудов. –Т.: Халқ мероси, 1993. -186-бет.
3. Х.Ҳомидов. «Авесто» файзлари. –Т., 2001. -31-бет.
4. Миллий истиқлол ғояси: асосий тупунча ва тамойиллар кўлланма. Ўзбек файласуфлари миллий жамияти. –Т.: Янги аср авлоди, 2001. -202-бет.
5. М.Қаҳҳорова. Маънавий-ахлоқий муҳит. Демократик янгилинишнинг муаммо ва ечимлари. –Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2008. -178-бет.

«Ўйин» технологияси.

«Тезкор саволга – тезкор жавоб» ўйини

Талабалар уч гуруҳга бўлинади. Саволлар ўқитувчи томонидан ўқилади, тезкорлик билан талаба жавоб бермаса, ўқитувчи жавобини ўқиб беради. Ҳар бир саволга тўғри жавоб 5 балл, чала жавоб берса 2,5 балл ёзув тахтасига ёзиб борилади. Қайси гуруҳда саволга жавоб бермаса, гуруҳини ҳимоя қилиб гапирса, бақирса, чапак чалса жарима таёқчаси берилади. Яъни бундан мақсад гуруҳни тинч, осойишта, фаол ўйин дарсини ташкил этиш.

1-гуруҳ

Шарқ мутафаккирларининг педагогик таълимотлари юзасидан

1. Савол: Зардуштийлик динини биринчи бўлиб қабул қилган инсон Зардуштдан кейин ким бўлган?
Жавоб: Эрон шоҳи Виштасп.

2. Савол: Форобийнинг фикрича, таълим-тарбия нима орқали амалга оширилади.
 Жавоб: Тажриба орқали.
3. Савол: Меҳнат инсонни уч нарсадан саклайди. 1-юрак сиқилишдан, 2-ахлоқий бузилишдан, 3... – нима?
 Жавоб: Муҳтожликдан.
4. Савол: Маъмун Академиясини бошқарган ва «Ҳиндистон» асарини ёзган қомусий билим соҳибни ким?
 Жавоб: Абу Райҳон Беруний.
5. Савол: Зардушт неча ёшида ким томонидан ўлдирилади?
 Жавоб: 77-ёшида Аржасп буйруғи билан Братар Вахш томонидан.
6. Савол: Табиб, адиб ва шоир, ҳуқуқшунос мусиқашунос, математик, ахлоқшунос астроном, табиатшунос, файласуф, қомусий олим, педагог. ... Ушбу фикрлар Шарқ алломаларидан кимга тегишли?
 Жавоб: Ибн Синога.
7. Савол: Педагогика тарихини ўрганишда нималарга асосланилди?
 Жавоб: Қадимги ёзувлар, битиклар, ёдгорликлар, халқ оғзаки ижоди.
8. Савол: Зардуштийлик ахлоқий таълимотида имон ва диёнат уч таянчга асосланади дейилади, 1 чи эзгу фикр 2..., 3... ;
 Жавоб: Эзгу калом, эзгу амал.
9. Савол: Президент И.А.Каримовнинг «Хоразм Маъмун Академиясини қайтадан ташкил этиш тўғриси»даги Фармони нечанчи йил, қайси ойда қабул қилинган?
 Жавоб: 1997 йил, 11 ноябрь.
10. Савол: Кимнинг қайси асарида Зардушт ва унинг муқаддас китоби «Авесто» ҳақида кўплаб фикрлар мавжуд?
 Жавоб: Фирдавсийнинг «Шоҳнома» асарида.
11. Савол: 2006 йил Маъмун академиясининг неча йиллиги нишонланди?
 Жавоб: 1000 йиллиги.
2. Савол: «Авесто»ни қандай асар деб атайдилар?
 Жавоб: Дастлабки педагогик асар.

2 гуруҳ

(«Авесто» асари юзасидан)

1. Савол: Зардушт таълимоти қайси муқаддас китобда жамланган?
Жавоб: «Авесто»да.
2. Савол: «Авесто» қачон яратилган?
Жавоб: Эрамиздан аввалги VII аср охири ва VI аср бошларида.
3. Савол: «Авесто» нинг Ватани.
Жавоб: Хоразм.
4. Савол: «Авесто»ни қайси шоҳ тарғиб қилади?
Жавоб: Эрон шоҳи Виштасп.
5. Савол: «Авесто» эрамиздан олдин қандай манбада сақланган?
Жавоб: 12 минг қорамол терисига ёзиб қолдирилган.
6. Савол: «Авесто» бизгача неча нусхада етиб келган?
Жавоб: 2 нусхада.
7. Савол: «Авесто» неча қисмдан иборат ва улар қайсылар?
Жавоб: 5 қисмдан иборат: Вендидод, Висперед, Ясна, Яшт, кичик Авесто.
8. Савол: «Авесто»нинг қайси қисми Алуиаразда билан Зардуштнинг савол-жавоби шаклида ёзилган?
Жавоб: Вендидод.
9. Савол: «Авесто»нинг қайси қисми 72 бобдан иборат бўлиб, унда диний, ибодат пайтида айтиладиган кўшиқлар, худолар мадҳи келтирилган?
Жавоб: «Ясна».
10. Савол: «Авесто»нинг қайси қисми 22 кўшиқни ўз ичига олади?
Жавоб: «Яшт»лар.
11. Савол: «Авесто»да қайси соҳадаги меҳнат Ахурамазда қонуни билан улуғланади?
Жавоб: Деҳқончиликдаги меҳнат.
12. Савол: «Авесто»да одоб-ахлоқ мезони қайси учликда намоён бўлади?
Жавоб: Эзгу сўз, эзгу амал, эзгу фикр.

3 гуруҳ

Хоразм Маъмун академияси мавзуси юзасидан

1. Савол: Маъмун академиясида етакчи олим ва раҳбар бўлиб ишлаган аллома?
Жавоб: Беруний.
2. Савол: Маъмун академияси неча йил фаолият кўрсатган?
Жавоб: 13 (14) йил.
3. Савол: 2006 йил Маъмун академиясининг неча йиллиги нишонланди?
Жавоб: 1000 йиллиги.
4. Савол: Академиялар ичида Хоразм Маъмун академиясига нечанчи бўлиб асос солинган?
Жавоб: 3-бўлиб
5. Савол: Маъмун академиясидан олдинги академиялар?
Жавоб: 1 мил. ав. Афинада, 2 – Хорун ар-Рашид.
6. Савол: Маъмун академияси нечанчи йилда қурилган?
Жавоб: 1010 йилда.
7. Савол: Маъмун академияси Хоразмнинг қайси шаҳрида бунёд этилган?
Жавоб: Урганчда.
8. Савол: Академиянинг энг кекса вакиллари кимлар бўлган?
Жавоб: Ан Нотилий, Ҳаммор
9. Савол: Маъмун академиясида Берунийдан ташқари яна қайси алломалар иш олиб борганлар?
Жавоб: Ибн Сино, файласуф Абу Саҳл Масиҳий, табиб Абу Хасан Ҳаммор, Абу Абдуллоҳ Илоқий, Ибн Ирок, Абу Али ибн Мискавайх, Аҳмад ибн Саид ал-Жавҳарий, Абу Мансур ас-Саолибий ва бошқ.
0. Савол: Маъмун академияси қайси Хоразмшоҳ даврида пайдо бўлган?
Жавоб: Абу Аббос Маъмун ибн Маъмун II.
1. Савол: Маъмун академияси тарқаб кетишига нима сабаб бўлган?
Жавоб: Маҳмуд Ғазнавий босқини.

12. Савол: Маҳмуд Ғазнавий Маъмур академияси олимларини қаерга олиб кетган?

Жавоб: Ғазна шаҳрига.

Олиб борилган викторина саволлар натижасини қуйидаги жадвалда кузатамиз:

**«Тезкор саволга – тезкор жавоб»
уйин технологияси натижалари**

Т/р	Ўзлаштириш кўрсаткичи (фоизларда)	Биринчи гуруҳ	Иккинчи гуруҳ	Учинчи гуруҳ
1.	паст			
2.	ўрта			
3.	юқори			

III. ШАРҚ АЛЛОМАЛАРИ ФАОЛИЯТИ ЮКСАК

МАЪНАВИЙ – МАДАНИЯТ ТИМСОЛИ

1. Талабаларнинг маънавий сифатларини тарбиялашда педагогика тарихининг аҳамияти

Педагогика олий таълим муассасаларида ўқув жараёни алоҳида ўрин тутди. У ўқув режалари ва ўқув дастурларига мувофиқ амалга оширилади.

«Педагогика тарихи» фанига II курсда 112 соат ажратилган, шундан 30 соат маъруза, 32 соат амалий машғулот, 50 соат мустақил таълим. Бу босқичнинг асосий вазифалари талабаларда педагогик касбга қизиқишни орттириш, унинг жамиятда яшashi ва фаолият кўрсатиши учун аниқ тасаввурларни шакллантириш, уларнинг умумпедагогик маданияти ва маънавий сифатларини ривожлантириш, педагогик фаолиятга психологик ва амалий тайёргарлигини шакллантиришдан иборат.

Маънавий юксак фазилатларга эга бўлган инсонни шакллантириш ҳозирги куннинг асосий вазифаларидан бўлиб, маънавий хислатларга эга бўлиш муҳим ижтимоий эҳтиёж эканлиги, уни ҳар бир инсонда тарбиялаш биринчи даражали аҳамият касб этмоқда. Юксак маънавият учун кураш мураккаб жараён. Зеро, жамиятнинг маънавий асосларини мустаҳкамламасдан, унинг ҳар бир аъзосида юксак маънавий сифатларни ривожлантирмасдан туриб фаровон ва маданий ҳаётни куриш мумкин эмас. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов мустақил Ўзбекистоннинг маънавий-ахлоқий негизларини мустаҳкамлашни давлатимизнинг янгиланиши ва тараққиётининг асосий тамойилларидан бири сифатида таъкидлаган¹.

Маънавий кадрлар-жамиятдаги ҳулқ-атвор метёрларини бошқариш ва тартибга солиш тизимининг узвий бўлиши. Чунки дунёқараш, билим, эътиқод, у ёки бу ҳатти-ҳаракат уйғун бўлиши билан бирга, айни пайтда у инсонда шаклланади ҳам. Инсон ўз ғоя, фикр ва қарашларини фақат

Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз ислоҳот ва тараққиёт йўли. –Т.: Ўзбекистон, 1992. –29-бет.

фаолият давомида амалда қўллайди ва қайта яратади. Шу сабабли ҳар бири инсон, ҳар бир жамоа фаолиятида маънавий кадриятлар янги жамиятни куриш ва уни мустақкамлаш йўлида аниқ ишлар билан уйғунлаштириш эришмоқ лозим. Олий инсоний кадриятларни индивидуал хулқ-атвор соҳасидан излаш керак. Таъкидлаш жоизки, ёшларда олий инсоний кадриятларни мунтазам тарбиялаш муҳим вазифа экан, бунга маълум психологик хулқ-атвор меъёрларини улар онгига изчил тарзида сингдириш бориш орқали эришиш мумкин.

Ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларнинг ҳозирги босқичида жамиятни янада демократлаштириш имкониятлари кенгаймоқда, бу жамиятни маънавий-ахлоқий такомиллаштириш муаммоларини ҳар томонлама аниқ ва янада чуқур ўрганишга имкон яратади. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек: «Мустақил Ўзбекистоннинг куҳдрати манбаи – халқимизнинг умуминсоний кадриятларга содиқлигидир»¹

Мустақиллик бизга кенг уфқларни очди, ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан куриш, ўз тақдиримизни белгилаш, ўз ҳаётимиз ва умумий уйимизни миллий манфаат ва кадриятларимиз, умум томондан тан олинган демократик тамойилларга жавоб берадиган қилиб обод этишга шароит яратилди..

Халқимизнинг илдишлари қадим тарихга бориб тақаладиган маънавий кадриятлари азалдан умуминсоний юксак фикр ва ғоялар билан йўғрилган Маънавият муаммолари билан шуғулланадиганларнинг бугунги вазифаси аждодларимиз томонидан асрлар оша тўпланган маънавий бойликларни ёш авлоднинг чинакам мулкига айлантириш, бу билан ёшларни маънавий барқарор, ўз Ватанига содиқ қилиб тарбиялашдан иборат.

Педагогика тарихи фанини ўқитиш олий таълим муассасаларинин маълум дидактик тамойиллари: илмийлик, тарихий маълумотларни ҳаё билан боғлаш, изчилик ва тизимчилик, кўргазмалилик, касбий йўналганлик, индивидуал хусусиятларни ҳисобга олиш асосида курилади.

¹ И.А.Каримов. Ўзбекистон буюк келажақ сари. Т. Ўзбекистон. 1998 йил 56-бет.

Ўқитишни ташкил этишга асосий талабларни ифода этган тамойиллар барибир донмо бир хил бўлиб қолавермайди. Ҳаётнинг ўзи олий педагогик таълимга жамиятнинг ижтимоий буюртмаси-таълим жараёнини ташкил этишнинг янги тамойилларини илгари сурди. Бизнинг нуқтаи назаримизда, уларнинг орасида энг аҳамиятлиси:

– ўқув ишларида талабаларнинг ижодий фаоллиги, онглилиги, гуस्ताқиллиги;

– ўқув жараёнида ўқитувчи ва талабаларнинг бирлиги ва ижодий ҳамкорлиги, ўқитувчиларнинг бошқарувчилик, йўналтирувчилик роли ва таълим оқолатлари.

Тарихийлик тамойили, масалан, ўқитишнинг талабаларни нафақат ўқувчи қилиб қолдириш, уларнинг моҳияти, хусусиятлари, кейинги ривожланиш истиқболлари билан таништириш, балки қачон, қайси сабаблар билан юзга келгани, шартлари ҳақида билим беришни ҳам назарда тутати.

Тарихийлик тамойилини ташкил этиш биз қузатган ОТМ шароитида «Педагогика тарихи» курсини ўқитиш жараёнида «Авесто» ва Шарқ утафакирларининг педагогик таълимоти ҳамда Маъмур академияси аъмллари фаолиятига оид янги маълумотларни талабаларга етказишда аҳим аҳамиятга эга.

иласизми? Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, бугунги энг муҳим вазифалардан бири халқимизнинг маънавий-ахлоқий кадриятларини тиклаш, буюк аждодларимиз-шоирлар, олимларнинг меросини халқ мулкига айлантиришдан иборат. Шунингдек, халқнинг ўз тарихи, маданияти, маънавий кадриятларига ишончини орттириш зарур.

Қимматли тарихий манбалар ҳисобланган «Авесто» ва Шарқ утафакирларининг педагогик таълимоти ҳамда Маъмур академияси аъмллари Мусо ал-Хоразмий, Аҳмад ал-Фарғоний, Абу Райҳон Беруний,

Абу Али ибн Сино, Абу Наср ибн Ироқ, Абу Саҳл Масиҳий, Абулхайр ибн Ҳаммор, Абу Абдуллоҳ ибн Юсуф ал-Хоразмий, Абу Али ибн Мискавайх, Абу Мансур ас-Саолибийларнинг маънавий ахлоқий тарбия ҳақидаги қарашлари ҳамда олимларнинг бу соҳадаги изланишларини ўрганиб, муҳим маълумотларни тўплашга, уларни маърузалар, семинар мащғулотлари, мустақил ишлар жараёнида талабаларга тақдим этишга эришдик.

Тадқиқот вазифаларига мувофиқ талабаларнинг маънавий сифатларини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари педагогик қарашлар, тарихий манбалар, талаба маънавий тарбиясига оид фикр ва фикрлар, уларнинг педагогика фани ривождаги аҳамияти, умумий ўрта таълим мактаблари учун ўқитувчилар тайёрлашдаги имкониятлари, бу имкониятларни педагогика фани, хусусан педагогика тарихини ўқитишда фойдаланишга қаратилган модел ишлаб чиқилди.

Тадқиқот жараёнида бўлажак ўқитувчилар учун талабаларнинг маънавий сифатларини тарбиялаш

«Авесто» ва Шарқ мутафаккирларининг педагогик таълимоти ҳамда Маъмун академияси алломалари қарашлари орқали талабаларни маънавий ахлоқий сифатларини тарбиялашга йўналтириш мазмун қуйидаги 14 та қисмдан иборатдир:

1. Ўқитувчи ўрганиладиган фан, ҳар бир мавзунинг талабалар маънавий сифатларни тарбиялаш ва уларни ўтмишнинг бой мероси билан таништириш имкониятларини билиши ва ҳисобга олиши.

2. Маънавий тарбия илдилари қадим ўтмишга бориб тақалишини таълим-тарбия масалалари акс этган зардуштийлик таълимоти, ўтмишнинг бебаҳо ёзма ёдгорлиги «Авесто» билан боғлай олиши.

3. Маъмун академияси олимлари Мусо ал-Хоразмий, Аҳмад ал-Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Абу Наср ибн Ироқ, Абу Саҳл Масиҳий, Абулхайр ибн Ҳаммор, Абу Абдуллоҳ ибн Юсуф ал-

Ҷоразмий, Абу Али ибн Мискавайх, Абу Мансур ас-Саолибийнинг педагогик ғояларини асосий йўналишлари, уларнинг инсон, унинг жамиятдаги ўрни, фан ва диннинг ўзаро муносабатлари, тарбиянинг мақсади, таркибий қисмлари, ақлий, маънавий, жисмоний, эстетик, меҳнат арбобияси; уларни ташкил этиш шакли ва усуллари, тамойиллари, таълим шартлари, ўқитувчининг жамиятдаги ўрни, унга қўйиладиган талаблар ўйинча гносеологик қарашларни билиши.

4. Шарқ алломаларининг маънавий тарбияга оид фикр ва ғояларини ригиб берадиган материалларни ҳар бир мавзуга зўрма-зўраки эмас, балки ларни ўқув режасида кўзда тутилган ўқув материали мазмунига мантиқий а табиий мос келадиган ҳолда уйғунлаштириш.

5. Танланган материал илмий, асосли, изчил, ишончли, ёрқин ва бразли баён қилиниши, талабаларнинг алоҳида қизиқиш ва эътиборини жалб қилиши.

6. Талаба-ёшларнинг маънавий сифатларини тарбиялашда мактаб, кадемик лицей, касб-ҳунар коллежлари ҳамда олий таълим муассасаларида зваййликка эътиборни қаратиш ва амал қилиш лозим.

7. «Авесто» ва Шарқ мутафаккирларининг педагогик таълимоти ҳамда лаъмун академияси олимларининг талабалар маънавий сифатларини арбиялашга йўналтирилган қарашларини ўзаро қиёслаш, педагогика арихи фанининг шаклланиши ва ривожланишига ўзининг бебаҳо иссасини қўшган Шарқ алломалари педагогик ғоялари тадрижийсини узатиш имконини берадиган қиёсий педагогика услубларини кенг ўллаши.

8. Марказий Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқ олимларининг асрлар оша ўз жамиятини, улкан маъносини йўқотмаган педагогик фикр ва ғоялар алқини ва ривожланишида устуворлигини асослай билиши.

9. Интеграция, ижодий мерос ҳамда педагогика фани китувчиларининг фалсафа, Ўзбекистон тарихи, этика, адабиёт ва бошқа ран ўқитувчилари билан ҳамкорлигидан кенг фойдаланиш.

10. Буюк қомусий алломалар Беруний, ибн Сино, Абу Наср ибн Ироқ Абу Абдуллоқ Илоқий ва бошқалар ҳаёти, илмий фаолиятини ёритадиган бадиий, сахна асарлари, мўйқалам, мусиқа, кино, видео материалларни кен қўллаш.

11. Талабаларни ўрта асрлар Шарқ алломалари ҳаёти ва ижодини ўрганиш, ўз хотирасида Абулхайр ибн Ҳаммор, Абу Наср ибн Ироқ, Абу Наср Форобий, ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Абу Саҳл Масихий, Абу Абдуллоқ Илоқий, Абу Али ибн Мискавайҳ, Абу Мансур ас-Саолибий, Махмуд Хамид ибн Хидр ал-Хўжандий, ал-Муттатабиб, Абул Ҳаким ал-Қосий, ал-Хоразмий ва бошқалар ҳаётига оид ҳодиса ва воқеаларни тиклашга ундай олиши.

12. Уларнинг фаолиятини Маъмур академияси олимлари фаолияти билан боғлаб ёритиши.


13. Ўрта асрлар Шарқ алломалари педагогик меросидан фойдаланиб, талабаларда маънавий сифатлар ва ўз юртдошлари билан фахрланиш гуйғусини тарбиялаши.

14. Талабаларда мутафаккир олимларнинг инсон маънавий тарбиясига оид тавсияларни амалий фаолият ҳамда ҳаётда қўллаш малакаларини шакллантириш, буюк алломалар асарларида баён этилган маънавий сифатларни ўзлаштириш бўйича амалий ишлар олиб бориши зарур.

Мазкур ўқув қўлланманинг дастлабки бобларида талабаларнинг маънавий сифатларини тарбиялаш асосида баркамол инсонни тарбиялаш педагогика тарихи материаллари мисолида уларнинг ўрни назарий жиҳатдан асослаб берилган эди.

Ушбу маънода бугунги талаба-ёшлар педагогика тарихини ўрганиш орқали ўтмиш меросимиздан, ислом дини яратган маънавий бойликлардан ҳам фойдаланишлари муҳимдир. Исмоил ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Баҳоуддин Нақшбанд, Хўжа Аҳмад Яссавий каби ислом олами буюк алломаларининг адолат, инсонпарварлик, меҳнатсеварлик, Ватанга муҳаббат, ахлоқ, одоб, иймон ва эътиқод ҳақидаги таълимоти ва фикрларидан ҳалқи-мизнинг, ёшларнинг баҳраманд бўлиши - умуминсоний қадриятларни англаб олишлари, улар ҳақида тасаввурга эга бўлишлари учун керак.

Педагогика тарихини ўқитишда талабаларнинг маънавий сифатларини тарбиялаш модели



Таклиф этилган тавсиялардан фойдаланиш натижаларини аниқ в
халис баҳолаш учун педагогика тарихи материалларини ўқитиш орқал
талабаларнинг маънавий сифатларини тарбиялашда қўйидаги мезонла
ишлаб чиқилди: талабаларнинг интеллектуал салоҳияти асосида

– динат, эътиқод, виждонлилиқ адолат ва инсонпарварликни
намоён бўлиши;

– миллий ўзлиқни англаши;

– ифрат, ҳаё, андишалилик;

– маънавият ва ахлоқий меъёрларни қайта тиклаши;

– самимийлик, сажийлик, софдилликни ҳис этиши;

– она-Ватанига муқаббат, миллий ифтихор туйғуси;

– бурч ва масъулиятни ҳис этиши;

– ҳушмуомалалиги ва ошларпарварлик масъулиятига эгаллиги;

– диний маданиятга эгаллиги;

– қадимги ва замонавий маънавий бойликларни билиши;

– мустақил фикрлаш, ижодий тафаккурнинг ривожланганлиги;

Талабаларнинг ҳаёти фаолияти давомида педагогика тарихини

ўқитиш орқали маънавий сифатларнинг намоён бўлиши

даражасига акс таъсир этувчи омиллар:

1. «Педагогика тарихи» курси ва унинг моҳиятини ёритувчи ланбаларнинг ўзбек тилида эҳтиёжлар даражасида етарли эмаслиги.
2. Таълим жараёнида талабаларнинг маънавий сифатларини тарбиялаш тарғиботини ташкил этишда самарали шакл, усул ва воситалардан бойдаланмаслик.
3. «Педагогика тарихи»ни ўқитишда талабаларнинг маънавий сифатларини тарбиялаш моҳиятини ўрганишга нисбатан эҳтиёж ва эҳтиёт уйғотилмаганлиги.
4. Педагогика тарихини ўқитишда талабаларнинг маънавий сифатларини тарбиялаш моҳиятини тарғиб этувчи тадбирлар мазмунининг оявий жиҳатдан мукамал эмаслиги.
5. Талабаларнинг маънавий сифатларини тарбиялаш тарғиботини ташкил этишга йўналтирилган тадбирларнинг мақсадга мувофиқ, изчил ичимли ва узлуксиз ташкил этилмаётганлиги.
6. Педагогика тарихини ўқитишда талабаларнинг маънавий сифатларини тарбиялаш тарғиботини ташкил этиш жараёнида педагогика лий таълим муассасалари ҳамда ижтимоий ташкилотлар ўртасида густаҳкам ҳамкорликнинг ўрнатилмаганлиги.
7. Оммавий ахборот воситалари орқали талабаларнинг маънавий сифатларини тарбиялаш моҳиятининг бир ёқлама ёритилиши ёки фикрлар мазмунидаги мантиқнинг устувор мавқега эга эмаслиги.
8. Ўқитувчиларнинг «Педагогика тарихи»ни ўқитишда талабаларнинг маънавий сифатларини тарбиялашдан тўлақонли хабардор эмасликлари.

Талаба-ёшлар маънавий сифатларини амалга ошириш методикаси

Тавсифли кўрсаткичлар	Текшириш турлари. Бошланғич даражалари
Текшириш мазмуни	Педагогик тарихини ўқитишда талабалар маънавий сифатларини тарбиялашнинг ривожланганлик даражаси, психологик хусусиятлари
Текшириш мақсади	Талабаларнинг маънавий сифатлари ривожланганлик даражасининг ДТС ва Кадрлар тайёрлаш миллий модели билан қиёслаш
Текшириш услубларининг мазмуни	Назорат тошшириқлари, саволномалар, амалий ишлар, иш объекtlари, мустақил тошшириқлар.
Назоратнинг қайтарилиши	Бир мартаба, ўқув йили ўртасида
Талабалар сони	Камида 20-25 та
Назорат тури	Лаборатория шароити, аудитория, табиий шароит, амалий, семинар машғулотида.

Педагогика тарихи фанини ўрганишда асосан тарихий манбалар ўрганилди, адабиётлар таҳлил этилди, тренинг, суҳбат, сўровномалар ўтказиш методикаси яратилди. Талабаларнинг ақлий ва амалий қобилиятларининг ривожланганлик даражалари, ҳаётий йўлланмалари ва маънавий фазилатлари, билим, кўникма ва малакалари ўз ўтмиш тарихини англашнинг аниқлаш мақсадида савол-жавоб ўйинини ташкил этиш лозим.

Талабаларни турли, ҳатто биздан жуда узоқ даврларда, турли мамлакатларда яшаб, ижод қилган психология, педогогика, хусусий услубиётлар ривожига бебаҳо ҳисса қўшган буюк олимлар фаолияти билан

чуқур таништириш эди. Улар орасида айниқса, буюк юртдошларимиз ўрта асрлар қомусий олимлари: Абулхайр ибн Ҳаммор, Абу Наср ибн Ирок, Абу Наср Форобий, Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Абу Саҳл Масихий, Абу Абдуллоҳ Илоқий, Абу Али ибн Мискавайҳ, Абу Мансур ас-Саолибий, Маҳмуд Ҳамид ибн Хидр ал-Хўжандий, ал-Муттатаиб, Абул Ҳаким ал-Қосий, ал-Хоразмий ва бошқалар борлиги, олий таълим муассасаларида уларнинг маънавий таълим-тарбияга оид қарашлари билан талабаларни гаништириш ва уларни маънавий сифатларини тарбиялаш лозим. Қадимги ёдгорликлар ва алломаларнинг таълим-тарбияга оид қарашларида маънавий-ахлоқий тарбия мезонлари ҳам ишлаб чиқилганки, бу мезонлар талабаларда маънавий сифатларни тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга. Бу маънавий сифатлар: мақсад сари интилувчанлик, билимга интилиш, поклик, адолат, қақиқаттўйлик, донолик, сахийлик ва мурувватлилик, болалар ва кексаларга ғамхўрлик, жиддийлик, жасурлик ва бошқалардир. Талабаларга киришувчанлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдамга интилиш каби маънавий сифатларнинг аҳамиятини ҳам етказишдир.

Маълумки, «Педагогика тарихи» курси 4-семестрда ўқитилади. Фан бўйича дастурнинг «тушунтириш хати»да айтилишича, педагогика тарихини фан сифатида ўрганиш педагогик фикрлаш доирасини кенгайтиради, ўтмиш педагогик тажрибасига тўғри муносабатни шакллантиришга кўмаклашади... алоҳида мутафаккирлар ва педагогларнинг тарбияга оид қарашларини ёритишда педагогик назариясининг ривожланишига кўмаклашган янгиликни максимал аниқлик билан ажратиш зарур: «ўқув режаси»да кўзда тутилган соатлар миқдори «Педагогика тарихи» курси фанини изчил баён қилиш ва айниқса маънавий тушунчаларни англаб олиш учун етарли эмас. Шунинг учун айрим мавзуларга кўлланма муаммоси билан боғлиқ қўшимчалар киритдик айрим мавзулар эса ўқитувчи ихтиёрига кўра талабаларга мустақил таълим учун тавсия этилди»¹.

Педагогика тарихи. Дастур. –Т.: ТДПУ, 2006. -26-бет.

Бу анча муҳим тавсия. «Педагогика тарихи»ни ўқитишда талабаларни буюк юртдошларимиз ҳамда Ўрта ва Яқин Шарқ мутафаккирларининг педагогик фикр ва ғоялари билан таништиришда фойдаланиш зарурлигини таъкидлашимизга асос бўлади. Айнан улар ўрта асрдаёқ педагогика назариясининг илгариллаш учун тўртки бўлган янгиликни топа олганлар. Мутафаккирларнинг асрлар оша ўтиб келган фикр ва ғоялари бизнинг замонамизда ҳам аҳамиятлидир.

Ўқитувчи талабаларни нафақат улўғ алломалар мероси билан таништириши, балки бу меросга ҳизиқиш уйғота билиши, уларнинг ҳаёти ва илмий фаолияти, педагогик фикр ва қарашлари ҳақида янги, янада тўлиқ билимларни мустақил равишда эгаллашга интилишини тарбиялаши, улардан таълим муассасаларида фаолият кўрсатишда фойдаланишига рағбат уйғотиши лозим.

Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг халқимизнинг маънавий-ахлоқий қадриятларини тиклаш, буюк аждодларимиз меросини халқ бойлигига айлантириш энг муҳим вазифалардан экани ҳақидаги сўзлари ниҳоятда ўринли.

Дастур ва дарсликлар таҳлили давомида, ишонч ҳосил қилдикки, Маъмун академияси алломаларининг педагогик фикр ва ғоялари уларда кенг ўрин олмаган. Бу фикр ва ғояларнинг ҳаётда алоҳида ўрин тутганлигига ҳам урғу бериб бориш лозим. Буни эса ўзи шу фикр ва ғояларни яхши билган, тушунган ва шунга амал қила оладиган мутахассисгина бажариши мумкин.

Турли даврларда, турли ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар шароитида яшаб, ижод қилган маърифатпарвар олимларнинг қарашлари, фикрлари, энг муҳим педагогик муаммолар талқинидаги ўхшашликни қандай изоҳлаш мумкин?

Бизнингча, бу икки асосий ҳолат билан тавсифланади:

1. Турли давр, турли авлодга мансуб бўлган буюк олимлар қадимги Греция (Спарта, Афина), Рим, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида педагогик фикрларнинг ривожланиш тарихини, албатта, кузатиб борганлар, Шарқ маданиятининг Ғарбий Европа маданиятига таъсирини таъкидлаганлар.

Улар ўз ўтмишдошларининг ёшлар маънавий тарбиясига оид меросида энг қимматли фикр ва ғояларни аниқлашган, таҳлил қилишган, баҳолашган, саралаб олишган, улар билан қуролланиб, уларга таяниб, педагогик фикрларнинг кейинги ривожига кўмаклашган.

2. Агар кейинги авлод олимлари маънавий тарбия ҳақидаги асосий фикр ва ғояларни олдингиларини ривожлантириб талқин қилишса, бу талқишлар турли олимлар онгида турли давр, турли шароитларда юзага келиб, умумий концепцияларда вақт синовидан ўтган ва ўз қимматини ишонarli тарзда тасдиқлаган.

Эслатма! Талабалар томонидан ўрганилган барча материални саралаб ва умумлаштириб, тегишли хулосаларга келган ўқитувчи яна бир бор унинг касбий ва шахсий-маънавий сифатларини тарбиялашдаги аҳамиятига тўхталди. Педагогика олий таълим муассасаларида ўқув жараёнида таълимнинг шакллари ҳам ҳақли равишда алоҳида ўрин тута бошлади.

Агар улар талабаларни маънавий тарбия мезонлари билан гаништиришдаги катта имкониятларни ўзида қамрай олса, бир неча гуруҳларда қўшиб ўтиладиган маърузадан фарқли ўларок, улар кичик академик гуруҳларда олиб борилса, бунда ҳар бир талаба шахсини ўрганаётган материалга алоҳида қизиқтириш, махсус мустақил ишга рағбат ўйғотиш имконияти таъминланади.

Ғаянч тушунчалар: Педагогика тарихи, маънавий тарбия, юксак маънавият, педагогик ғоялар, Марказий Осиё, интеграция.

Мавзу юзасидан тест топшириқлари

1. Педагогика тарихи фанига II-курда қанча соат маъруза, семинар ва мустақил таълимга ажратилган?

А. маъруза 20 с, семинар 34 с, мустақил таълим 56 с, умумий 110 соат ажратилади.

Б. маъруза 30 с, семинар 32 с, мустақил таълим 50 с, умумий 112 соат ажратилади. *

С. маъруза 26 с, семинар 25 с, мустақил таълим 40 с, умумий 91 соат ажратилади.

Д. тўғри жавоб берилмаган.

2. “Дарахтнинг етуқлиги унинг меваси билан бўлганидек, инсоннинг барча хислатлари ҳам ахлоқ билан яқуланади”

Ушбу сўзлар муаллифи ким?

А. Форобий.

Б. Беруний. *

С. Ибн Сино.

Д. Ал-Фарғоний.

3. “Илм дунёнинг иззати охирагининг шарофатидур. Илм инсон учун гоят олий ва муқаддас бир фазилатдур. Илмсиз инсон мевасиз дарахт кабиدير” Ушбу сўзлар муаллифи, тарбияшунос олим ким?

А. А. Авлоний.

Б. Форобий. *

С. Ибн Сино.

Д. Беҳбудий.

4. Арабшунос олим Байҳақининг ёзишича Ислом ўлкалари олимлари орасида ундан олидин бунчалик ўткир одам бўлмаган эди, деган фикрни юритади. Ушбу фикрни қайси алломага тегишли?

- А. Форобий.
- Б. Беруний. *
- С. Ал-Фарғоний.
- Д. Абу Абдуллоҳ Илоқий

Мавзу юзасидан савол ва топшириқлар

1. Педагогика тарихи фанининг асосий вазифаси нимадан иборат?
2. Педагогика фани нечанчи курсда ўқитилади, маъруза ва семинарга қанча соат ажратилган?
3. Педагогика тарихи курсидан мустақил таълим мавзуларининг мазмун моҳиятини тушунтиринг.
4. Мустақилликкача педагогика тарихи фани қандай ташкил қилинган?
5. Шарқ мутафаккирларининг ғояларини ёшлар онгига қандай янгиладириш мумкин?
6. Педагогика тарихини ўқитишда талабаларнинг маънавий сифатларини тарбиялаш моделини шарҳлаб беринг.
7. Ёшлар, маънавий сифатларни тарбиялашга йўналтириш мазмуни неча қисмдан иборат? Изоҳлаб беринг.
8. Талабаларнинг маънавий сифатларини тарбиялашда қандай мезонлар ишлаб чиқилди?
9. Маънавий сифатларни намоён бўлиш даражасига акс таъсир этувчи бир неча омиллар сабабини тавсифлаб беринг. Изоҳланг.
10. Маънавий сифатларни амалга ошириш методикасини қандай изоҳлайсиз? Шарҳлаб беринг.

Тавсия этиладиган манбалар

1. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли. –Т.: Ўзбекистон, 1992. -29-бет.
2. К.Ҳошимов, С.Нипонова. Педагогика тарихи. Дастур. –Т., ТДПУ, 2006. -26-бет.
3. К.Ҳошимов, С.Очил. Педагогика тарихи антологияси.
4. О.Ҳасанбоева ва бошқалар. Педагогика тарихи. –Т.: Ғ.Фулом, 2005. -243-бет.

2. Педагогик технологияларни таълим амалиётига татбиқ этиш йўллари ва имкониятлари

Ўзбекистонда таълимнинг ҳозирги шароитида ўқитувчига ишонч ва масъулият янада ортди. Чунки у юксак маънавиятли, маданиятли, ўз касбининг фидойиси, чуқур назарий билимларга эга бўлган, педагогик маҳоратни тўлиқ эгаллаган инсон сифатида жамиятнинг пешқадам аъзоси тарзида намоён бўлмоқда.

Бундай ўқитувчиларни тайёрлашда педагогика олий таълим муассасалари талабаларини педагогика фанининг юзага келиши ва турли тарихий даврларда ривожлана боришига оид билимлар билан таништириш алоҳида аҳамият касб этиши шубҳасиз.

Педагогик фикр хазинасида ўрта асрларда Шарқнинг булук қомусий олимлари педагогик мероси ҳақли равишда алоҳида ўрин тутди.

Ўзбекистоннинг бўлажак ўқитувчилари нафақат бу бебаҳо меросни билиши, ўзбек олимларининг педагогика фани ривожига қўшган ҳиссасини юксак қадрлаши, ундан ўзининг амалий фаолиятида кенг фойдаланиши ҳам лозим.

Республикамизда олий таълим муассасалари янги ривожланиш поғонасига кўтарилди. Барча фанлардан ДТСлари ишлар чиқилди. Бугун мустақил республикамизда баркамол авлод манфаати ва таълим устиворлиги эътироф этилган бир даврда педагогика тарихи фани эркин шахсни

шакллантириш, қонуниятлари, талаба-ёшлар шахсини ҳаётга мослаштиришнинг шакли ва методлари, мазмуни ва принципларини ўрганади. Бугун педагогика тарихи фани ўз предмети, фанлар билан алоқаси, педагогик билимлар тизими, уларнинг манткикий тузилмаси, назарий педагогик билимларни тарбияга, маънавиятга таълим амалиётида қўллаш масалаларига доир муаммоларни янгича талқин этишмоқда. Педагогик технология таълим методлари, усуллари, йўллари ҳамда тарбиявий воситалар йиғиндисидан педагогик жараённинг ташкилий-услубий воситалари мажмуидир. Педагогика тарихи фанида педагогик технологияларни қўллаш, фойдаланиш баркамол инсонни шакллантириш фаолиятидир.

Педагогик технологияни таълим шаклига синдиришдан олдин таълим шаклининг уч тури тарихини яхши билиш лозим.

1. Анъанавий таълим шакли (XVII асрда вужудга келган Я.А.Коменскийнинг «Буюк дидактика» асари орқали ёйилган синф-дарс тизими).

2. Ноанъанавий таълим шакли (Ҳар хил усуллардан фойдаланиб дарс ўтиш, интерфаол усуллар мажмуи) XX асрнинг 50 йилларидан ривожланди.

3. Яқка тартибдаги таълим шакли (Қулдорлик давридан пайдо бўлган сўлдорнинг боласини қўллар ўқитувчига олиб борган, уларни алоҳида индивидуал усул асосида ўқитишган)

Талабалар ўзини ўқишида баҳс-мунозара мавқеини мустаҳкамлаш орқали ўқув мавзуларини чуқур ўрганадилар. Бугун олий ўқув юрти муассасаларида назарий машғуллотлар бўйича ўқув-билиш фаолиятини юйиҳалаш педагогика тарихи қонуниятларининг ўрганилмаган қирралари исёр. Бу эса тадқиқотчилар учун тадқиқот мавзуси бўлиши мумкинлигини лутмаслик керак.

Миллий дастурда белгиланган мақсадни амалга ошириш юзасидан Олий ва ўрта махсус вазирликларда илғор педагогик технологияларни юйиҳалаш асосий вазифалардан бири қилиб белгиланганлиги мақтовга азавордир, лекин кези келганда айтиш керакки, олий таълим тизимида

барча ўқитувчиларнинг ҳаммаси педагогик технология нима эканлиги-ю, технология билан метод ўртасидаги фарқни ажрата олмайдилар ёки ўтаётган дарс машғулоти қайси таълим шаклида эканлигини билмайдилар. Аёнана таълим шакли билан ноёнана таълим шаклини фарқлолмайдилар.

Ҳар бир ўқитувчи талабаларга дарс бераётганда педагогик технология ҳақида соатлаб маъруза ўқиши мумкин. Назарий маълумот, қонда, таъриф келтириш мумкин, лекин бундан бўлғуси педагоглар самарадорликка эриша олмайди, қачонки 2-3 дарс машғулоти янги педагогик технологиялар асосида ўтказиб, интерфаол методларни тушунтириб, амалиётда қўлай олсагина бирор бир ижобий самарага эга бўлади. Бугун деярли барча ўқитувчиларимиз дарс машғулотино ноёнана таълим шаклида олиб борадилар. Ана шу шаклларни фарқни ҳар бир дарс машғулотида талабаларга кўрсатиб ўтиш керак. Бугунги кунга келиб педагогика тарихи фанини ўқув жараёнини технологиялаштириш ўзининг бошланғич даврини бошидан кечирмоқда. Бу жараён тезкор суратлар билан ўсиб бормоқда. Айниқса, 80 йилларнинг ўрталарида ривожланган давлатлар таълим тизимида кенг қулоч ёйган ишбилармонлик даражасидаги ўйин дарслари бунга мисол бўла олади.

Педагогик технологиянинг турлари:

1. Классик маъруза.
2. Техника воситалари ёрдамида ўқитиш.
3. Маслаҳатчилик тизими.
4. Педагогика тарихи дарслиги бўйича ўқитиш.
5. Кичик гуруҳлар тизими.
6. Компьютер ёрдамида ўқитиш.
7. Репетиторлик тизими.
8. Дастурлаштирилган бошқарув.

Таълим олувчига ёндашув тури бўйича педагогик технология қуйидагича номланади:

1. Дидактик йўналтирилган.
2. Ижтимоий йўналтирилган.
3. Антропологик йўналтирилган.

4. Педагогик йўналтирилган.

5. Шахсга маънавий таъсир этиш усули.

Дарс машғулотининг шовқин бўлиши, дарсда педагогик технологияни қўлланиши, ўйин машғулотлари, дарснинг амалий моҳиятига эътибор бериш ўқитувчининг дарс ўтиш талабига боғлиқ.

Ўқув қўлламанинг асосий вазифаси талабаларнинг «Авесто» даги педагогик фикрлар ва маънавий тушунчаларда, Шарқ мутафаккирлари қаёти, илмий фаолияти, педагогик фикрлари маънавий тарбияга оид қарашлари ва Маъмун академияси алломаларининг ижодий меросини ўрганиш ҳақида билимларини бойитишдан иборат. Шундай экан ушбу педагогик технология орқали ўйин дарс машғулотини тавсия этамиз. Машғулотнинг асосий ташкилий шакли маъруза, илмий-оммавий дабиётлар, маълумотнома ва луғатлардан фойдаланиш мумкин.

Ўйин дарс машғулотини олиб боришда ўқитувчи асосий вазифани ажариб боради. Аудиторияни гуруҳларга ажратади. I-II-III – саволни қўйиб, гуруҳ жавоб беради, секунд ичида, саволларга жавоб ермаса, ўқитувчи жавобни айтиб кетади. Ҳар бита саволга 5 балли низида баллар қўйиб борилади.

Ёзув тахтасига балли талабалар кўз олдида битта *кузатувчи адвокат* талаба қўйиб боради. Агар талабалар ўз гуруҳини қимоя этиб чапак чалса, ичкириб юборса, шовқин солса (маънавий тарбиясига) жарима таёқчаси / элписи қўйиб борилади. Учтагача жарима таёқчасини олган гуруҳ ўйиндан ағлуб бўлиб чиқиб кетади. Демак, ўйин қоидаси «Тезкор саволга – тезкор жавоб».

Педагогик технологияларни таълим амалиётига татбиқ этиш йўллари ва имкониятларини “Педагогика тарихи” фанини ўқитиш орқали талаба-ёшлар тоғига сингдиришда қуйидаги тавсиялар берилади:

1. Педагогика тарихини ўқитишда талабаларнинг маънавий қабилларини тарбиялаш моҳияти, асосий фикр ва фикрларини педагогика тарихи фанларининг дастур, ўқув қўлланмалари, дарсликлар таркибига киритиш ҳамда таълим жараёнига жорий этиш.

2. Педагогика тарихини ўқитишда талабаларнинг маънавий сифатларини тарбиялаш бўйича педагогика кафедраларида махсус мутахассис–педагоглар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ишларини такомиллаштириш.

3. Педагогика олий ўқув юрғларининг педагогика ўқув режаларига талабаларнинг маънавий сифатларини тарбиялаш мақсадида «Маънавий тарбия», «Аждодлар меъроси – олий неъмат» деган курслар киритиш.

4. Педагогика тарихи дастурига «Авесто», Шарқ мутафаккирларининг педагогик таълимоти ва Маъмур академиясига оид соатларни кўпайтириш.

5. Республика олий таълим муассасалари талабалари учун маънавий тарбия назарияси ва услубиёти, педагогик-услубий тажрибаларни оммалаштириш, ўзаро тажриба алмашини ва тарбия муаммоларини ёритиб боришга кўмаклашадиган «Маънавий-маърифий тарбия» номли журнал ташкил қилиш.

6. «Авесто»да ифода этилган қондани давом эттириш мақсадида Республиканинг ҳар бир худудида, шаҳар-қишлоқларида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, фарзанд дунёга келганда ўғил бола учун 40 тул терак дарахтни экишни урф-одат тусига киритиш (бу урф-одат фақатгина Фарғона водийсида сақланиб қолган).

7. Олий таълим муассасаси хуудларида ва ётоқхоналарда талабаларнинг маънавий сифатларини тарбиялаш моҳияти, мақсади вазибалари, миллий кадриятлар ҳамда анъаналарни талабалар онгига муттасил синдириб бориш мақсадида радио ва телемарказ ташкил қилиш мақсадли эшиттириш ва кўрсатувлар уюштириш.

Биз таълим–тарбия тарихида талабаларнинг маънавий сифатларини тарбиялаш ва ривожлантиришга доир фикр ва ғоялар, уларни таълим жараёнига татбиқ этишга оид катта бир муаммонинг кичик бир соҳасини доир изланишдир.

Таянч тушунчалар: Педагогик технология, таълим амалиёти, педагогик фикр, маънавий тарбия, илмий фаолият.

Мавзу юзасидан тест топшириқлари

1. Муסיқашунос, математик, ҳуқуқшунос, адаб ва шоир, табиб, хлокшунос, астроном, табиатшунос, файласуф, қомусий олим, педагог... шбу фикрлар Шарқ мутафаккирларидан қайси алломага тегишли?

- А. Ибн Сино. *
- Б. Жавҳарий.
- С. Журжоний.
- Д. Форобий.

2. Меҳнат инсонни уч нарсдан саклайди. Биринчи юрак сикилиши-ан, иккинчи муҳтожликдан, учинчи ...нимадан саклайди?

- А. ахлокий бузилгишидан. *
- Б. почорликдаб.
- С. очликдан.
- Д. тўғри жавоб берилмаган.

3. Зардуштийлик диний таълимотида уламо, қоҳинлар бугунги кунда айси касб эгаларига мос келади?

- А. устоз, муаллим. *
- Б. шифокор, ҳамшира.
- С. технолог, муҳандис.
- Д. директор, раҳбар.

4. Нима учун Форобийга "иккинчи муаллим" унвони берилган?

А. Юнон илмини яхши билгани, қадимги Юнон файласуфлари арларини таржима қилгани, Аристотель фалсафасини таққин этишидаги ва интик соҳасидаги шарҳлари учун. *

- Б. кучли туғма қобилияти борлиги учун.
- С. илмга чанқоқлиги, истеъдод ва тажрибаси юқори бўлганлиги учун.
- Д. б ва с жавоблар.

Мавзу юзасидан савол ва топшириқлар

1. Педагогика технологияси асосидаги савол-жавоб ўйини дар машғулотида қандай фойдалана олингиз?
2. Педагогика тарихидан қандай фикрларни биринчи март эшитдингиз? Изоҳлаб беринг.
3. Ушбу ўқув қўлланмага сизни фикрингиз?

Тавсия этиладиган манбалар

1. И.А.Каримов. Юксак маънавият енгилмас куч. –Т.: Маънавият 2008. -173-б.
2. К.Ҳошимов, С.Очил. Ўзбек педагогикаси анталогияси. 1-жилд. –Т Ўқитувчи, 1995. -460-б.
3. М.Қаҳдорова. Маънавият – ахлоқий муҳит. Демократи янгиланишининг муаммо ва ечимлари. Т., 2008. -178-б.
4. И.Саифназаров. Маънавият баркамоллик ва сиёсий маданият. –Т Шарқ, 2001. -156-б.
5. А.Зуннунов. Педагогика назарияси. –Т.: Алоқачи, 2006. 160-б.

«Ўйин» технологияси.

«Тезкор саволга – тезкор жавоб» ўйини

Талабалар уч гуруҳга бўлинади. Саволлар ўқитувчи томонида ўқилади, тезкорлик билан талаба жавоб бермаса, ўқитувчи жавобини ўқи беради. Ҳар бир саволга тўғри жавоб 5 балл, чала жавоб берса 2,5 бал ёзув тахтасига ёзиб борилади. Қайси гуруҳда саволга жавоб бермас: гуруҳини ҳимоя қилиб гапирса, бақирса, чапак чалса жарима таёқчас берилади. Яъни бундан мақсад гуруҳни тинч, осойишта, фаол ўйин дарсин ташкил этиш.

1-гурух

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов

асарларида маънавий тарбия мавзуси юзасидан

Савол: И.А.Каримовнинг қайси асарида «маънавий тарбия масаласи ўқитувчига бориб тақалади» деб айтилган?

Жавоб: «Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори» асарида.

Савол: Мустақил Ўзбекистонни ривожлантиришнинг 4 та маънавий-ахлоқий негизини айтинг?

Жавоб: – умуминсоний қадриятларга содиқлиги;
– халқимизнинг маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш;
– инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён қилиши;
– ватанпарварлик.

Савол: «Халқнинг маънавий руҳини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш - Ўзбекистонда давлат ва жамиятнинг энг муҳим вазифасидир: ушбу сўзлар Президент И.А.Каримовнинг қайси асарида олинган?

Жавоб: «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли».

Савол: «Фақат маънавий соғлом, кучли жамиятгина ислоҳотларга тайёр бўлиши мумкин? Ушбу сўзлар қайси асардан олинган?

Жавоб: Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида.

Савол: «Хотин-қизларга муносабат жамиятимиз маънавий-ахлоқий етуклигининг ўлчови бўлиб хизмат қилиши керак». Ушбу сўзлар қайси асарда учрайди?

Жавоб: Ўзбекистон - иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида.

Савол: «Маънавий қадриятнинг яна бир қудратли манбаи – оила ва қариндошлик муносабатлари одобидан иборат». Бу сўзлар қайси асардан олинган?

Жавоб: «Ўзбекистон ХХI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарида олинган.

7. Савол: «Ҳаммамизнинг этник, маданий ва диний сабр – бардоши - маънавий уйғонишнинг яна бир битмас-туганмас манбаидир» Ушбу сўзлар қайси асардан олинган?

Жавоб: «Ўзбекистон ХХI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари».

8. Савол: «Ўзбекистон ХХI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асаридаги бош гоа нима?

Жавоб: Маънавий кадрлар ва миллий ўзликни аниқлашни тиклашни.

9. Савол: «Маънавийни мустаҳкамлаш учун меҳнат ва маблагни аяп ўз келажагига болга уриш демақдир». Ушбу сўзлар қайси асардан олинган?

Жавоб: «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» асарида.

10. Савол: Давом эттиринг. «Маънавият – тақдирнинг эдсони эмас Маънавият инсон қалбида камол топиши учун...»

Жавоб: «... у қалбан ва виждона, ақл ва қўл билан меҳнат қилиши керак».

2-гурух

Абу Райҳон Беруний мавзуси юзасидан

1. Савол: Берунийнинг дастлабки йирик асари.

Жавоб: «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар».

2. Савол: Беруний қайси академияга раҳбарлик қилган?

Жавоб: Хоразм Маъмун академиясига.

3. Савол: Академияни бошқарган пайтида қандай мактабни яратган?

Жавоб: Фалсафий педагогика мактабини.

4. Савол: Берунийнинг устози ким?
Жавоб: Абу Наср ибн Ироқ.
5. Савол: Беруний бошқарган академия неча йил фаолият кўрсатган?
Жавоб: 13 - 14 йил.
6. Савол: Беруний ўша пайтда кенг тарқалган ўқитишнинг қайси усулига қарши чиқади?
Жавоб: Схластик.
7. Савол: «Жўртгага ўз сўзида туриб олган билимсиз киши билан баҳолашиб на мақсад эгасига, на мақсадга бирон фойда етказмайди». Ушбу фикр Берунийнинг қайси асаридан олинган?
Жавоб: «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар».
8. Савол: Беруний Хоразмда кимнинг яқин маслаҳатчиси бўлган?
Жавоб: Абу Аббос Маъмун ибн Маъмун II.
9. Савол: Беруний сўзининг маъноси нима?
Жавоб: «Шаҳар ташқарисида» деган маънони англатади.
0. Савол: Беруний умрининг охириги йилларини қаерда ўтказади?
Жавоб: Ғазнада.
1. Савол: Беруний умрининг охириги йилларини қайси ҳукмдор ҳукми остида ижод қилади?
Жавоб: Маҳмуд Ғазнавий.
2. Савол: Берунийнинг иккинчи катта асари.
Жавоб: «Геодезия».
3. Савол: Берунийнинг нечта асари бўлган ва бизгача етиб келган асарлари нечта?
Жавоб: 152 та, 31 таси етиб келган.
4. Савол: Яҳё Ғулумовнинг қайд қилишича, Берунийни қайси давлат билан савдо ва сиёсий алоқалари бўлган?
Жавоб: Қора денгиз бўйи, Шарқий Европа, Волга бўйи.
5. Савол: Беруний Евкледнинг «Негизлар» ва Птоломейнинг «Алмагест» асарларини қайси тилларга таржима қилган?
Жавоб: Ҳинд тили – санскрет тилига.

3-гурӯх

Абу Али ибн Сино мавзуси юзасидан

1. Савол: Абу Али ибн Сино қандай иши учун сарой кутубхонасидан фойдаланиш имконига эга бўлган?
Жавоб: Сомоний давлати раҳбари Нух ибн Мансури даволагани учун.
2. Савол: Абу Али ибн Сино нима учун Хоразмдан маҳфий равишда қочиб кетади?
Жавоб: Ғазна ҳукмдорига тобе бўлишни истамагани учун.
3. Савол: Абу Али ибн Сино Ҳамадонга келгач қандай лавозимларда ишлаган?
Жавоб: Сарой табиби, сўнг вазир.
4. Савол: Абу Али ибн Сино қандай касалликдан вафот этган?
Жавоб: Қулунж ва тугқанок.
5. Савол: Абу Али ибн Синонинг бизгача нечта асари етиб келган?
Жавоб: 240-242 та.
6. Савол: Абу Али ибн Синонинг фалсафага бағишлаган энг йирик асари?
Жавоб: Китоб уш – шифо.
7. Савол: Абу Али ибн Сино «Ҳай ибн Яқзон», «Уйғон ўғли Тирмк» асарини қаерда ёзган?
Жавоб: 1023 йили Фараджо қалъаси қамокхонасида.
8. Савол: Абу Али ибн Синонинг Ғарбдаги номи?
Жавоб: Авиценна.
9. Савол: Абу Али ибн Синонинг энг сўнгги йирик фалсафий асари?
Жавоб: Ишоратлар ва танбеҳлар.
10. Савол: Абу Али ибн Синонинг қайси асарини Герадот таржима қилган ва у Оврўпа университетида ўқитилган.
Жавоб: Тиб қонунлари китоби.
11. Савол: Абу Али ибн Сино неча ёшида ҳоким бўлиб, шухрат қозонади?
Жавоб: 22 ёшида.

12. Савол: Абу Али ибн Синонинг «Тадбири Манзил» асарида нималарга кўпроқ аҳамият берилган?
Жавоб: Оила муҳити, бола тарбияси.
13. Савол: Абу Али ибн Синонинг қайси асарини XI асрнинг «Тиббиёт қомуси» деса бўлади?
Жавоб: «Қонун».
14. Савол: Абу Али ибн Синонинг қайси асари Ғарб мамлакатларида XVIII асргача тиббий қўланма бўлиб келган?
Жавоб: Тиб қонунлари.
15. Савол: Абу Али ибн Сино туғилган жойнинг бугунги кундаги тўлиқ манзили?
Жавоб: Букоро вилояти, Пешку тумани, Афсона қишлоғи.
16. Савол: Абу Али ибн Синонинг асарлари бизда ҳозир қерда сақланади?
Жавоб: Тошкент. Беруний номидаги Шарқшунослик институти хазинасида.
17. Савол: Абу Али ибн Сино неча йил умр кўрган?
Жавоб: 57 йил.
18. Савол: Абу Али ибн Синонинг сўнги нафасигача бирга бўлган энг яқин шогирди?
Жавоб: Абу Убайд Жузжоний.
19. Савол: Абу Али ибн Синонинг «ўржуза фит-тиб» асари нечанчи йил ўзбек тилида ва қерда босилиб чиқилган?
Жавоб: 1972 йил, Тошкентда.

Олиб борилган викторина саволлар натижасини қуйидаги жадвалда кузатамиз:

«Тезкор саволга – тезкор жавоб»

уйим технологияси натижалари

Т/р	Узлаштириш кўрсаткичи (фоизларда)	Биринчи гуруҳ	Иккинчи гуруҳ	Учинчи гуруҳ
1.	паст			
2.	ўрта			
3.	юқори			

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигини қўлга киритгач, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида туб ислохотлар кечаётган ҳозирги кунларда талабаларнинг маънавий-касбий ривожлантириш масалалари охида долзарблик касб этди. Ёшларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясида «Авесто» ёдгорлиги ва Шарқ мутафаккирларининг педагогик таълимоти ҳамда Маъмур академияси олимлари меросидан фойдаланиш янада амарали бўлишига олиб келди. Ҳақиқатдан ҳам бу маънавий меросимиз турли педагогик муаммоларни ҳал этишда, энг муҳими, маънавий баркамол инсонни ривожлантириш ва бу билан педагогик кадрлар тайёрлаш сифатини оширишда улкан имкониятларга эгадир. Педагогика тарихи оралиқ талабаларнинг маънавий сифатларини тарбиялаш тизимини такомиллаштириш педагогика фанини, Ўзбекистон тарихи, фалсафа, этика, усусий услубиёт фанлари билан ўзаро алоқада ўқитиш жараёнида амалга ошириш мақсади мувофиқлигини кўрсатди. Бу борада педагогика тарихи урсини ўқитишнинг турли хил йўллари, усул ва воситалари айниқса катта имкониятларга эга. Талабаларни Абу Наср ибн Ироқ, Абу Саҳл Масиҳий, Абулқайр ибн Ҳаммор, Абу Абдуллоҳ ибн Юсуф ал-Хоразмий, Абу Али бн Мискавайх, Абу Мансур ас-Саолибий каби мутафаккирлар ҳаёти, илмий фаолияти, ёшларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясига оид фикр ва оялари билан таништириш натижасида улар онги ва ҳулқида ижобий эгарилар кузатилади.

Ўқув қўлланмани яратиш жараёнида талабалар қандай яшаш, ўқиш ва ишлаш кераклигига намуна, ўрнатқ бўла оладиган алломаларнинг илгор фикр ва гоилари билан таништириш имкониятлари очиб берилди; улар онги мутафаккирлар турли ижтимоий-иқтисодий шароитларда қандай фаолият кўрсатганлиги ҳақидаги билимлар билан бойитилди; тарбиянинг оҳияти, мақсади, таркибий қисмлари: ақлий, эстетик, жисмоний, меҳнат ва, айниқса, талабаларнинг маънавий сифатларни тарбиялаш ҳақидаги ушунча ва тасаввурлари кенгайтирилди; «Авесто» ёдгорлиги ва Шарқ

мутафаккирларининг педагогик таълимоти ҳамда Маъмун академияс мутафаккирларининг таълим-тарбия масалаларини талқин қилишда унинг устуворлигига ишонирилди ва исботланди; касбий ва маънавий сифатларини таркиб топтириш учун тинимсиз меҳнат ҳамда шахсий сифатларини такомиллаштириб бориш зарурияти тушутилди. Талабаларда ўзининг буюк юртдошлари, дунё илм-фани, жумлада педагогика фани таракқиётига улкан ҳисса қўшган олимлар билан фахрланиш туйғуси пайдо бўлди; Ватанга муҳаббат, унинг тарихий анъаналари, халқ педагогикаси ҳазинасига қизиқиши орттирилди. Халқимизнинг буюк алломалари меросини мустақил равишда янада чуқурроқ ўрганишга ишонч ҳосил қилинди. Зардуштийликдан исломгача бўлган даврда Марказий Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқ ҳудуди «Авесто»даги диний - ахлоқий қадриятларга асосланган таълим-тарбия ҳақидаги таълимотнинг яхлит тизими мавжуд бўлганлиги ҳақидаги фикр ва ғоялар берилди. Зардуштийлик Шарқ ва Ғарбнинг кейинги фалсафий ва сиёсий ҳуқуқий таълимотига катта таъсир кўрсатди. Унинг ахлоқий тамойили «эзгу фикр», «эзгу калом», «эзгу амал» триадаси Шарқ халқларининг эн қадимги давлардан ҳозирги вақтгача бўлган маънавий-ахлоқий қарашларига тарбиявий таъсир кўрсатганлиги очиқ берилди.

Чунки «Авесто»да илгари сурилган маънавий-ахлоқий тамойиллар дунёвий асосга эга бўлиб, Ер юзида адолат ва ақл тантанаси учун курашда ғоявий қурол бўлиб хизмат қилган.

Гурганжда ташкил топган «Олимлар уюшмаси» тарихда Маъмун академияси номи билан шуҳрат қозонди ва Шарқда маданий ҳамда илмий юксалишда катта аҳамият касб этди.

Маъмун академиясининг аҳамияти шундан иборат эдики, у ерда Хоразмшоҳ Али ибн Маъмуннинг раҳнамолигида фундаментал тадқиқотлар олиб борилган. Чунинчи, математика, астрономия, кимё, геодезия, минералогия, тиббиёт, доришunosлик каби дунёвий илмлар ривожланган эди; инсоннинг қонотта парвози ҳақидаги ғоя ва унинг амалий қўлланиш шу академия тўғрисида дунёга келди; академия мамлакатлар ўртасида

аданий ва илмий алоқалар мустақамланишига кўмаклашди; академия лгари сурган гипотезалар, фикр ва ғоялар фаннинг камида беш юз йиллик ивожида бошқарувчи вазифасини ўтади; шу илмий марказ туфайли қатор лимларнинг маънавий тарбияга оид қарашлари ҳозирги кунгача етиб елди.

«Авесто» ёдгорлиги ва Шарқ мутафаккирларининг педагогик аълимоти ҳамда Маъмун академияси мутафаккирларининг таълимотлари изимлаштирилиб таҳлил этилди ҳамда уларнинг педагогик фикр ва ғояларидан талаба-ёшларнинг маънавий-касбий сифатларини тарбиялаш маънавий соғлом авлод тарбиясида фойдаланиш йўллари, шакл за усуллари ритилди.

Шарқ халқлари маънавий меросининг нодир намунаси «Авесто»нинг амиятда инсон фаолиятининг маънавий асосларини белгилувчи ахлоқий амойили Шарқ ва Ғарбда фалсафий, сиёсий, ҳуқуқий, педагогик афаккурнинг ривожига катта таъсир кўрсатди.

Педагогик фикрлар тараққиётида «Авесто» ёдгорлиги ва Шарқ лимоларнинг педагогик таълимоти ҳамда Маъмун академияси мутафаккирларининг талабалар маънавий сифатларини тарбиялашга доир фикр ва ғоялари ўз даври жамият тараққиёти талабларидан келиб чиққан олда кейинги даврларда ҳам ёш авлод тарбиясида ақл-идрок, билим, ратувчилик, ижодкорлик, хулқ-одоб, инсоний муносабатлар, еҳнатсеварлик, соғлом турмуш тарзи кабиларни таркиб топтиришда ўз қамиятини йўқотилмаганлиг ўқув кўланмада ўз аксини топди

Зардуштийлик таълимоти, «Педагогика тарихи» курсида муҳим ўринга эа бўлган мутафаккирлар ва Маъмун академияси олимларининг тарбия изимида ўзига хос умумийлик мавжуд бўлиб, бу умумийлик иймон- ётиқод, она-Замин, Ватанга муҳаббат, эрксеварлик, адолат, халқларварлик, инсонпарварлик, хулқ-одоб қоидалари бош ғоя тарзида фикрлар маҳсули ўлиб, талабаларнинг маънавий сифатларини тарбиялашда ўзига хос йғунлик касб этади.

Педагогика тарихини ўқитишда талабаларнинг маънавий сифатларини тарбиялашга доир фикр ва ғояларни ўқув режасида кўзда тутилган ўқу материали мазмунига маънавий жидатдан тўғри боғлай олиш, назарий маълумотларни амалий машғулотларда қўлай билиш, талабаларнинг ўқу фикрларини қийёслаш, чоғинтиришда илғор технологиялардан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга.

Тарих ўтмиш ва келажак ўртасидаги кўприк вазифасини бажарувчи омиш, деб қабул қилинса, педагогика тарихи инсониятнинг асрлар давомида орттирган тарбия ва маданиятга оид тажрибаларини бугунги давр талабига мослаб етказувчи ижтимоий фондир.

Демак, педагогика тарихи педагогика соҳасидаги қар қандай назарий ва амалий ҳодисаларга давр талаби асосида ёндашади ва ўрганади. Тарбия назарияси ва амалиётининг турли босқичларида хилма-хил бўлишигини оқиб бериб, илғор қарашларининг тараққийёт йўлини кўрсатади.

Педагогика тарихи фани педагогика, психология, фалсафа, маданият тарихи, Ўзбекистон тарихи, жаҳон халқлари тарихи, этнография, археология, ахлоқшунослик, адабиёт тарихи ва бошқа бир қатор фанлар билан узвий алоқадордир.

Бугунги кунда педагогика тарихини ўрганиш - қадимий ёзувлар битиклар, қўлёзма манбалар, халқ оғзаки ижоди, муқаддас диний китоблар Шарқ мутафаккирларининг мероси, пандномалар, жаҳон мутафаккирларининг педагогик қарашлари, замонавий педагогика фани дарғаларининг концептуал ғоялари, таълим-тарбия ва маориф ишини юксалтиришга доир ҳукумат қарорлари, миллий истиқлол ғояларига асосланган миллий мафкурамиз материаллари, Ўзбекистон Президентининг таълим-тарбияга оид асарларига асосланади.

Дарҳақиқат, ўз Ватани тарихини билишни, донишманд халқимизнинг кўп асрлик тажрибаларини ва жамиятнинг маданий-маърифий тараққийёт билан боғлиқ анъаналарни ифодалаб келган педагогика тарихининг ўтмиши, истиқболлари ва бугунги ўзгаришларини ўрганиш давр талабидир.

МУНДАРИЖА

Кириш.	5
I. Мустақил Ўзбекистонда маънавий кадрларнинг тикланиши ва уларнинг тарихий илдиэлари	
1. Тарихий, педагогик манбалар асосида талабаларнинг маънавий сифатларини тарбиялаш ва ривожлантириш.	12
2. Педагогика тарихи» курсини ўрганиш орқали талабаларда маънавий сифатларни тарбиялашнинг ҳозирги аҳволи.	29
II. Талабаларнинг маънавий сифатларини тарбиялашда педагогика тарихининг мазмуни, шакллари, усули ва услублари	
1. «Авесто»да маънавий тарбия масалалари.	50
2. Маъмур академияси олимларининг маърифий қарашлари орқали талабаларда маънавий сифатларни тарбиялаш.	71
3. Шарқ мугафакрлари педагогик таълимотида талабаларнинг маънавий сифатларни ривожлантиришнинг истиқболли режалари шакли ва услублари.	97
III. Шарқ алломалари фаолияти юксак маънавий – маданият тинисоли	
1. Талабаларнинг маънавий сифатларини тарбиялашда педагогика тарихининг аҳамияти	125
2. Педагогик технологияларни таълим амалиётига татбиқ этиш йўллари ва имкониятлари.	140
Хулоса	153

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

Ахмедова Малоҳат Эргашевна

ПЕДАГОГИКА НАЗАРИЯСИ ВА ТАРИХИ

(Педагогика тарихи)

Ўқув қўлланма

Босишга 17.06.2010 йилда рухсат этилди.
Қоғоз бичими 60 x 84 ¹/₁₆. Босма табағи 10,0.
Адади 500 нусха. 185-сон буюртма.

Х/Т «QUDRAT-PRINT» босмахонасида чоп этилди.
Тошкент шаҳри, Қорасарой кўчаси, 112 уй.